O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Da'vat

Uquv qayda bo'lsa, ulug'lik bo'lar.

Yusuf Xos Hojib

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI *

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 2-iyul, chorshanba | № 53 (7558)

Ibrat

Musiqa litseylari va kollejlari o'quvchilarining respublika tanlovida qatnashib, birinchi o'rinni olgan Uspenskiy nomidagi bolalar musiqa litseyi o'quvchisi Tatyana Gilyazetdinova O'zbekiston Davlat konservatoriyasi talabasi bo'lish sharafiga muyassar bo'ldi. Shuningdek, Glier nomidagi Respublika musiqa litseyi o'quvchilari Abdujabbor Musurmonov va Sunnat Ibrohimovlar ham tanlov g'olibi sifatida konservatoriyaga o'qishga qabul qilindilar.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш ва тажриба алмашув тизимини такомиллаштириш тўғрисида

Мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосидаги ислоҳотлар изчил амалга оширилаётгани, бу жараён халқаро миқёсда эътироф этилаётганини, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг бугунги кун даражасини ҳамда келгуси тараққиёти омилларини инобатга олган ҳолда, жаҳон амалиётида қўлланилаётган юқори технология ва илғор фан ютуқлари асосида истиқболли ёш педагог ва илмий ходимларнинг малакасини ошириш ва тажриба алмашувини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш "Умид" жамғармаси билан "Устоз" республика жамғармаси бирлаштирилсин ва уларнинг негизида Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш "Истеъдод" жамғармаси ташкил этилсин. Жамғарма бошқаруви таркиби тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Фанлар академияси, Фан ва технологиялар маркази, тасарруфида олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, шунингдек, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган қатор қўшма корхоналар, банклар ва бошқа ташкилотларнинг жамғармага ҳомийлик қилиш ҳақидаги таклифлари қабул қилинсин. Ҳомийлар рўйхати тасдиқлансин.

Ҳомийлар таркибини чет эллик иштирокчилар ҳисобига кенгайтириш ҳақидаги таклифларни кўриб чиқиш Жамғарма бошқаруви зиммасига юклатилсин.

3. Қуйидагилар Жамғарма фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин: мамлакатимизнинг интеллектуал салоҳиятини, фан, педагогика ва иқтисодиётимиз тармоқларининг ривожланиши даражасини жаҳоннинг энг илғор илмий изланишлар ва юқори технология ютуқлари даражасига кўтариш, Ўзбекистонда чуқур тарихий илдизларга эга ва республикамиз тараққиёти учун муҳим бўлган илм-фан йўналишларининг барқарор ривожланишини таъминлашда фаол иштирок этиш; дунёда эътироф этилган нуфузли олий таълим ва илмий марказлар билан амалий ҳамкорлик ўрнатиш, ўзаро манфаатли илмий тадқиқотлар ва изланишларни ташкил этиш орқали истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар истеъдодининг очилиши ва юксалишига кўмак бериш; мамлакат олий таълим ва илмий муассасаларида педагогик ва илмий фаолият борасида муайян ютуқларга эришган, илмий изланишларни бошлаган, юксак ижодий салоҳият ва қобилият соҳиблари бўлган истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг истеъдодини ривожлантириш, уларнинг Жамғарма грантлари асосида тараққий топган давлатларнинг илғор таълим ва илмий муассасаларида назария ва амалиётнинг замонавий йўналишлари бўйича малака ошириши ҳамда мақсадли тажриба орттиришига, Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши учун устувор йўналишлар бўйича билимини чуқурлаштиришига, прогрессив илмий изланишларда иштирок этишига кўмаклашиш; ҳомийлар, шу жумладан халқаро ташкилотлар ва жамғармалар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, маҳаллий ва хорижий сармоядорларнинг инвестицияларини ёш педагог ва илмий кадрлар билимларини чуқурлаштириш ва малакасини ошириш жараёнига фаол жалб қилиш; истеъдодли ёш педагог ва илмий кадрларнинг замонавий илғор билимлари, жаҳон даражасидаги илмий ва технологик тажрибасини мамлакатимиз амалиётига татбиқ этишни таъминлаш, уларнинг педагогик ва илмий фаолияти мониторингини узлуксиз олиб бориш.

4. Жамғарманинг низоми ва тузилмаси тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш "Истеъдод" жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш "Умид" жамғармаси ва "Устоз" республика жамғармасининг ҳуқуқий вориси деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш "Умид" жамғармаси ва "Устоз" республика жамғармаси бир ой муддатда белгиланган тартибда ўз ихтиёридаги асосий фондлар ва молиявий маблағларни "Истеъдод" жамғармаси балансига ўтказсинлар.

6. Жамғарма солиқлар, тўловлар ва божларнинг (божхонада расмийлаштириш учун тўланадиган йиғимлар бундан мустасно) барча тўловларидан ҳамда давлат бюджетига ўтказиладиган мажбурий тўлов ва йиғимларни тўлашдан 5 йил муддатга озод қилинсин.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар юридик ва жисмоний шахсларнинг таъсис бадаллари ёки ҳомийлик ёрдами тарзида Жамғармага ўтказиладиган маблағлари солиққа тортиш базасидан чиқарилади.

7. "Ўзтелерадио" компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, бошқа оммавий ахборот воситаларига Жамғарма фаолиятини кенг кўламда ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Жамғармани алоқа воситалари, шу жумладан ҳукумат алоқаси ҳамда имтиёзли Интернет тармоғи билан таъминласин.

9. Жамғарма Тошкент шаҳар, Олмазор кўчаси, 171-уйдаги бинога жойлаштирилсин ва ушбу бино Тошкент давлат иқтисодиёт университети балансидан Жамғарма балансига ўтказилсин.

Тошкент шаҳар ҳокимлигига Жамғарманинг биносини 2003 йил 1 ноябригача таъмирлаш юклатилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 7 январдаги ПФ-1694 сонли фармони ва 1997 йил 6 октябрдаги ПФ-1869 сонли фармонининг 4-банди, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 13 январдаги 22-сонли ва 1997 йил 30 декабрдаги 576-сонли қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Мазкур фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Т.Худайбергенов ва Т.Рисқиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 1 июль

ТАЪТИЛНИНГ ТОТЛИ ОНЛАРИ







Ёз. Болажонларнинг таътил мавсуми. Уларнинг мактаб қучоғига яхши кайфияту бир олам таассуротлар билан қайтиши учун жойларда сезиларли ишлар қилинмоқда. Айниқса, ўқувчилар саломатлигини тиклаш, ҳордиқ давомида уларга тиббий хизмат кўрсатиш борасида ютуқлари бисёр оромгоҳлар кўпчиликнинг тилига тушиб улгурди. Бўстонлиқ туманидаги «Ширин булоқ» ва Пскент туманидаги «Меҳржон» деб номланувчи болалар оромгоҳлари (суратларда) бугун дам олувчиларнинг севимли масканига айланган.

А.БЕЗРУЧКО олган суратлар.



ЎҚУВ МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Zamonaviy texnologiyalar—ta'limga

Ким? Ким учун? Нима учун? Қандай қилиб?

Бу савол «Информацион компьютер технологиялари бўйича мактаб инструктори» дастурининг олдида туради. Айни пайтда таълим, маълумотлар базаси, педагогик маҳорат, тажриба алмашув, информацион ресурслар, ота-оналар билан ишлаш, бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик ҳам бу лойиҳани амалга оширувчиларнинг диққат-эътиборида турибди.

Мактаб инструкторлари иш тажрибасини йўлга қўйиш илк бор Сирғали туманида амалга оширилмоқда. Ҳозирча бу вазифага 21 та мактабдан ўқувчилар танлаб олинди. Улар икки гуруҳда ва икки сменада ишлашади. Ўқитувчиларнинг аксарияти бошланғич таълим соҳасида ишлашади.



Маълумки, ҳозирги пайтда дунё миқёсида информацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти чексиз. Масофадан туриб ўқитиш ҳам ана шу технологиялар орқали амалга оширилади. «School Goes Digital» ўқув марказининг тақдимот маросимига йиғилганлар унинг таълим соҳасига кириб келишини астойдил қўллаб-қувватлашди. Жумладан, Сирғали тумани халқ таълими бўлими мудири Р.Содиқов шундай деди:

— Мактабларимиз шу жиҳатдан бойидики, уларнинг аксарияти эндиликда компьютер технологиялари бўйича ўз инструкторларига эга бўлишади. Инс-труктор бутун Сирғали туманидаги мактаблар бўйича ҳамкорлик ўрнатади. У умумий, кичик ва якка гуруҳларда болаларга компьютерда ишлашни ўргатади. Ҳаттоки, унга ногирон болаларни ҳам жалб қилиш назарда тутилган.

Тақдимот маросимига таклиф қилинган пойтахтимиздаги бошқа туманлар халқ таълими бўлими раҳбарлари ҳам ўз мактабларида ана шундай ўқув марказлари бўлишига ҳавас қилдилар. Бунинг эса имкони бор, фақат бунинг учун хоҳиш, интилиш бўлса кифоя.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА

Суратда: тақдимот маросими пайти.

Зафар БАКИЕВ олган сурат

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

ТАШХИС ФОЙДА БЕРАЯПТИМИ?
2-бет

БОЛА НЕГА УРУШАДИ?
ЁХУД БУНГА КАТТАЛАРНИНГ АРАЛАШИШИ ШАРТМИ?
3-бет

МАЪРИФАТНИНГ ҲАҚИҚАТИ ҲАЙРАТДИР
5-бет

УМИДЛАР УШАЛМОҚДА

28 июнь куни пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган академик лицей битирувчиларига диплом топшириш тантаналари бўлиб ўтди



Бундан қарийб беш йил муқаддам иш бошлаган янги турдаги ўрта махсус таълим муассасалари — академик лицейларда таҳсил олиб, айни пайтда олий ўқув юртларида ўқишни давом эттираётган ёшлар билими, салоҳияти хусусида бугун матбуотда кўпгина илиқ фикрлар айтилмоқда. Бунинг сабаби бор, албатта. Қисқа давр мобайнида қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилган замонавий таълим муассасаларида минглаб ўқувчи-ёшларга ўзлари қизиққан ва танлаган йўналишлари бўйича соҳалаштирилган ва табақалаштирилган билим берилмоқда. Ҳозирги кунда республикамизда ана шундай 51 та академик лицей фаолият кўрсатиб, уларда 20 мингга яқин ўқувчи 5 та — аниқ фанлар, табиий, ижтимоий-гуманитар, хорижий филология ҳамда маданият-санъат йўналишлари бўйича билим олмоқдалар. Жорий ўқув йилида республикамиздаги 241 та касб- ҳунар коллежи ҳамда 44 та академик лицейни 28 мингдан ортиқ ўғил-қиз тамомлаб, катта ҳаётга йўлланма олдилар.

Биз Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган академик лицейларда бўлиб, диплом топшириш тантаналаридан репортажлар тайёрладик.

Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти қошидаги академик лицейга 2000 йилда академик лицей мақоми берилган бўлиб, дастлабки йили унга 40 нафар га яқин ўқувчи қабул қилинган эди. Лицейда асосан табиий фанлар, хорижий тиллар ва информатика фани чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилади.

Тиббиёт институтининг муҳташам кошонаси шу куни тантанага ташриф буюрган турли меҳмонлар, институт профессор-ўқитувчилари, лицей қуйи босқич ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари билан шукуҳли ва сертароват бўлди. Тадбирни очар экан, 1-ТошМИ ректори, академик Т. Даминов илк битирувчиларни бугунги тантана билан қизғин қутлади ҳамда уларнинг келгуси ўқишларида омадлар тилади.

— Бугунги хайрлашув онлари қисқа муддатга бўлишини, кўп ўтмай сизлар билан яна олий ўқув даргоҳида учрашишни истайман, — дея самимий тилак билдирди институт раҳбари.

Шу куни лицейда уч йил давомида таҳсил олган 39 нафар ўқувчига диплом топширилди. Қувонарлиси — улар орасида ўқиш муддатини бир йил аввал якунлашга муваффақ бўлган ёшлар ҳам борлиги эди.

— Мен тўққиз йил давомида Нукус шаҳридаги ўрта мактабда таҳсил олиб, тиббиётга, кимё фанига қизиққаним боис ўқишни давом эттириш учун ушбу лицейга келганман, — дейди ана шундай ёшлардан бири Ихлос Полвонов. — Мазкур академик лицейда ўқиш давомида ўқувчилар ўртасида кимё фани бўйича ўтказиладиган олимпиаданинг туман, шаҳар босқичларида биринчиликни қўлга киритиб, республика босқичида фахрли ўринни эгалладим. Айни пайтда олган барча билимларимни катта имтиҳон олдидан бир карра синовдан ўтказиб, 1-ТошМИга ўқишга кирмоқчиман ва келажакда тиббиётнинг травматология соҳаси бўйича малакали мутахассис бўлиш ниятидаман.

(Давоми 2-бетда)

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

OQSAROYDA QABUL

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov Oqsaroyda Fransiya mudofaa vaziri Mishel Allio-Marini qabul qildi. Uchrashuv chog'ida mamlakatlariimiz o'rtasidagi o'zaro munosabatlar, mintaqaviy xavfsizlik, Afg'onistondagi tiklanish ishlari xususida so'z bordi.

(Давоми 2-бетда)

Ma'rifatsiz kishilar

БОҒЧА ФАЛОНЧИЮ ТАЛОНЧИЛАРНИНГ ВАТАНИ ЭМАС

ёхуд болалар насибасига чанг солган мудиранинг қилмишлари хусусида

Сир эмаски, бундан ўн йиллар муқаддам Ўзбекистон ўз мустақиллигини эндигина қўлга киритиб, ўтиш даври бошланганида ҳамма соҳалар сингари мактабгача таълим муассасаларида ҳам ҳар томонлама тақчиллик юзага келди. Методик манбалар, болаларга берилади-ган озиқ-овқат маҳсулотлари, турли таъмирлаш ва бошқа хўжалик ишларини бажариш рисоладагидан ўзгача кўриниш олди. Бундай шароитдан чиқиб кетиш ва боғчаларни яна фаровон, обод масканга айлантириш учун ҳамма бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилди. Иложи борича боғчалар ўз шароитидан келиб чиқиб, сармоядан ташқари маблағ топишга, тадбиркорлик ишларини йўлга қўйишга ва ҳомийларни жалб қилиб, улар кўмагидан унумли фойдаланишга бел боғлади.

Ҳаракатлар самараси ўлароқ, эндиликда МТМларда моддий ва маънавий база имкон қадар тикланди. Шунинг эвазига яна боласиз қолган боғчалар гавжумлашиб, кичкинтойлар билан тўла бошлади. Ҳатто, шундай боғчалар пайдо бўлдики, унга фарзандини жойлаштириш учун ота-оналар йиллаб навбат кутишгача борди. Албатта, бундай юқори кўрсатгичга эришишда боғча жамоасидаги ҳар бир ходимнинг хизмати катта. Айниқса, мудира боғчанинг бири икки бўлишида бош-қош туриб, хизматчилар ўртасидаги аҳиллик, бирдамликни сақлаб туришида гап кўп. Чунки йўқдан йўндириб боғчани бор қилиш ҳам, барбод қилиш ҳам кўп жиҳатдан мудирага боғлиқлиги ҳаётий ҳаракатларда кўзга ташланиб қолди.

Биз газетамиз саҳифаларида имкониятлари етарли, янгиликлари кўп ва илғор иш тажрибаларига бой бўлган МТМларни мунтазам равишда ёритиб борамиз. Бугун эса аксинча бола тақдирига енгил-елпи муносабатда бўладиган мудиралар ҳам орамизда йўқ эмаслигидан сизларни огоҳлантирувчи мақолани суд ҳукмига таянган ҳолда ёзишга киришдик. Чунки, болалар насибасига чанг солиб, уларнинг сиҳат-саломатлиги, дунёқараши, таълим-тарбияси учун зарар келтирадиган қилмишларга йўл қўйиш кечириб бўлмас хатоликдир.

(Давоми 6-бетда)

Raqobat bor joyda esa izlanish, yangilik yaratish bo'ladi. Shuning uchun o'qituvchilarimiz darslarini noan'anaviy tarzda tashkil etishga intilmoqdalar.

O'tgan yilgi qaldirg'och bitiruvchilarimizning 13 nafari ayni paytda Toshkent Xalqaro Vestminster universitetida, 35 nafari Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universitetida tahsil olmoqdalar.



SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

(Davomi. Boshi 1-betda)

TABRIK

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov Davlatga 230 ming tonnadan ziyod sara don yetkazib berib, mamlakatimizda birinchi bo'lib g'alla tayyorlash bo'yicha shartnoma rejasini muvaffaqiyatli bajargan Surxondaryo viloyati g'allarkorlariga tabrik yo'lladi.

FARMON

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining savdo va umumiy ovqatlanish sohasida band bo'lgan yuridik shaxslarni soliqqa tortish tizimini yanada soddalashtirish va tartibga solish, tovar aylanishini rag'batlantirish hamda byudjetga soliqlar tushumi to'liq yig'ilishini ta'minlash maqsadida yetti banddan iborat «Savdo va umumiy ovqatlanish sohasida soliqqa tortish tizimini tartibga solish chora-tadbirlari to'g'risida»gi farmoni e'lon qilindi.

ABDULLA ORIPOV SOKA UNIVERSITETI PROFESSORI

Xalqimizning sevimli shoiri Abdulla Oripov Yaponiyada ijodiy safarida bo'ldi. Shu tashrif munosabati bilan 19-iyun kuni Yaponiyaning Xachiodji shahridagi Soka universitetida katta ijodiy uchrashuv bo'lib o'tdi. Uchrashuv chog'ida Soka universiteti rektori T.Vakaye faylasuf shoirimizga Yapon shoiri Daysaku Ikeda she'rlarini o'zbek tiliga o'girishdagi mehnatlarining mukofoti sifatida «Universitet professori» unvonini taqdim etdi.

DIQQAT, TANLOV

O'zbekiston Badiiy akademiyasi yana bir xayrli ishga qo'l urdi. Respublika arxitektorlari bilan birgalikda eng yaxshi mo'jaz haykaltaroshlik yodgorliklari uchun tanlov e'lon qildi. Bu sa'y-harakat Toshkent shahri hokimligi tomonidan qo'llab-quvvatlandi.

O'ZBEK KULOLLARI GOLLANDIYADA

Gollandiyaning Gauda shahrida XXVII xalqaro kulolchilik mahsulotlari ko'rgazmasi bo'lib o'tdi. Unda dunyoning 30 mamlakatidan 140 ga yaqin vakillar qatnashdi. Yurtimizning mohir kulollaridan toshkentlik Nazira Qo'ziyeva va samarqandlik Xudoyberdi Haqberdiyevlar o'zlarining betakror san'at namunalari bilan ushbu ko'rgazmada ishtirok etishdi.

Hay'at majlisida

ТАШХИС ФОЙДА БЕРАЯПТИМИ?

Халқ таълими вазирлигида навбатдаги ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Уни ҳайъат мажлиси раиси, Халқ таълими вазири Р.Жўраев бошқариб борди. Йиғилишда бир неча масалалар кўриб чиқилди. Кун тартибидаги биринчи масала Сурхондарё вилоятидаги ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис марказларининг фаолиятлари нечоғлик самарали кечаётганлигига бағишланди. Мазкур масала юзасидан маъруза қилган Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис Маркази директори Х.Рашидов умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг касбий лаёқат, қизиқиш ва қобилиятларини узлуксиз ўрганиб бориш, касб-ҳунар таълими муассасаларига йўналтириш борасида Сурхондарё вилоятида маълум ишлар амалга оширилганлигини айтиб ўтди. Жумладан, олти ёшли болаларни тиббий, психологик-педагогик кўрикдан ўтказиб, мактабга жалб этиш, мактабга қабул қилинган олти ёшли болаларни ўқув фаолиятига мослаштириш, уларнинг ривожланиш динамикасини узлуксиз ўрганиб бориш, таълим муассасаларида психологик хизматни йўлга қўйиш, иқтидорли болаларни танлаш ва уларнинг таълим-тарбияси бўйича тавсиялар бериш борасидаги ишларни алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда вилоятдаги 15 та туман, шаҳар халқ таълими бўлимларида ташхис марказлари ташкил этилган бўлиб, уларга жами 58 та штат бирлиги ажратилган. Ҳозирда 56 нафар ходим фаолият кўрсатмоқда. Бу кўрсаткичлар вилоятда мазкур йўналишда маълум ишларни амалга ошириш имконини беради. Бироқ ишлаётган 15 нафар психологнинг 12 нафари, 11 нафар дефектологнинг 10 нафари мутахассис эмас. Шунингдек, 15 нафар тиббий ходимнинг 2 нафари ўрта махсус маълумотли ҳамширалардир. Малакали кадрлар тақчиллиги қайсидир маънода ишларни мураккаблаштирмоқда.

Шундай бўлса-да, вилоят ташхис Маркази ҳузурида ташкил этилган ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ишларини мувофиқлаштириш ҳамда таълим тизимида психологик хизматни мувофиқлаштириш кенгашлари ўз йиғилишларини мунтазам ўтказиб, юқоридагидек муаммоларни ҳал этиш устида иш олиб бормоқдалар. Бунинг натижаси ўлароқ, вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида хокимликларнинг ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ишларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлари ишлаб чиқилган. Туман, шаҳар ташхис Марказлари мутахассислари учун ўқув-семинарлари ўтказилиб келинмоқда. Вилоят бўйича 9-синф битирувчиларининг умумий ўрта таълимдан кейинги ўқишни давом эттиришлари бўйича таҳлиллар қилишга эришилган. Вилоят ЎМКҲТБ билан ҳамкорлик шартномалари тузилган.

Бироқ вилоят ташхис Марказининг услубий фаолияти мутахассислар томонидан таҳлил қилинганида, унда қатор камчиликлар ҳам мавжудлиги аниқланди. Охирги 3 йил давомида мутахассислар томонидан касб-ҳунарга йўналтириш бўйича услубий тавсиялар, олти ёшли болаларни тиббий, психологик-педагогик кўрикдан ўтказиш, уларни мактабга мослаштириш бўйича методикалар, коррекцион дастурлар ишлаб чиқилмаган, илғор педагогик тажрибалар ўрганилиб, оммалаштирилмаган. Шунингдек, мактабга қабул қилинган олти ёшли болаларнинг қайта ташхис натижалари умумлаштирилмаган, таҳлиллар мавжуд эмас.

Вилоят бўйича ташхис тизими ходимлари асосан А.Авлоний номидаги ХТХМОҚТМИда малакаларини оширмоқдалар. Вилоят ПҚТМОИда мактаб психологлари, касб-ҳунарга йўналтирувчи мутахассислар, ташхис Марказлари мутахассисларининг малакасини ошириш курслари ташкил этилмаган.

Касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис хизматининг самарадорлиги шу ишни бошқарувчи ва бевосита амалга оширувчи кадрлар салоҳияти билан боғлиқ. Шу маънода вилоят умумий ўрта таълим мактаблари директорлари билан тезкор-сўровнома ўтказилганда, раҳбарларнинг ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис ишларидан хабардорлик даражаси етарли эмаслиги маълум бўлди. Сўровда иштирок этган мактаб директорларининг аксарияти ўқувчи-ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш тизимини ривожлантириш Концепциясининг мазмунини, «Халқ таълими тизимида психологик хизмат тўғрисида»ги муваққат Низомни билмайди.

Бу ҳолат халқ таълими бўлимларининг, улар қошидаги ташхис Марказларининг мактаб раҳбарлари фаолиятини назорат қилмасликлари оқибати, методик хизмат тизимининг улар билан олиб бораётган ташкилий-услубий ишлари самарадорлигининг талаб даражасида эмаслигини кўрсатади.

Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришнинг мазмунига оид тезкор-сўровнома бевосита таълим жараёни билан машғул умумтаълим фанлари ўқитувчилари билан ҳам ўтказилган. Сўровномада иштирок этган 179 нафар ўқитувчининг 111 нафари мактабда касб-ҳунарга йўналтириш хонаси борлиги, унинг иши қандай ташкил этилганлиги, 73 нафари ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ишлари кимга юклатилганлиги, 80 нафари мактабда ўқувчиларни касб-ҳунар таълими муассасаларига йўналтириш комиссияси ишлаши, 69 нафари «Мактаб ва ҳаёт» журналидан хабарсиз эканликлари маълум бўлди.

Мажлисда юқоридагилар билан бир қаторда яна аксарият туманларда 9-синф ўқувчилари билан психологик-педагогик ташхис методикалари тўлиқ ўтказилмаганлиги, уларни ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига йўналтириш комиссиялари фаолияти қониқарсизлиги, «Касбий маслаҳат ва психологик-педагогик ташхис хариталари», психологик-педагогик ташхис дафтарларининг юритилиши нотўғрилиги, олти ёшли болалар билан ўтказилган психологик-педагогик ташхис натижалари хулосаланмаганлиги, айрим ҳолларда олти ёшли болалар ташхисдан ўтказилмасдан мактабга қабул қилинганлиги каби қатор камчиликлари айтиб ўтилди.

Маърузачиларнинг чиқиши ҳамда йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида ҳайъат мажлиси Сурхондарё вилояти ташхис Марказлари ва таълим муассасаларида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис ишларининг самарадорлигини етарли эмас, деб топди. Жойлардаги ташхис Марказлари ишларини янада жонлантириш мақсадида вазирликнинг тегишли бошқармалари ҳамда ҳудудий бошқармаларга кўрсатмалар берилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Кун тартибидаги иккинчи масала умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари — 2003» спорт мусобақаларининг Республика якуний босқичи натижалари ва 2006 йилда Қашқадарё вилоятида ўтказиладиган навбатдаги Республика якуний босқич мусобақаларига тайёргарлик кўришга бағишланди. Мазкур масала бўйича вазирликнинг ҳарбий ватанпарварлик, жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиғи Т.Муҳиддинов ахборот берди. У ўз сўзида умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари ўртасида жисмоний тарбия ва спорт ишларининг оммавийлигини ошириш мақсадида мазкур мусобақаларни ўтказиш учун давлат ва нодавлат ташкилотлар тасарруфидаги барча спорт иншоотлари, спорт заллари, футбол майдонлари тўла ўқувчилар ихтиёрига ажратиб берилганини таъкидлади.

Ҳайъат мажлисида, шунингдек, «Умид ниҳоллари — 2003» спорт мусобақаларининг I,II,III босқич беллашувларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида 182 миллион сўмдан ортиқроқ маблағ умумий ўрта таълим мактаблари учун зарур бўлган спорт асбоб-анжомларини сотиб олиш ҳамда 453 та спорт заллари ва 748 та спорт майдонларини қайта таъмирлаш ишларига сарфланганлиги айтиб ўтилди.

Бу йил ўтказилган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида мамлакатнинг барча умумий ўрта таълим мактабларининг 5 миллиондан ортиқ ўқувчилари фаол қатнашдилар. Ушбу спорт мусобақаларининг туман (шаҳар) ва вилоят саралаш босқичлари натижалари бўйича 2114 нафар ғолиб ўқувчилар Республика якуний финал ўйинларига йўлланма олиб, спортнинг 12 тури бўйича ўзаро беллашдилар.

Республика якуний финал мусобақаларининг ҳаққоний ҳамда адолатли ўтиши учун 16 нафар мураббий, 16 нафар ҳакам, мусобақаларни бевосита бошқариш учун эса Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг 40 нафар бош ҳакамлари, 20 нафар футбол бўйича ҳакамлар, 60 нафар расмий масъул ходимлар мусобақаларга бевосита жалб этилди. Оммавий ахборот воситаларининг 100 дан ортиқ ходимлари спорт мусобақаларини кенг ёритиб боришда ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Ушбу мусобақаларда 228 та олтин, 228 та кумуш, 256 та бронза, жами 712 та медал, 228 та I даражали, 228 та II даражали, 256 та III даражали жами 712 та дипломлар ғолиб спортчиларни тақдирлаш учун ўз эгаларига топширилди ҳамда мусобақаларнинг барча иштирокчиларига 2169 та сертификатлар тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги «Ўзбекистон ўқувчи-ёшларини тақдирлаш ва рағбатлантириш тўғрисида»ги 157-сонли қарори асосида «Умид ниҳоллари — 2003» Республика мусобақаларида ғолиб бўлган 39 нафар умумий ўрта таълим мактабларининг битирувчи XI синф ўқувчилари рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий ўқув юртларига қабул Давлат комиссиясига кўриб чиқиш учун юборилди.

Юқорида келтирилган ижобий ишлар билан бир қаторда спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилганлиги кузатилди. Вазирликнинг 2003 йил 25 апрелдаги 3-сонли ишлаб чиқариш йиғилишида мусобақа қатнашчиларининг барча табелларидан нусха, расм, туғилган йиллари ва ўқиётган мактаби кўрсатилган рўйхатни шахсан бошқарма бошлиғининг имзоси ва муҳри билан 5 майгача вазирликка кўрсатилган намунага асосан олиб келишлари лозим эди. Лекин ушбу рўйхатни Қорақалпоғистон Республикаси вазирликка тақдим этмади.

Урганч марказий ўйингоҳида мусобақаларнинг тантанали очилишига тайёргарлик бўлаётган бир пайтда Сурхондарё вилоятидан иштирок этиши лозим бўлган ўқувчиларни таъминлаб бериш масъулияти вилоят «Ёшлик» кўнгилли спорт жамияти раисининг ўринбосари Зафар Каримов зиммасига юклатилган эди, лекин ушбу вазифани бажаришда қўпол хатога йўл қўйганлиги, ўқувчиларнинг керакли қисмининг ўйингоҳга етиб келишини назорат қилмаганлиги учун ўйингоҳдаги мусобақаларнинг тантанали очилишига тайёргарлик кўришда узилиш содир бўлган, бунга айбдор бўлган З.Каримов мусобақалар ўтаётган жойнинг ўзида ўз хизмат вазифасидан озод этилди ва бу ҳолат орадан бир кун ўтгач, Республика Бош штабида барча вилоятлар «Ёшлик» кўнгилли спорт жамияти раислари иштирокидаги йиғилишда муҳокама этилиб, бундай ҳолатнинг бошқа такрорланмаслиги учун зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Спорт мусобақаларида кучли бўлган жамоалар ғолибликни қўлга киритади. Айрим вилоятлар, жумладан, Фарғона вилояти волейболчи ўсмирлар жамоа мураббийси Неъматжон Азизовнинг беллашувлар пайтида ўйин тугамасдан жамоани майдондан эҳтиросларга берилган ҳолда олиб чиқиб кетиши спорт мусобақалари Низомига зид ва ёшларнинг тарбиясига салбий таъсир этувчи ҳолат, дея йиғилишда таъкидланди.

«Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг барча босқич беллашувларини ўтказиш жараёнида амалга оширилган ишлар ҳамда шу билан бир қаторда йўл қўйилган хато ва камчиликлардан тўғри хулоса чиқарган ҳолда келгуси мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриш, мактаб ўқувчиларини жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига узлуксиз жалб қилишни кенг йўлга қўйишни таъминлаш мақсадида ҳайъат мажлиси бир қатор қарорлар қабул қилди.

Йиғилиш сўнгида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб Палатасининг Андижон вилояти халқ таълими тизимида ўтказилган текшириш якунлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб Палатаси томонидан Андижон вилояти халқ таълими бошқармасида 2002-2003 йиллар мобайнида бюджет ижроси, бюджет маблағларининг тўғри тақсимланиши, харажатлар сметалари ва штатлар жадвалининг амалдаги йўриқномаларига мос равишда тузилиши юзасидан текшириш ўтказилган.

Мазкур масала юзасидан ахборот берган вазирликнинг Таълим жараёнини таъминлаш бошқармаси бошлиғи З.Холматов текшириш жараёнида халқ таълими тизимидаги бюджет ташкилотлари ва муассасаларининг аксарият қисмида бюджет интизомига риоя қилмаслик ҳолатлари ва камчиликлари аниқланганини эътироф этди.

Жумладан, Россия Федерациясидан келтирилган дарсликлар Ўзбекистон Республикасининг умумий ўрта таълим Давлат таълим стандартларига мос келмаслиги сабабли фақатгина қўшимча адабиёт сифатида фойдаланиш мумкинлиги ёки таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг 1-синф ўқувчилари учун Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган бир марта фойдаланиладиган ўқув дафтарлари билан тўлиқ таъминланган бўлишига қарамасдан, Россияда ишлаб чиқарилган 1-синфлар учун ўқув дафтарлари ҳам мактабларга берилгани ва уларнинг аксариятидан фойдаланилмаганлиги таъкидланди.

Музокаралардан сўнг юқорида қайд этилган камчиликларга барҳам бериш ҳамда келгусида бундай камчиликларга йўл қўймаслик мақсадида ҳайъат мажлиси тегишли қарорлар қабул қилди.

Жаҳонгир МУСАЕВ,
Халқ таълими вазирлиги Матбуот маркази раҳбари

КИМКИ ЯНГИЧА ИШЛАСА...

уни кўпчилик эътироф этади

Anjuman

Навоий вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамда вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳамкорлигида ўтказилган анжуман ўқув жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этишга бағишланди.

Таълим мазмунига эришишдаги саволларга жавоб бериш, мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш ва ўқитувчиларга методик хизмат кўрсатиш анжуманнинг бош мақсадини белгилади. Якун топаётган 2002-2003 ўқув йили Халқ таълими вазирлиги томонидан "Халқ таълими муассасаларига методик хизмат кўрсатишни такомиллаштириш ўқув йили" дея эълон қилинганлиги билан ҳам алоҳида аҳамият касб этди.

— Янги педагогик технологияни амалда жорий этиш учун аввало унинг назарий асосларини мукаммал ўрганиш, янгиликлардан мунтазам хабардор бўлиш ва амалда қўллай олиш зарур, — деди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Х.Якубаев "Илғор педагогик технологияларни таълим жараёнида кенг қамровли қўллашнинг аҳамияти" мавзусида маъруза қилар экан. — Худди, шу мақсадда вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан "Илғор педагогик технология маркази ҳақида низом" ишлаб чиқилди.

Шу низом асосида вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳузурида "Илғор педагогик технология" вилоят маркази ташкил этилди. Ана шундай марказлар 2003-2004-ўқув йилидан бошлаб барча туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари қошида тажриба-синов майдони сифатида фаолият кўрсата бошлайди.

Анжуманда "Илғор педагогик технология" марказлари йўриқномаси, вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти томонидан ишлаб чиқилган "Илғор педагогик технологияни амалиётга жорий этиш тартиби", 22 та предмет бўйича замонавий усулдаги дарс ишланмалари муҳокама этилиб, фикрлар билдирилди. 5 та йўналиш бўйича ташкил этилган шўъба йиғилишларида ўттизга яқин илғор педагогик технологияни амалиётга жорий этишга оид дарс ишланмалари ўрганилди.

Б.НОРТОЖИЕВ,
Навоий вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти проректори
Ойбуви ОЧИЛОВА,
"Ma'rifat" мухбири

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЎҚИТУВЧИСИ

Tanlov

Самарқанд ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасига қарашли таълим муассасалари ўқитувчилари ўртасида "Йилнинг энг яхши ўқитувчиси" кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида фаолият кўрсатаётган 26 нафар ўқитувчи иштирок этди.

Танлов қатнашчиларининг билим ва салоҳияти икки тур асосида — ёзма иш ва тест синовлари бўйича аниқланди. Тажрибали, билимдон ўқитувчилар фаолияти тўлиқ қамраб олинган ҳолда, уларнинг назарий ва амалий билимлари босқичма-бочқич рейтинг баллари асосида баҳоланди.

Кўрик-танлов натижасига кўра, академик лицейлар йўналиши бўйича Самарқанд давлат университети қошидаги академик лицей математика фани ўқитувчиси Умарқул Носиров ғолибликка эришди. Касб-ҳунар коллежлари йўналиши бўйича эса Самарқанд банк коллежида фаолият кўрсатувчи тарих фани ўқитувчиси Холмурод Содиқов вилоят миқёсида "Йилнинг энг яхши ўқитувчиси" деган номга сазовор бўлди.

Изланувчан, ташаббускор бу икки ўқитувчи айни пайтда танловнинг республика босқичига қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар.

Равшан МАМАДИЕВ

УМИДЛАР УШАЛМОҚДА

28 июнь куни пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган академик лицей битирувчиларига диплом топшириш тантаналари бўлиб ўтди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шаҳноза Ишмуҳаммедова ҳам лицейда икки йил ўқиб, экстернат усулида таҳсилни тамомламоқда. У эндиликда 1-ТошМИда таҳсилни давом эттириб, келажакда стоматолог бўлишни ният қилган.

* * *

Шу куни бир қатор таълим муассасалари қаторида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейида ҳам битирувчиларга диплом топшириш маросими ўтказилиб, ўсмир-ёшлар катта тантананинг шоҳиди бўлдилар. Уч йил илгари замонавий ўқув юртида таҳсилни бошлаган ўғил-қизлар бугун олий ўқув юртларига йўлланма олмоқдалар.

Тантанали маросимда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази мутасаддилари, Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги вакиллари, «Кох ота» маҳалласи оқсоқоллари, шунингдек, ўқувчиларнинг ота-оналари иштирок этдилар.

Диплом топшириш тадбири бошланишидан аввал, ўқув йили давомида ўзининг илғорлиги, фаоллиги билан ўқитувчилар ва ўқувчилар орасида намуна бўла олган «Фанимиз умидлари», «Энг яхши мураббий», «Энг яхши спортчи» танловлари ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди. Сўнгра тантананинг асосий қисми бошланди. Академик лицей директори Матёқуб Бақоев битирувчиларни ушбу тантана билан қутлар экан, уларнинг олдиндаги жиддий имтиҳонларда муваффақият қозонишига тилак билдирди.

Жорий йилда ушбу академик лицейни 80 нафар ўқувчи тамомлаган бўлиб, уларнинг қарийб 10 нафарига намунали хулқи, аъло баҳоларга ўқигани боис имтиёзли диплом топширилди. Улар орасида Алишер Шукуров, Зуҳриддин Қамбаров, Динара Ҳакимова, Дониёр Макдазимов сингари ёшлар ҳам бор.

— Мана бугун қадрдон гўшамиз билан хайрлашаяпмиз. Айни пайтда бизга билдирилган ишонч масъулияти олис орзулар чўққиси сари етаклаши, шубҳасиз. Илм даргоҳига бўлган муҳаббат илм олишдаги иштиёқимизни янада оширишига аминман, — дейди Динара Ҳакимова.

Аълочи ўқувчилардан Зуҳриддин Қамбаров:

—Тўғрисини айтсам, ҳозир жуда ҳаяжондаман. Сабаби, лицейни муваффақиятли якунлаб, унинг имтиёзли дипломига сазовор бўлиш, катта ҳаёт бўсағасида турган биз ёшлар учун улкан бахт.

Насиб қилса, келажакда ўзим хоҳлаган олий ўқув юртига кириб, етук кадр сифатида давлатимиз равнақига, тараққиётига имкон борича ҳисса қўшишга, устозу мураббийларимиз ва ота-оналаримизнинг ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.

— 1999 йилда ўз фаолиятини бошлаган Шайхонтоҳур академик лицейини ўтган йили илк бор 199 нафар ўқувчи битирган эди, — дейди ўқув даргоҳи маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Ғулом Саидов. — Ўтган йилги қалдирғоч битирувчиларимизнинг 13 нафари айни пайтда Тошкент Халқаро Вестминстер университетида, 35 нафари Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида, шунингдек, яна бир қанчаси Ўзбекистон Миллий, Тошкент давлат иқтисодиёт, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетлари, молия ҳамда шарқшунослик институтларида таҳсил олмоқдалар. Бу йилги битирувчиларимиз ҳам устозлари билдираётган ишончни ёруғ юз билан оқлаб, нуфузли олий ўқув юртларининг талабалари бўлишади, дея истак билдириб, уларнинг барчасига «оқ йўл» тилайман. Жорий йилда уларнинг ўрнини яна 200 нафар ўқувчи ҳисобига тўлдириш режалаштирилган.

Тадбирда сўзга чиққан нуроний отахонлар ёшларга келгуси ҳаётида оқ йўл тилаб, дуойи-фотиҳа қилдилар. Бир гуруҳ ота-оналар эса фарзандларининг камоли учун ҳормай-толмай меҳнат қилган ўқитувчи-мураббийларга миннатдорчилик билдирдилар. Айни шу устозларининг меҳри ва заҳмати эвазига навниҳол ўсмирлар уч йил давомида нафақат замон талаблари даражасида мукаммал билим эгалладилар, қолаверса, одоб-ахлоқ борасида ҳам бой маънавий қалб эгалари бўлиб камол топдилар.

Республикамизнинг барча минтақаларида таҳсилни тамомлаётган битирувчи умидли ёшларга келгусидаги ишларида омад ва зафарлар ёр бўлишини тилаймиз!

Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Ma'rifat МАСЛАҲАТХОНАСИ

Поп тумани Санг қишлоғи Б.Сиддиқов номидаги 10-гимназия мактаби илмий бўлим мудираси Хурсаной ПАРПИЕВАдан

САВОЛ: — Мен 2001 йилда "Меҳнат шуҳрати" ордени билан мукофотланганман. Мазкур орден гувоҳномаси низомининг 5-бандида "Меҳнат шуҳрати" ордени билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг қирқ баробари миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар ва қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган имтиёзлардан фойдаланадилар", дея ёзилган. Шунга кўра, мен айнан қайси қонунга мувофиқ қандай имтиёзлардан фойдаланишим мумкин?

ЖАВОБ: — "Меҳнат шуҳрат" ордени билан мукофотланган шахсларга энг кам иш ҳақининг қирқ баробари миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофотидан ташқари бошқа имтиёзлар назарда тутилмаган.

Хоразм вилояти, Хонқа шаҳарчаси, Замахшарий кўчаси 8-уйда яшовчи К.АМИНОВдан

САВОЛ: — Мен 1975 йилдан 1977 йилгача ўрта мактабда автоделo бўйича автомобилни бошқаришни ўргатувчи инструктор, 1977 йилдан 1996 йилгача мактаблараро ўқув ишлаб чиқариш комбинатида автодело бўйича ўқитувчи-инструктор бўлиб, 1996 йилдан ҳозиргача таянч ҳунар-мактабида меҳнат таълими ўқитувчиси бўлиб ишламоқдаман. 2003 йил 17 мартда 55 ёшга тўлдим. Ўқитувчи ва бошқа таълим ходимлари қатори имтиёзли нафақага чиқишим мумкинми? Автодело бўйича инстуктор-ўргатувчи уста педагогик стажга кирадими?

ЖАВОБ: — Автодело бўйича автомобилни бошқаришни ўргатувчи инструктор, ўқитувчи-инструктор каби касбда ишловчилар имтиёзли нафақага чиқиши назарда тутилмаган.

Й.АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси маркази қўмитаси бош мутахассиси

Bolalarning bolalarcha janjali ularning ota-onalari o'rtasiga nizo urug'ini tashlab qo'yishi mumkin.

Lekin ular qayerda bo'lishsa-da, gohida uchrab turadigan bolalarcha tortishuvlar jarayonida ota-onasining "bolam, bir gapdan qol", degan o'gitiga amal qilishsa, aslo yutqazishmaydi.

Sinab ko'ring

МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ДАРСЛАРИГА ТЕХНОЛОГИК ЁНДАШУВ

Истиқлол туфайли юртимиз йигит-қизлари замонавий техника, технология, саноатнинг автоматлаштирилган бошқарув дастгоҳларида машинасозлик, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда муносиб хизмат кўрсатаяптилар.

Ёшларга замонавий техника ва технологиялар асосида билим бериш борасида ижобий ишлар, педагогик изланишлар давом эттирилмоқда. Ҳозирда эришилган ютуқлар, педагогик фаолият давомида юзага келган муаммолар ва уларнинг ечимлари асосида умумтаълим фанлари бўйича давлат таълим стандартлари қайта кўриб чиқилмоқда. Улар ичида ўзига хос, умуман янгича шакл ва мазмундаги технологик меҳнат таълими фани мазмунини ислоҳ қилиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди.

Меҳнат таълимининг давлат таълим стандартлари ва янги ўқув дастурлари 1999-2000 ўқув йилидан эътиборан босқичма-босқич ўқув-тарбия жараёнига жорий этилмоқда. Шу мақсадда, 1999-2000 ва 2000-2001 ўқув йилларида, ДТС жорий этилган синфлар учун методик тавсиялар ва дарсларни режалаштириш тайёрланиб, таълим муассасаларига етказилди.

Меҳнат таълими фани миллий дастурда белгиланган вазифаларга кўра, мутлақо янгича шакл ва мазмунга эга бўлди. Мазкур фан технологик фанлар таркибига киритилиб, у энди меҳнат таълимининг янги стандарти, дастури, пировард натижада технология фанлари олдига қўйган вазифани барча умумтаълим фанларининг амалий қўлланилишини тушунтирадиган, ўқувчининг ёш хусусиятига кўра амалда қўллай оладиган билимларни бериш ҳамда олган билимлари орқали касб-ҳунар таълими шаклини онгли равишда танлашга кўмак беради.

Меҳнат таълимининг илмий-назарий ва амалий, моддий-техник ижтимоий педагогик муаммоларини ҳал этиш, унинг анъанавий мазмунини ислоҳ қилишдаги муҳим муаммо педагогик технологияларни жорий қилиш билан боғлиқ. Бугунги кунга келиб, бу муаммо назарий жиҳатдан етарлича тадқиқ қилинган, бироқ унинг ҳар бир ўқитувчи амалий иш фаолиятига, ҳар бир дарсга кириб бориш жараёни жуда секин кечмоқда.

Фикримизча, муаммонинг ечими соҳа олимларининг амалиётчи ўқитувчилар билан алоқаларини мустаҳкамлаш, илғор ўқитувчилар тажрибасини оммалаштириш, улар аниқ тавсиялар, ўз ифодасини топган қўлланмаларнинг ҳар бир фан ўқитувчисига етиб боришига эришиш билан ҳал этилиши мумкин.

Бу масалаларнинг ҳал этилганлик даражасини аниқлаш мақсадида РТМ ҳамда ТШХТББ ҳамкорлигида Тошкент шаҳар меҳнат таълими ўқитувчиларининг педагогик технологияларни жорий қилиш тажрибаси ўрганилиб, бу борада муайян ишлар амалга оширилганлиги аниқланди.

Чунончи, пойтахтнинг Юнусобод ва С.Раҳимов туманларида "Меҳнат таълими самарадорлигини оширишда педагогик технологияларни қўллаш" мавзусида илмий-методик семинарлар ўтказилиб, уларда Тошкент шаҳар меҳнат таълими ўқитувчилари илғор педагогик технологиялар борасида фикр алмашдилар.

Меҳнат таълимида амалга оширилиши мумкин бўлган педагогик технологиялар таҳлил қилиниши натижасида предметни ўқитишда муаммоли ўқитиш, мужассамлаштирилган, модулли, ривожлантирувчи, табақалаштирилган, фаол, ўйинли ўқитиш каби педагогик технологиялардан фойдаланиш мумкинлиги аниқланди.

Санаб ўтилган педагогик технологиялардан фойдаланиш даражасини Ф.Ҳамдамова педагогик фаолиятига нисбатан ўрганилганда қуйидагилар аниқланди.

Ф.Ҳамдамова қўллаган қуйидаги технологиялар, асосан ўқувчиларнинг касбга йўналтириш машғулотларига оид бўлиб, булар қаторида муаммоли ўқитиш, мужассамлаштирилган, ривожлантирувчи, фаол ва ўйинли ўқитиш технологияларини қўллаш билан белгиланади.

Ушбу ўқитувчи томонидан амалга оширилган муаммоли ўқитиш технологиясининг моҳияти ўқувчиларнинг ўз имкониятларини ва танламоқчи бўлган касблари ўртасидаги тафовутларни аниқлаш, уларни йўқотиш йўлларини топишга оид масалаларни ечишга қаратилган машғулотларнинг ташкиллаштирилиши билан белгиланади.

Фаол ва ўйинли ўқитиш технологияларини Ф.Ҳамдамова тренинг дарслари шаклида амалга оширади. Яъни дарс мавзусига оид турли дидактик материаллар асосида ўқувчилар кичик (3-6 нафар ўқувчидан иборат) гуруҳларга ажратилади. Сўнгра ҳар бир гуруҳ қўйилган муаммо ечимига ўз муносабатини таклиф қилади. Бунда ҳар бир ўқувчининг максимал даражадаги фаоллиги таъминланади.

ОЧИҚ ДАРС

(5-синф халқ ҳунармандчилиги технологияси каштачилик йўналиши)

Мавзу: Ўзбек миллий ҳунармандчилиги тарихи. Миллий кийимлардан қийиқча бичиш ва тикиш.

Таълимий мақсад: Ўқувчиларга миллий уй жиҳозларимиз ҳақида тушунча бериш; чойшаб, дорпеч, кирпеч, палак, сўзана, гулкўрпа, қийиқча, жойнамоз.

Ишлатиладиган газламалар, материаллар ҳақида тушунча.

Ўқувчиларга миллий ҳунармандчилик асосларини тушунтириб бериш. Уларни амалда қўллаш, кўникма ва малакаларни шакллантириш.

Тарбиявий мақсад: Ўқувчиларда ўзаро ёрдам ва хушмуомалаликни тарбиялаш. Иқтисодий тарбия бериш, тежамкорликка ўргатиш. Чойшаб, палак, қийиқча, жойнамоз, турли рамзлардан фойдаланилди, қайчи, андаза ва нусха, игна, ип, ангишвона, бўз, қалам, ҳар хил нақш элементларидан фойдаланиб, фанлараро боғлаб ўтди. Масалан: тасвирий санъат, чизмачилик, биология, кимё, математика, тарих, мусиқа, она тили ва адабиёт фанларининг ўзаро боғлиқлиги.

Касбга йўналтириш: Каштачилик ва тикувчилик, рассомлик.

Техника хавфсизлиги қоидалари: қирқувчи ва санчилувчи асбоблардан эҳтиёткорлик билан фойдаланиб, ТХҚларга риоя қилиш.

Дарснинг усуллари: ақлий ҳужум, амалий иш, "60-ю 80", "мен танлаган шакл" методлари, муаммоли ўқитиш технологияси.

Дарснинг босқичлари:

1. Ташкилий қисм — 2 дақиқа
2. Ақлий ҳужум — 5 дақиқа
3. Ўтилган мавзуларни такрорлаш — 10 дақиқа
4. Янги мавзу — 20 дақиқа
5. Амалий иш — 40 дақиқа
6. Янги мавзуни мустаҳкамлаш — 5 дақиқа
7. Дарснинг якуни ва уйга топшириқ — 5 дақиқа
8. Иш ўрнини йиғиштириш — 3 дақиқа

Дарснинг бориши:

I. Ташкилий қисм:

Ўқитувчилар билан саломлашиш, давоматни аниқлаш, ўқувчилар диққатини жалб қилиш.

II. Ақлий ҳужум:

1. Нима учун махсус кийим кийилади?
2. Махсус кийимнинг қандай турларини биласиз?
3. Рўмол андазаси учун нечта ўлчов керак?
4. Миллий кашталаримиздан қайсиларини биласиз?
5. Қўл ишларини бажаришда ТХҚлари.

III. Ўтилган мавзуни такрорлаш.

IV. Янги мавзу.

Ўзбек халқининг кўп асрлик тарихида миллий ҳунармандчилик турлари бой ва рангбаранг маданий меросимизнинг энг ажойиб ва оммавий қисмини ташкил этади. Ўзбек диёрида вужудга келиб, гуллаб-яшнаган санъат турлари бемисл ва бетакрорлиги билан дунёвий жамиятга бориб тақалади. Ўзбекистон ва умуман Ўрта Осиё халқларининг бизгача етиб келган нақшлар асосида яратилган қадимий санъат асарлари алоҳида ўрин тутади.

Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз, Тошкент, Қўқон ва бошқа шаҳарлардаги меъморчилик ва халқ амалий безак санъати ёдгорликлари ўтмиш аводларимиз яратган такрорланмас ва тарихан бебаҳо санъат асарларининг намуналари бўлиб, халқимиз ва шу билан бирга жаҳон маданиятининг дурдоналаридан бўлган бадиий ва маданий меросини ташкил этади.

Ўзбек миллий ҳунармандчилиги — ганчкорлик, наққошлик, ёғоч, тош ва суяк ўймакорлиги, кандакорлик, пичоқчилик, заргарлик, каштачилик, зардўзлик, гиламчилик, саватчилик.

Миллий каштачилигимиз намуналари: кирпеч, сўзана, зардевор, гулкўрпа, чойшаб палак, жайнамоз, бужўма, такяпўш, дўппи кабилар ўз аксини топган.

Ўзбек каштачилиги иқлим, табиий шароит, муҳит билан боғлиқ ҳолда барча касбҳунарлар билан биргаликда ривож топган.

Испан элчиси Руи Гонсалез де Клавихо Амир Темур саройида ўзбек миллий кашта безакларини кўрганини кундалигига ёзиб қолдирган. 1497 йили Камолиддин Беҳзод "Зафарнома"га ишлаган "Темур тахтда" миниатюрасида чодирга ишлаган каштани ҳам акс эттирган.

Ўқитувчи:

— Бугун биз миллий уй жиҳозларидан, кийимидан бўлган қийиқча бичамиз ва тикамиз.

Қийиқча бизнинг тарихимизга сочиқ, дастрўмол сифатида кириб келган. Иқлим иссиқ бўлганлиги учун терлаган пайтда артиниш учун сочиқ, овқатланганда дастурхон, белга боғланадиган белбоғ, бозорда харид қилганда сумка вазифасини бажарган. Қийиқчани аёллар чиройли қилиб тикишга, четларига гуллар солиб, шеърлар, байтлар, исмлар ёзиб тикишган. Қийиқча ўзи квадрат, яъни тўрт томони бир-бирига тенг газламадан тикилади. Бичиб олинган қийиқчага гул (нусха) шаблон ёрдамида туширилади, кейин ҳар хил рангли ипларда чиройли безак ва мунчоқлар тикиб чиқилади.

Қийиқча учун ипак ип, атлас, шойи газламалар танланади. Кашта тикиш учун "Мулина", "Ирис", "Ромашка" иплар танланади. Аввал газлама 60х60 см (70х70, 80..80) қирқиб олинади. Четлари кўклаб чиқилади, кейин нусха кўчириладиган қоғоздан фойдаланиб, нақш элементлари тушириб олинади. Сўнгра биз тиккан кашта намуналаридан фойдаланиб, ёрма чок, илма чок, сув чок, босма чок, занжир чок, илмоқ чоклар танлаб, тикишингиз мумкин.

Амалий иш ("60ю-80" методи):

1. Газламалар текислаб дазмолланади.
2. Газламадан квадрат (80х80) кесиб олинади.
3. Қийиқча нусха (гул) туширилади.
4. Қийиқча четлари кўклаб чиқилади.
5. Қийиқча даражасида ТХҚларга риоя қилинади.
6. Ангишвона ишлатилади.

V. Янги мавзуни мустаҳкамлаш:

7. Ҳунармандчилик қачон келиб чиққан?
8. Қандай миллий ҳунармандчилигимиз турларини биласиз?
9. Қандай миллий каштамизни биласиз?
10. Қийиқча қандай газламалардан тикилади?
11. Қийиқча тикишда қандай иплар ишлатилади?
12. Қийиқча қандай бичилади?
13. Қийиқчага қандай нусха туширилади?

VI. Дарснинг якуни ва уйга топшириқ.

Ўқувчилар баҳоланади. Уйга вазифа: қийиқча четларини тикиб, дазмоллаш.

VIII. Иш ўрнини йиғиштириш.

Мақсад — фарзандларимизга давр талаблари даражасида таълим-тарбия беришни изчил йўлга қўйишдир. Бунинг учун барча имконият бор. "Излаган имконият топади", деб бекор айтилмаган. Имконни эса инсон ўз ақл-заковати ва меҳнати билан яратади.

Д.ТОЛИПОВА,
РТМ Ижтимоий гуманитар йўналишлар бўйича инновацион методик бўлими услубчиси

"ИҚТИСОДИЁТ КОЛЛЕЖИДАН ГАПИРАМИЗ..."

Олтинкўл иқтисодиёт коллежида радиостудия бор.

— Радиотармоқ орқали берилаётган хабарлар, миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимиз хусусидаги эшиттиришлар, айниқса, буюк кишиларнинг ҳаёти, ижоди ҳақидаги қизиқарли мавзулар олаётган билимларимизни мустаҳкамламоқда, — дейди коллеж ўқувчиси Хуршида Маҳмудова.

—Матнларни Саломатхон Тоштемирова билан ёқимли овозда ўқишга ҳаракат қилаяпмиз, — дея суҳбатни давом эттиради бошловчи Дилноза Раҳимова. — Бу нутқимизнинг ўсишига, тасаввуримизнинг бойишига ёрдам бермоқда.

Муҳандис-педагог Абдуҳалил Назиров ҳам мавзуга қўшилди:

—Ҳар бир ўқув хонасида радиотармоқнинг шаҳобчаси мавжуд. Душанба куни дарслар бошланишидан аввал, шанба машғулотларидан сўнг давлатимиз мадҳияси янграйди. Ўқувчилар "Маънавият ва маърифат" дарсларида, шунингдек, ўқитувчиларнинг таклифларига асосан ўқув фанларига оид эшиттиришлар тинглашади ва телевизор орқали телеканаллардан берилаётган таълим-тарбияга оид кўрсатувларни томоша қиладилар.

Радиостудия фаолияти коллеж ўқувчиларининг машғулотларни ўзлаштиришларида, ўз ижодларини бошқалар билан ўртоқлашишларида самарали таъсир кўрсатмоқда. Ижодкор ўқувчи-ёшлар келгусида радиотеатр ташкил қилишни ҳам режалаштирмоқдалар.

Ma'naviyat saboqlari

ТАЛАБАГА ҲУҚУҚИЙ КЎМАК

Taqdimot

Андижонда юридик клиника жамоат бирлашмаси фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу нодавлат ташкилотининг саъй-ҳаракати билан Фарғона водийсидаги олий ўқув юртларида шартнома асосида ўқиётган талабалар ҳуқуқини ҳимоялаш халқаро маркази лойиҳасининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Лойиҳанинг мақсади шартнома тизимини ривожлантириш йўли билан тўлов-контракт асосида таҳсил олувчи водий олий ўқув юртлари талабаларининг ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳамда консультатив ёрдам кўрсатишдан иборат.

Лойиҳа Андижондаги юридик клиника, Қирғизистоннинг "Голден Геад" ёшлар жамоат бирлашмалари, Андижон ва Ўш давлат университетлари ҳамкорлигида вужудга келди. У шартномавий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш, тадқиқотларга таяниб, хизмат сифатини таҳлил қилиш ва қайта ишлаш, шартнома асосида таҳсил олувчи талабаларнинг ҳуқуқлари бузилиши олдини олиш каби вазифаларни ўз олдига қўйган.

Андижон давлат университетида ўтказилган тақдимот маросимида вилоятдаги таълим муассасаларининг маркетинг ишлари бўйича проректорлари, ҳуқуқшунослари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

О.СИДДИҚОВ,
ўз мухбиримиз

ИНГЛИЗЛАР ҲАМ ТАН БЕРИШДИ

Биз таърифламоқчи бўлган ўқитувчи Фарғона вилояти Бувайда туманидаги 19-мактаб муаллими, тиниб-тинчимас, ижодкор, олий тоифали, ўқитувчи "Шуҳрат" медали соҳибаси Раҳимахон Қўрғоновадир.

Раҳимахон 27 йилдирки, ўқувчиларга биология фани сирларини ўргатиб, пухта билим бериб келаётир. Ўқитувчининг муваффақияти замирида ҳар бир дарснинг ўзига хос янгилиги, янги педагогик технологияга асосланганлиги ётади. Гап шундаки, муаллима янги педагогик технология асосида ўқувчиларга дарс берар экан, суҳбат, савол-жавоб, семинар, конференция, аукцион, маъруза каби дарс бериш усулларидан кенг фойдаланади. Муҳими, у ҳар бир дарс жараёнида ўқувчиларни кўпроқ мустақил ишлашга ва фикрлаш қобилиятини оширишга эътибор беради. Масалан, ўқитувчи ўзининг 8-синфда "Одам ва унинг саломатлиги" курсидан, "Қалқонсимон, қалқонсимон без олди ва айрисимон безлар" мавзусидаги дарсини аввалдан бўлинган 5 та гуруҳга қуйидаги саволларни тарқатишдан бошлайди:

1-гуруҳга — Қалқонсимон безни таърифлаш;

2-гуруҳга — Эндемик бўқоқнинг пайдо бўлиши ва у қайси ҳудудларда кўпроқ учрайди?

3-гуруҳга — Тиреотоксикоз қандай касаллик?

4-гуруҳга — Айрисимон без қаерда жойлашган ва унинг функциясини тушунтиринг?

Гуруҳ ўқувчилари дарсликдаги 60, 61-расм ва доскага осиб қўйилган жадваллардан фойдаланиб, саволларга жавоб излайдилар. Ўқитувчи олдинги дарсда ўрганилган "Ташқи, ички ва аралаш секреция безлари" ҳақида ва "Ички секреция безларининг аҳамияти" ҳамда "Гипофиз ва эпифиз безлари" мавзуси юзасидан бир неча саволлар билан ўқувчиларнинг уйга берилган вазифаларини нақадар бажарганликларини аниқлаб олади. Сўнгра ҳар бир гуруҳ ўзларига берилган кичик мавзуларни жадваллар асосида тушунтириб беради. Ўқитувчи барча гуруҳ ўқувчиларининг берган жавобидан қаноат ҳосил қилиб, мавзуга хулоса ясар экан, қалқонсимон безнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ниҳоятда катта эканлиги ва йод моддасининг етишмаслиги натижасида бўқоқ касаллиги илгари кўп учраган бўлса, ҳозирги кунда чоралар кўрилиши ва ҳар куни истеъмол қиладиган тузларимиз йодланганлиги сабабли бу касаллик тобора камайиб бораётганлиги ҳақида тушунча беради.

Ўқитувчи юқоридаги мавзуларни ўрганишда ўқувчиларни мустақил ишлатишга ва уларнинг фаоллигини оширишга катта эътибор беради. Шуниси диққатга сазоворки, синфда биронта ўқувчи ҳам мавзуни ўрганишдан четда қолмайди. Дарс охирида мавзуга оид яна бир неча тест саволлари ўртага ташланиб, жавоблари олинади. Масалан: инсон эндемик бўқоқ касаллигига чалинганда қайси ички секреция безининг ҳажми катталашади?

A) Гипофиз;
B) Эпифиз;
C) Қалқонсимон;
D) Қалқонсимон без олди бези;
E) Буйрак усти.

Ўқитувчи мавзуга оид шеърлар, топишмоқлар, кўп ахборотли тест саволлари, кроссворд ечиш усулларидан ҳам кенг фойдаланади. Бу усул дарс самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Раҳимахон туман биология ўқитувчилари ва мактаб раҳбарларига бир неча йиллардан буён семинар ҳамда очиқ дарслар ташкил этиб келаётир. Масалан, 2001 йилда туман миқёсида ўтказган "Интерфаол усулда дарс ташкил қилиш" борасидаги тажрибаси мутахассислар томонидан илиқ кутиб олинди. Бундан ташқари, муаллима бир қатор мақолалари орқали нафақат ўз мактабидаги, балки туман ва вилоят, қолаверса, республика ўқувчилари билан ҳам ўз тажрибасини ўртоқлашиб боради. "Биология, экология ва миллий қадриятлар", "Биология, экология хоналарини маҳаллий материаллардан фойдаланиб жиҳозлаш ва улардан фойдаланиш услублари" мавзусидаги рисолалари бугунги кунда кўпчилик ўқитувчилар фаолиятида асқотаётганлиги шубҳасиз. Ҳозирда эса унинг "Интерфаол усулда дарс ташкил қилишнинг ўзига хос томонлари" номли услубий қўлланмаси нашр қилишга тайёрланмоқда.

Дарвоқе, ижодкор ўқитувчи 2001 йилда Британия Кенгашининг "Интерфаол усулда ўқитиш услубчиси" сертификатини қўлга киритди. Сўнгра Буюк Британия мамлакатида амалий ўқув сафарида бўлди. 2002 йилда эса Давлат тест маркази эълон қилган "Энг яхши педагогик тестлар" танловида биринчи ўринни эгаллади...

Қисқаси, жонкуяр педагог, меҳрибон устоз, тиришқоқ, жамоатчи Раҳимахон Қўрғонованинг олиб бораётган ишлари ҳар бир ёш мураббий ва ўқувчиларга ибрат бўлса арзийди.

Саидолим ОРИФХЎЖАЕВ,
РТМ табиий билимлар бўлими бош методисти



Халқ амалий санъатининг нодир намуналаридан бири бўлмиш кулолчилик ўзининг гўзаллиги билан не-не инсонларни ўзига ром этмаган.

Ушбу санъат тури кишидан ўта нозиклик ва қалб меҳрини талаб этади.

Фарғона вилояти Риштон туманидаги "Халқ амалий санъати ижодиёти" марказида кулолчилик касбининг нозик сирларини ўрганаётган Акбаржон ва Адҳамжон Турсуналиевлар ушбу соҳа бўйича бир қанча кўрик-танловларда иштирок этиб ғолиб бўлдилар.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

БОЛА НЕГА УРУШАДИ?

ёхуд бунга катталарнинг аралашиши шартми?

Халқимиз топиб айтган: "Нима эксанг, шуни ўрасан". Бу ибора оддий сўзлашувда оила тарбияси билан ҳам боғлаб айтилади. Айниқса, тарбияси оғирроқ оила фарзанди бироз ножўя ҳаракат қилиб қўйса, унинг ота-онасига айтиладиган гап бу. Қуйида келтириладиган воқеаларни ўқиган киши балки ножўя ҳаракат қилган фарзандлар ота-оналарига баён этилган ибораларни қўлламас. Муҳими ҳам бу эмасдир балки. Лекин ҳар ҳолда, ҳар бир она қизини турмушга бераётганда унга келажакда ёш болалар (қўни-қўшнининг боласими, қариндошими) ўртасида бўлиб турадиган болаларча жанжалларга унчалик-да эътибор бермасликни тайинлайди. Чунки болаларнинг болаларча жанжали уларнинг ота-оналари ўртасига низо уруғини ташлаб қўйиши мумкин.

Муддаога кўчадиган бўлсак, жорий йилнинг 7 апрель куни пойтахтнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 248-мактабнинг 6-"Б" синф ўқувчилари Феруза Муталова ҳамда Гулноза Холиқовалар меҳнат дарси давом этаётган бир паллада ўзаро келишмовчилик натижасида жанжаллашиб қолишади. Бир-бирининг юзига жанг солишга улгуришган синфдошларни синфхонадагилар ажратишгач, барибир аламидан чиқолмаган Г.Холиқова "онам ҳаммадан зўр" деган болаларча тушунча билан онасини етаклаб келиб, биргаликда Ф.Муталованинг таъзирини бериш мақсадида уйига йўл олади. Она — она-да! Қизининг уйга, бунинг устига дарслари тугамаган маҳалда бир аҳволда келганини кўрган Г.Йўлдошева ҳам ҳақиқатни билиш учун мактабга йўл олади. Аммо қизини бир аҳволда кўрган маҳалдаги важоҳати мактабга келар чоғида эртанинг мулоҳазаси туфайли сўнди. У мактабга етиб келгач, Феруза Муталовага қизининг йиртилган устки кийимини тикиб беришини талаб қилиб, оғзаки равишда дакки беради. Чунки у ҳам қизи каби ҳолда эди. Хуллас, синфдош қизларнинг бир-бири билан тортишиб кетишиб, жанжаллашишлари оқибатида Ф.Муталова Г.Холиқовадан қисқа муддатга соғлиғининг бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати олиб, шифохонада даволаниб чиқади. Аммо жавобгар Г.Холиқова ижтимоий хавфли қилмиш содир этган пайтда жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаганлиги сабабли унга нисбатан Жиноят процессуал кодексининг тегишли модда ва бандларига асосан жиноят иши қўзғатилмади.

Навбатдаги айтмоқчи бўлганимиз воқеада эса яна она ўзаро жанжаллашиб қолган болалар ўртасига тушди. Буни қандай баҳолашни ҳам газетхон зиммасига қолдирамиз. Яъни жорий йилнинг 4 апрель куни Мирзо Улуғбек тумани ИИБга фуқаро Ш.Аминова ўша куни соат тахминан 14:00 ларда 1994 йилда туғилган ўғли Жавлон Аминовга мазкур туманда яшовчи, 1993 йилда туғилган Дониёр Абдураимов томонидан жароҳат етказилгани, натижада ўғли шифохонага бурун синиш ташхиси билан ётқизилгани ҳақида ёзма мурожаат қилади. Д.Абдураимовнинг олган жароҳати оғирлик даражаси эса, унинг шифокор-рентгенолог маслаҳатига келмаганлиги сабабли аниқланмаган.

Шундай қилиб, пойтахтдаги 121-мактабнинг 3-синф ўқувчиси Дониёр Абдураимов ҳам ижтимоий хавфли қилмиш содир этган вақтида жавобгарликка тортиш ёшига етмагани боис унга нисбатан жиноят иши қўзғатилмади.

Баён этилган икки воқеа жавобгарлари ҳам Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ҳокимияти қошидаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси рўйхатига киритилди.

Албатта, айни пайтда барча мактаб ўқувчилари ёзги таътилда. Кимдир уйда, ота-онаси бағрида, айримлари ёзги оромгоҳларда таътилни ўтказишаяпти. Лекин улар қаерда бўлишса-да, гоҳида учраб турадиган болаларча тортишувлар жараёнида ота-онасининг "болам, бир гапдан қол", деган ўгитига амал қилишса, асло ютқазишмайди. Бу иборани фарзандига уқтирмаган ота-оналар эса тарбияталаб фарзанди туфайли расмий тарзда ҳам орага тушишга мажбур бўлаверади.

Бегижон ҚЎҚОНБОЕВ,
Мирзо Улуғбек тумани прокурори

БАКАЛАВРЛАР ҚАСАМЁДИ

Жиззах давлат педагогика институти маданият саройида бакалаврларга диплом топшириш тантанаси бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Есинқулов йиғилишда битирувчи талабаларга дипломларни тантанали равишда топширди. Бўлажак педагогларнинг кўпчилиги имтиёзли дипломга эга бўлишди.

— Шу лаҳзадаги қувонч ва ҳаяжонимиз ўзгача, — дейди институтни имтиёзли диплом билан тугатган ўзбек тили ва адабиёти факультети бакалаври Дилноза Аҳмаджонова. — Эндиликда ёшларни давримизнинг муносиб ўғил-қизлари қилиб тарбиялашга бутун куч ва билимимизни сарф этамиз.

Шу куни бакалавр ёшлар таълим-тарбия бериш орқали жонажон Ватанимизга содиқ фарзандлар бўлиш учун тантанали қасамёд қабул қилдилар.

А.СОДИҚОВ.

ҲУНАРЛИ ЭЛДА АЗИЗ

Чуст туманида вилоят халқ таълими бошқармасининг "Касб-ҳунарга йўналтириш ишларини такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғи асосида ташхис маркази ходимлари иштирокида семинар бўлиб ўтди. Семинарда касб-ҳунарга йўналтириш ишлари ҳозирги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири эканлиги ва бунда ўқувчиларнинг қизиқиши ва қобилиятлари илмий таҳлил қилинган ҳолда йўналтирилиши, ҳар бир мактабда касбий ахборот берувчи замон талаблари даражасида касб-ҳунарга йўналтириш хоналарини ташкил этиш ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилди.

9-синф битирувчилари тумандаги ЎМКХТ муассасаларида "Очиқ эшиклар" кунида қатнашишди. Айни кунда битирувчиларнинг касбий қизиқиш ва мойилликлари "Қизиқишлар анкетаси", "Дифференциал диагностик сўровнома", "Шахс типини аниқлаш", "Психогеометрия", "Коммуникатив ва ташкилотчилик қобилиятларини аниқлаш" каби психодиагностика методикалари билан ташхис қилинмоқда. Шу билан бирга ота-оналар ҳамда ўқувчиларнинг ўзлари билан ҳам суҳбатлар ўтказилди. Шу асосда 9-синф битирувчиларига тавсияномалар берилиб, улар касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга йўналтирилмоқда. Касб танлашнинг ана шундай усулидан ота-оналар, устоз ва ўқувчилар беҳад хурсанд. Чунки бу ёшлар ҳадемай ўз ҳунарлари билан элда азиз бўладилар.

С.ҲАСАНОВА

Bugungi kunda respublikamizda 3 ta nemis tilidagi maxsus maktablar bo‘lib, ularda ta’lim rus tilida olib boriladi. Bu esa ta’lim o‘zbek tilida olib boriladigan maxsus maktablarni ham yuzaga keltirishni taqozo etadi.

Matematika o‘qituvchilariga avgust kengashini ilmiy-amaliy konferensiya, ijodiy laboratoriya, munozara klubi, seminar-amaliyotlar va boshqa usullar tarzida o‘tkazish tavsiya etiladi.

БОШ ПЕДАГОГИК КЕНГАШЛАРИМИЗ ЮКСАК САМАРАДОРЛИК АСОСИДА ЎТСИН

Анъанавий август кенгашлари ишини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича вазирлик тавсиялари

(Давоми. Боши ўтган сонда)

АДАБИЁТ

Барча ўқув фанларида бўлганидек, адабиётдан ҳам 5-9-синфлар ДТС асосида яратилган янгиланган «Адабиёт» фани ўқув дастур ва дарсликлари асосида ўқитилди ҳамда жорий йилга келиб, тўққиз йиллик таълим якунланди. Ўтган давр мобайнида янги дастур ва дарсликлар билан ишлаш ўзининг сезиларли натижасини берди. Таълимга илғор технологиялар кириб келди. Янгиланган дарсликлар асосида «Ўқитувчи китоби», «Адабий сабоқлар» рукнларида методик қўлланмалар, тавсиялар ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди. Таълим муассасаларида методик хизмат кўрсатишни такомиллаштириш бўйича қатор тадбирлар ўтказилди. Илғор тажрибалар ўрганилди ва оммалаштирилди.

Ўтказилган назорат ва таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, кейинги йилларда адабиёт ўқитувчиларининг педагогик маҳорати ва билим даражалари ортган, дарс жараёни такомиллашган, натижада ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакалари ва маънавий дунёси бойиган.

2003-2004 ўқув йилидан X-XI синфларда ўқув фанлари янгиланган махсус дастурлар асосида олиб борилади. Негаки, бу синфларнинг ўқувчилари 9 йил мобайнида янгиланган дастурлар асосида таҳсил олиб келишган. X-XI синфлардаги адабиёт таълими ҳам олдингиларнинг узвий давоми, ҳам ўқувчиларнинг шу фан бўйича тўлақонли ўрта маълумот олишларини таъминлаши керак. Шунинг учун 2003-2004 ўқув йилида X-XI синфлар учун «Адабиёт» фанидан янги дастур ва шу асосда дарсликлар яратилди.

Мазкур дастур, аввало, ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишга йўналтирилди. Иккинчидан, ўқувчиларни бадиий матн таҳлилига тортиб, ёшларда нозик қалб, теран ҳиссиёт, юксак маънавиятни шакллантиришга қаратилди. Учинчидан, уларда адабиётшуносликнинг энг сўнгги ютуқлари ва илмда ҳозирча у қадар кенг ёйилмаган янги қарашлардан фойдаланилди. Тўртинчидан, X-XI синфлар мустақил ҳаёт бошлаш ёки олий таълим олиш арафасидаги босқич эканлиги ҳамда бу босқичда касбга йўналтириш ишларининг қатъий тус олиши ҳисобга олинди. Дастурда ўқувчилар таълим жараёнининг ижрочилари, яъни субъекти эканлиги қайд этилиб, асарларнинг тўлиқ таҳлили фақат ўқувчилар фаол иштирок этган тақдирдагина амалга ошиши мумкинлиги кўзда тутилган. Шунингдек, таълим тизимининг ҳар қандай бўғинида билим ҳам, ўқитувчи ҳам, муассаса ҳам эмас, балки ўқувчи бош қадрият эканлигидан келиб чиқиб иш кўрилди.

Мазкур дастур ва дарсликларда ўрганилиши кўзда тутилган асарлар бадиий қиммати, тарбиявий аҳамияти ҳамда ўқувчиларнинг ёши, руҳий имкониятлари, ақлий ривожланиш даражаларига мослигига кўра танланган. Унда бадиий матн устида ишлаш адабиёт ўқитишдаги энг асосий машғулот эканлигига алоҳида эътибор қаратилган. Таҳлилда ўқувчиларни бир хил фикрлаш ва бир хил хулоса чиқаришга йўналтирувчи усуллардан воз кечилган. Дарсликлар ўқувчини ўқишга, изланишга, ўз камоли учун ўзи меҳнат қилишга ўргатади. Шу боис дастур мақсадлари доимо ўқитувчилар диққат марказида туриши керак.

Ўқитувчилар дастур ва дарслик моҳиятининг ўзига хос хусусиятларини теран англашлари, адабий таълим бўйича кашф этилган янгиликлар, дарс машғулотларни ташкил этиш бўйича илғор технологияларни омилкорлик билан қўллаш маҳоратига эга бўлишлари, ўз назарий-услубий савияларини ошириш устида тинимсиз ишлашлари керак бўлади.

2003-2004 ўқув йилида қуйидаги дастур ва дарсликлар амалиётда фойдаланилади:

— V-IX синф «Адабиёт» (Қ.Йўлдошев ва б. «Таълим тараққиёти», 1999 й. 1-сон) дастури.

— V синф «Адабиёт» дарслиги (У.Норматов ва б.) .

— VI-VIII синф «Адабиёт»(Қ.Йўлдошев ва б.)

— IX синф «Адабиёт» дарслиги (Н.Каримов ва б.)

— X синф «Адабиёт» дастури (Қ.Йўлдошев. Т.,2003) X синф «Адабиёт» (Б.Қосимов ва б. Т., 2003 й) дарслиги.

— XI синф «Ўзбек адабиёти» (У.Норматов ва б) 1993, 1995, 1997, 2001) дастури, дарслиги.

Мазкур ўқув йилида 1999-2003 йилларда чоп этилган 6-синф учун «Ўқитувчи китоби» (Қ.Йўлдошев ва б. Т.,2001), 9-синф учун «Ўқитувчи китоби» (У.Норматов ва б. Т.,2002), 7-синф учун «Адабий сабоқлар» (Қ.Йўлдошев. Т., 2003) методик қўлланмалари, «Адабиёт дарсларида ўқувчиларни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш» (Қ.Йўлдошев. Т.,2002), 5-синфда «Алишер Навоийнинг «Маҳбуб-ул-қулуб» асарини ўрганиш» (РТМ, 2003), 6-синфда «Навоий ижодини ўрганиш» (РТМ, 2001) «Мактабда Ғафур Ғулом ижодини ўрганиш» (Қ.Ҳусанбоева. РТМ, 2003), «Адабиёт дарсларида илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш», (Н.Ғуломова. РТМ, 2003.), «Тил ва адабиёт таълимида иншо» (М.Ёқуббекова, РТМ, 2003), «Миллий истиқлол ғоясини илғор педагогик технологиялар асосида сингдириш» (К.Усмонова, РТМ, 2003), 5,6,7,8,9-синфлар учун адабиётдан тест топшириқлари сингари тавсия ва қўлланмалардан фойдаланиш тавсия этилади.

Август кенгашларининг шўъба йиғилишларида адабиёт таълимининг ўзига хос хусусиятлари, илғор педагогик технологияларни жорий этиш, ўқувчи руҳияти ва шахс сифатидаги камолотига таъсир этиш санъатини эгаллаш бўйича изланишлар, илғор тажрибалар, адабий таълим мақсадларини амалга ошириш йўллари ва шу йўсинда учрайдиган муаммоларнинг муҳокама этилиши, турли фикр-мулоҳазалар ўртага ташланиши, тавсиялар берилиб, келгуси режалар белгиланиши керак. Кенгаш шўъба йиғилишларининг кейинги пайтда таълимга кенг кўламда кириб келаётган илғор усулларда ўтказилиши яхши натижа беради.

Август кенгашлари шўъба йиғилишларида давра суҳбатлари, баҳс-мунозара, муҳокама ҳамда тажриба алмашиш учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

— Адабиётдан янгиланган дарсликлар билан ишлаш натижалари (5-9-синф дарсликлари бўйича тажриба, таҳлил, таклифлар).

— Кадрлар тайёрлаш миллий дастури II босқич вазифаларининг адабий таълимдаги ижроси.

— Адабиёт дарсларида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш.

— Мумтоз адабиёт ва миллий ўзликни англаш.

— Ўқувчини бадиий адабиёт ўқишга қизиқтириш йўллари.

— Адабиёт дарсларида муаммоли таълим туридан фойдаланиш.

— Адабий машғулотларда баҳс-мунозара ташкил қилиш усуллари.

РУССКИЙ ЯЗЫК И ЛИТЕРАТУРА В ШКОЛАХ С РУССКИМ ЯЗЫКОМ ОБУЧЕНИЯ

На традиционных августовских секциях учителей русского языка и литературы следует обсудить вопросы, касающиеся продолжения коренного реформирования народного образования в нашей республике, а также задачи полномасштабной реализации Национальной программы по подготовке кадров.

ГОС ОСО определяет основные направления функционирования общеобразовательной школы с учетом внедрения в учебный процесс новых педагогических технологий, образовательных программ на общедемократических принципах - обращение к личности учащихся, демократизацию учебного процесса.

Учебники, созданные 1998-2003 годы соответствуют ГОС ОСО, всем требованиям, предъявляемым Министерством народного образования ковсем учебникам и пособиям нового поколения. Учебники (1-11 классы) составлены с учетом возрастных и психологических особенностей учащихся, а также включены материалы узбекских писателей, поэтов и художников. В центре внимания – национальная идеология, колорит. Авторы учебников постарались отразить в своих материалах последние достижения независимого Узбекистана за прошедшие годы. Тексты упражнений содержат интересный и познавательный материал для тестирования, что дает возможность учащимся проконтролировать свои знания по предмету «Русский язык и литература».

По новым учебным программам методисты составляют планирование к учебникам, так как не всегда могут учителя воспользоваться созданными программами и ГОС ОСО.

Главное внимание в выступлениях и сообщениях должно быть обращено на новые педтехнологии, проблемно-развивающему обучению. Интерактивная методика приемлема в школах с русским языком обучения. В виде контроля учителя предлагают семинары, конференции на определенную тематику.

Примерная тематика докладов:

1. Результативность апробации учебных пособий к новым учебникам (из опыта работы).

2. Технология воспитывающего и развивающего обучения: теория и практика.

3. Новые педагогические технологии и педагогическое мастерство учителя.

4. Материалы по краеведению на уроках русского языка.

5. Особенности литературного образования на современном этапе (новые подходы к изучению творчества отдельных писателей).

6. Межпредметные связи на уроках русского языка и литературы и идеи национальной независимости.

В процессе работы с новыми учебниками рекомендуется учителям на уроках русского языка и литературы использовать материалы о нашем крае, жизни и деятельности узбекских поэтов, писателей и художников; задания и упражнения творческого и коммуникативного характера; составлять доступные по содержанию грамматические таблицы.

Учебники и учебные пособия по русскому языку и литературе, рекомендуемые на 2003-2004 учебный год:

Букварь 1 класс. М.Х.Тохтаходжаева и другие, «Шарк», 2002.

Дорожку к слову. Слово открывать. Приложение к Букварю. М.Х. Тохтаходжаева и другие, «Шарк», 2002.

Русский язык 1-класс. М.Х.Тохтаходжаева и другие, «Шарк», 2002

Прописи (1,2,3,4) «Шарк»,2002.

Русский язык 2-класс. М.Х.Тохтаходжаева и другие, «Шарк», 2002

Путешествие в мир слов 2-класс. 1,2 ч. Книга для чтения В.М.Кожуховская и другие «Шарк», 2002.

Русский язык 3-класс. М.Х.Тохтаходжаева и другие. «Шарк», 2002

Путешествие в мир слов. 3-класс. 1,2 ч. Книга для чтения В.М.Кожуховская и другие, «Шарк», 2002.

Русский язык 4-класс. Н.М.Вейцман и другие, «Шарк», 2002.

Путешествие в мир слов. 4-класс. 1,2 ч. Книга для чтения В.М.Кожуховская и другие, «Узбекистан», 2002.

Русский язык 5-класс. В.И.Зеленина и другие, «Шарк», 2002.

Литература 5-класс. Стыркас И.Н. и другие, «Узбекистан», 2002.

Русский язык 6-класс. С.И.Зинин и другие. «Узбекистан», 2002.

Литература 6-класс. Стыркас И.Н. и другие, «Узбекистан», 2002.

Русский язык 7-класс. С.И.Зинин и другие, «Узбекистан», 2002.

Литература 7-класс. В.И.Андриянова и другие. «Узбекистан», 2002

Русский язык 8-класс. Т.Т.Келыдиев, «Узбекистан», 2002.

Литература 8-класс. И.П.Варфоломеев и другие, «Узбекистан», 2002.

Русский язык 9-класс. В.И.Зеленина и другие, «Узбекистан», 2002.

Литература 9-класс. Г.Гарипова и другие, «Узбекистан», 2002.

Русский язык 10-11-классы. Кельдиев Т.Т. и другие, «Узбекистан», 2002.

Литература 10-11-классы. Т.Ф.Курдюмова, Ю.И.Лыссова, Москва, 1998.

Русский язык. 5-класс. Методическое руководство. В.И.Зеленина и др., 2002.

Литература 5-класс. Методическое руководство Стыркас И.Н. и другие, 2002.

РУССКИЙ ЯЗЫК В ШКОЛАХ С УЗБЕКСКИМ ЯЗЫКОМ ОБУЧЕНИЯ

Основной задачей народного образования является воспитание всесторонне развитого молодого поколения, вооруженного глубокими знаниями языка, истории своего народа и современной техники. За прошедший период достигнуто немало успехов в изучении русского языка.

В школах с узбекским языком обучения были переизданы учебники и методические пособия для 2-11 классов. В этом году учебник 10-класса переиздан с дополнениями. Значительная часть (в основном – словарь) учебника переведена на латинскую графику. Учебники по русскому языку соответствует ГОС ОСО и учебной программе, созданы по принципу «от простого к сложному». Задачей каждого урока должно быть формирование умений и навыков самостоятельной работы над текстом, осознанный подход к изучению каждого учебного материала. На Августовских совещаниях необходимо обсудить вопросы новой педтехнологии, о проблемах русского языка и о путях их устранения, конкретно сказать о положительных и отрицательных оценках учебников.

Учебники, созданные в 1998-2003 годы соответствуют ГОС ОСО, всем требованиям, предъявляемым Министерством народного образования ко всем учебникам и учебно-методическим пособиям нового поколения. Учебники (2-11-классы) составлены с учетом возрастных и психологических особенностей учащихся, а также включены материалы узбекских писателей, поэтов и художников. В центре внимания национальная идеология, колорит. Авторы учебников постарались отразить в своих материалах последние достижения независимого Узбекистана за прошедшие годы. Тексты упражнений содержат интересный и познавательный материал для тестирования, что дает возможность учащимся проконтролировать свои знания по предмету «Русский язык ».

Проведение уроков русского языка в 10-11-классах – повторение и углубление материала, изученного в средней школе, подготовка к выпускным и вступительным экзаменам.

По новым учебным программам методисты составляют планирование к учебникам, так как не всегда могут учителя воспользоваться созданными программами и ГОС ОСО.

Учебники и учебные пособия по русскому языку, рекомендуемые на 2003-2004 учебный год:

Русский язык.Учебная программа.(2-9-классы) Р.Т.Толипова и др.

Русский язык. 2-класс. Р.Т.Толипова и др.

Русский язык. 3-класс. Р.Т.Толипова и др.

Русский язык. 4-класс. Р.Т.Толипова и др.

Русский язык. 5-класс. Р.Т.Толипова и др.

Русский язык. 6-класс. Р.Т.Толипова и др.

Русский язык. 7-класс. С.Ю.Исломбекова и др.

Русский язык. 8-класс. Р.Т.Толипова и др.

Русский язык. 9-класс. Ю.Ж.Азизханова и др.

Русский язык. 10-класс. Р.Т.Толипова и др.

Русский язык. 11-класс. Р.Т.Толипова и др.

Русский язык. 2-4-классы. М.Р.Салихова, Р.Т.Толипова и др. Методическое руководство для учителя.

Русский язык. 5-7-классы. С.Ю.Исламбекова. Методическое руководство для учителя.

Русский язык. 9-синф . Ю.Ж.Азизханова и др. Методическое руководство для учителя.

Интерактивная методика приемлема в школах с узбекским языком обучения. В виде контроля учителя предлагают семинары, конференции на определенную тематику. Главное внимание в выступлениях должно быть обращено на духовно-нравственное, правовое воспитание, новые педагогические технологии, проблемно- развивающее обучение, воспитание у учащихся критического мышления.

Примерная тематика докладов для секционных занятий:

1. Эффективные методы обучения технике чтения и развитие речи по новым учебникам.

2. Организация самостоятельной творческой деятельности учащихся.

3 Элементы интеграции в обучении неродному языку.

4. Новые педтехнологии на уроках русского языка.

5. Идеи ГОС ОСО и педтехнологий в работе по новым учебным программам и учебникам...

6. Из опыта работы при подготовке учащихся к участию в конкурсах и олимпиадах по русскому языку.

ИНГЛИЗ ТИЛИ

ДТС бўйича 2003 ўқув йилида 9 йиллик таълим тизимига ўтиб бўлинди. Шу билан ҳамоҳанг равишда ДТС асосида 5-9-синф инглиз тили дарсликлари ҳам яратиб бўлинди. Шу муносабат билан инглиз тили ўқитувчилари август кенгашларида ДТС асосида яратилган ўқув дастури ва дарсликларнинг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши, уларда аниқланган камчиликлар ва бу камчиликларни келажакда қандай ҳал қилиш кераклиги тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилишлари керак. Шу билан бирга дарсликларда тил ўқитиш бўйича қўлланилаётган янгича ёндашув, тил ўқитиш методикасининг коммуникатив ёндашуви, дарсларнинг интерфаол услубда ташкил этилишининг ўқувчилар ўзлаштиришида қандай таъсир этаётганлиги тўғрисидаги маърузалари билан қатнашишлари мақсадга мувофиқдир.

Кейинги ўқув йилида инглиз тили таълими 10-11-синфларда ҳам давом этишини ҳисобга олган ҳолда август кенгашларида бу синфлар учун яратилган янги ўқув дастурлари ҳамда тавсия этиладиган дарслик ва ўқув қўлланмалар устида ҳам тўхталиб ўтиш керак бўлади.

2003-2004 ўқув йилида мактабларда ишларни режалаштиришда қуйидаги дарслик ва қўлланмалар тавсия этилади:

1. 5-6-синфларда «Ўқитувчи» нашриёти томонидан Л.Жўраев, С. Хан ва бошқалар муаллифлиги остида чоп этилган «FLY HIGH» номли инглиз тили дарслиги;

2. 7-8-синфларда «Макмиллан» нашриёти томонидан Е.Волкова, У.Лее ва бошқалар муаллифлиги остида чоп этилган «English Matters» инглиз тили дарслиги;

3. 7-8-синфларда «Узинкомцентр» нашриёти томонидан Л.Цой, Ҳ.Тўхтарова ва бошқалар муаллифлиги остида чоп этиладиган «FLY HIGH» номли инглиз тили дарслигидан ҳам муқобил дарслик сифатида фойдаланилади.

4. 9-синфда Оксфорд университети нашриёти томонидан Л.Жўраев, ва бошқалар муаллифлиги остида чоп этилган «FLY HIGH 9» номли инглиз тили дарслиги;

5. 10-11-синфларда «Ўқитувчи» нашриёти томонидан Ж.Жалолов муаллифлиги остида чоп этилган «English» номли инглиз тили дарслиги;

6. Республика таълим маркази томонидан чоп этиладиган 5-9-синфлар учун «Инглиз тилидан режалаштириш»дан фойдаланилади.

7. Республика таълим маркази томонидан чоп этиладиган 5-9-синфлар учун тестлар тўплами тавсия этилади.

Инглиз тили фани бўйича шўъба йиғилишларида ўқитувчилар қуйидаги мавзулар бўйича маъруза ва мунозаралар олиб боришлари мумкин:

1. Инглиз тили дарсларида «Мустақиллик» дарси қандай олиб борилади?

2. 5-11-синфларда таълим қандай олиб борилмоқда ва 2003-2004 ўқув йилида бу синфларда қандай дарсликлардан фойдаланилади?

3. Ўтган ўқув йилида инглиз тили фанининг ўқитилишида дуч келинган қийинчиликлар, бу қийинчиликларни ҳал қилиш йўллари ҳамда инглиз тили фани ўқитилишини яхшилаш учун бу ўқув йилида эътибор бериш керак бўлган нарсалар ҳақида.

4. ДТС асосида яратилган инглиз тили дарсликлари болаларни мустақил ишлашга йўналтирганлиги ёки йўналтирмаганлиги, ДТС асосида яратилган инглиз тили дарсликларининг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши даражаси (фоиз ҳисобида), бу дарсликларни янада такомиллаштириш учун муаллифлар эътибор бериши керак бўлган жиҳатлар ҳақида.

5. Янги яратилган инглиз тили дарсликларининг аввалгиларидан фарқлари, афзалликлари ва камчиликлари.

6. Инглиз тили фанидан 2002-2003 ўқув йилида ўтказилган олимпиаданинг 3 турда, яъни оғзаки, ёзма ва тест кўринишида ўтказилганининг ижобий ва салбий томонлари ҳамда 2003-2004 ўқув йилида ушбу фан бўйича ўтказиладиган олимпиадага қандай тайёргарлик кўриш кераклиги ва олий ўқув юртларига қабул қилиниш кўрсаткичлари хусусида.

Юқоридаги мавзулар юзасидан август кенгашларини ўтказиш тартиби семинар, мунозара шакллари каби ҳар хил усулда олиб борилиши мумкин.

ФРАНЦУЗ ТИЛИ

Французь тилини ўрганишга бўлган талаб барча хорижий тилларга бўлган талабларга узвий боғлиқ ҳолда оғзаки нутқни ривожлантириш, «ўқувчи-фаол ўқитувчи» дарсда йўл кўрсатувчи тамойиллари асосида ривожланиб бормоқда. В.Гюго, О.де Бальзак, А.Франслар тили бўлмиш француз тили ўзининг жозибадорлиги туфайли дунёдаги 200.000 000 га яқин инсоннинг нутқида жаранглайди. Жумладан, республикамиздаги 1520 та мактабнинг 400 минг атрофидаги ўқувчиларига 3100 нафар ўқитувчи француз тилидан дарс бериб келмоқда.

Айни чоғда хорижий тиллар дарсликлари хорижий давлатлар билан ҳамкорликда яратилмоқда. Француз тили дарсликлари ҳам ДТС ва ўқув дастурлари асосида умумий ўрта таълим мактабларининг V - IX синфлари учун Франция элчихонаси билан ҳамкорликда яратилаяпти. Бугунги кунда V – VI – VII синф дарсликлари мажмуа шаклида (ўқувчи китоби, машқ дафтари, ўқитувчи учун методик қўлланма) яратилиб, чоп этилди. V синф дарслик мажмуаси «Bonjour la France», VI синф дарслик мажмуаси «Voyage en France» ва VII синф дарслиги «Bon voyage» деб аталади. VIII-IX синф дарсликлари ҳам яратилиб, ОРБ тендери ғолиби бўлди ва нашриётга топширилган.

2003 – 2004 ўқув йилида қуйидагилар тавсия этилади:

1. 1999 йилда чоп этилган «Француз тили»дан ДТС ва ўқув дастури умумий ўрта таълим мактабларининг V – IX синфларида тўлиқ жорий этилади.

2. X-XI синфларда V-IX синфлар учун қўлланилаётган амалдаги ўқув дастурининг давоми бўлмиш янги ўқув дастуридан фойдаланилади.

3. V синфда таълим барча тилларда олиб бориладиган мактабларда А.Носиров ва бошқалар томонидан яратилган янги «Bonjour la France» дарслик мажмуаси.

4. VI синфда таълим барча тилларда олиб бориладиган мактабларда З.Абдушукурова ва бошқалар томонидан яратилган янги «Voyage en France» дарслик мажмуаси.

5. VII синфда таълим барча тилларда олиб бориладиган мактабларда В.Бухин ва бошқалар томонидан яратилган янги «Bon voyage» дарслик мажмуаси.

6. VIII синфда таълим барча тилларда олиб бориладиган мактабларда З.Абдушукурова ва бошқалар томонидан яратилган янги «Nouveau voyage en France» дарслик мажмуаси.

7. IX синфда таълим барча тилларда олиб бориладиган мактабларда А.Носиров ва бошқалар томонидан яратилган янги «La France, mon rkve» дарслик мажмуаси.

8. X синфда Республика таълим маркази томонидан тайёрланган «Француз тили» ўқув қўлланмаси.

9. XI синфда эса мавжуд дарсликлар ва ўқув қўлланмаларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Француз тили фани бўйича шўъба йиғилишларида қуйидаги мавзулар бўйича суҳбатлашадилар:

1. V-IX синфларда қандай дарсликлардан фойдаланилади?

2. X – XI синфларда таълим қандай олиб борилмоқда?

3. Француз тили ўқитилишида янги педагогик технологиялар, информацион технологиялар, аудио–видео мосламаларидан фойдаланиш.

4. Янги яратилган француз тили дарсликларининг аввалгиларидан фарқлари, афзалликлари ва камчиликлари.

5. Ҳозирги кунга қадар ҳар бир туман миқёсида Франция давлатида ўз малакаларини ошириб келган ўқитувчилар фаолиятларини давом эттирмоқдалар. Ушбу ўқитувчилар тажрибалари асосида ўқитишнинг янги усуллари, Франция таълими хусусида ва янгиликлар юзасидан кенг қамровли суҳбат ва муҳокама.

6. Француз тили фанидан ўтказилаётган олимпиада натижалари ва олий ўқув юртларига қабул қилиниш кўрсаткичларига доир мунозаралар.

Ўқувчиларнинг қандай малака ва кўникмаларга эга бўлиши 1999 йилда чоп этилган «Француз тили» ўқув дастурида батафсил ўз аксини топган.

НЕМИС ТИЛИ

Мамлакатимиз халқаро муносабатларнинг турли илм-фан, сиёсий- ижтимоий соҳаларида алоқа олиб борар экан , Ватанимиз учун немис тилини мукаммал биладиган мутахассислар зарур бўлади. Бунинг учун замин, албатта, мактабда тайёрланади. Бу эса ўз навбатида махсус мактаблар сонини кўпайтиришни тақозо этади. Бугунги кунда республикамизда 3 та немис тилидаги махсус мактаблар бўлиб, уларда таълим рус тилида олиб борилади. Бу эса таълим ўзбек тилида олиб бориладиган махсус мактабларни ҳам юзага келтиришни тақозо этади. Чунки ўқувчи мактабни тугатгандан кейин эркин гаплаша олиш имкониятига эга бўлиши керак.

2003-2004 ўқув йилида мактабларда ишларни режалаштириш учун қуйидаги дарслик ва қўлланмалар тавсия этилади:

1. Ҳозирги кунда Давлат таълим стандартлари асосида Гёте институти муаллифлари томонидан яратилган ""Assalom, Deutsch'' дарсликлари 5-6-7- синфлар учун амалда қўлланилмоқда.

2 .Яқинда бўлиб ўтган танловда 8 ва 9-синфлар учун ёзилган немис тили дарсликлари ҳам қатнашди ва ғолиб деб топилди.

3. Давлат таълим стандарти асосида яратилган дарсликлар мажмуаси (5-9-синфлар) ўқувчилар қўлига тўлиғича етиб боради.

4. 10-11-синфларда дарсликларнинг йўқлиги ҳозирги кун муаммоларидан биридир. Бунинг учун ўқитувчилар 10- синфлар учун яратилган дастур асосида Республика таълим маркази томонидан тавсия этилган ўқув қўлланмадан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир.

5. 11-синф ўқитувчилари эса янги яратилган дастур асосида дарс ўтадилар. Бунда грамматик мавзулар лексик мавзулар билан чамбарчас боғланган ҳолда ўз ифодасини топади.

Немис тили шўъба йиғилишида қуйидаги мавзуларда маъруза, баҳс-мунозара ўтказилиши мумкин:

1. «Мустақиллик» мавзуси немис тили дарсида.

2. Ўтган ўқув йилида немис тили фанининг ўқитилишида қандай қийинчиликларга дуч келинди ва бу қийинчиликларни қандай ҳал қилиш керак?

3. ДТС асосида яратилган немис тили дарсликларининг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши қандай бўлди? Бу дарсликларни такомиллаштириш учун муаллифлар нималарга эътибор бериши керак?

4. Немис тилини ўқитишда янги педагогик технологиялар, информацион технологиялар, аудио- видеолардан фойдаланиш.

5. Немис тили фанидан 2002-2003 ўқув йилида ўтказилган олимпиаданинг 3 турда ўтказилишининг ижобий ва салбий томонлари. Кейинги олимпиадани қандай ўтказиш керак?

6. Немис тили ўқитишни яхшилаш учун нималарга эътибор қилиш керак?

МАТЕМАТИКА

Ўқитувчилар август кенгашларининг мазкур фан бўйича шўъба йиғилишларида математика ўқитиш технологияси, тушунчаси, уни қай усулда ўқитиш, нима асосда таълим бериш, таълим жараёнида қандай воситалардан фойдаланиш, бу жараёнда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг иштироки масалаларининг қамраб олинишига эътибор қаратиши мақсадга мувофиқ. Ўқувчи-ёшларда мустақил, ижодий фикрлаш кўникмаларини таркиб топтириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бунга эришиш йўллари ва усулларини излаш керак бўлади.

Ўқитувчиларнинг август анжумани шўъба йиғилишларида математика фани ўқитувчилари «Математика таълими самарадорлигини ошириш учун нима қилмоқ керак?» деган саволга жавоб излаш билан бир қаторда кейинги ўқув йили учун режаларни белгилаш ва уларни амалга ошириш чора-тадбирларини белгилашлари лозим.

Дарс турларидан ташқари, таълимнинг муаммоли-қидирув методлари (эвристик суҳбат, тадқиқот методи, турли қизиқарли ўйинлар, муаммоли беллашувлар, тўғарак ишлари ва ҳоказолар) билан ўқувчиларнинг ижодий фаолиятларини ривожлантириш зарур.

Маълумки, 2002-2003 ўқув йилида умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ўқув дастурлари билан биргаликда тўлиқ жорий қилинди.

Умумий ўрта таълим мактабларининг V – IX синф ўқувчилари ўтган ўқув йилида ДТС асосида яратилган «Математика-5», «Математика-6» (Ж.Икромов ва бошқалар), «Алгебра-7», «Алгебра-8» (Ш.Алимов ва бошқалар), «Геометрия-7», «Геометрия-8» (А.Ортиқбоев, Н.Файбуллаев), «Алгебра-9» (Ш.Алимов, М.Мирзаахмедов, О.Холмуҳамедов) ва «Геометрия-9» (А.Ортиқбоев, Н.Файбуллаев) дарсликлари асосида таълим олдилар.

Жорий йилда V синфда янги мазмундаги «Математика — 5» (М.Мирзаахмедов ва бошқалар) дарслиги, VII синфда «Геометрия — 7» (Ф.Баҳромов ва бошқалар) дарслиги асосида машғулотлар олиб борилади. Мазкур дарсликлардаги таълим усули амалдаги дарсликлардан фарқ қилади.

Дарсликларда ўқувчига маълум миқдордаги билимларни ўрганиш объекти, таҳлилдан қонуниятга, хусусийликдан умумийликка бориш қоидалари асос қилиб олинган. Бу эса ўқувчининг эркин фикрлай олишига йўл очиб беради. Бу вазифани амалга ошириш учун дарслик билан бирга ўқитувчилар учун методик қўлланма ҳам яратилди.

2003-2004 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасаларида 10-синфлар учун «Алгебра ва анализ асослари», «Геометрия» фанларидан янгиланган ўқув дастури жорий қилинади.

10-синфлар учун «Алгебра ва анализ асослари» фанидан янгиланган ўқув дастурида 9-синфларда тенглама ва тенгсизликларни ечиш бобида ва берилган мавзулардан тенг кучли тенгламалар, тенг кучли тенгсизликлар, кўрсаткичли ва логарифмик тенгсизликларни ечиш, тригонометрик тенгламалар бобидан, тригонометрик формулалар, синуслар йиғиндиси ва айирмаси, косинуслар йиғиндиси ва айирмаси, тригонометрик тенгламаларни ечиш, тригонометрик функцияларнинг аниқланиш соҳаси ва қийматлари каби мавзулар янада чуқурлаштирилган ҳолда дастурга киритилди. V бобда эса тескари тригонометрик функциялар ҳақида асосий тушунчалар киритилган. Y=arcsinx функция, унинг хоссалари ва графиги, Y=arccosx функция, унинг хоссалари ва графиги, Y=arctgx функция, унинг хоссалари ва графиги каби мавзулар билан тўлдирилган.

10-синфлар учун «Геометрия» фанидан янгиланган ўқув дастурига 7-9-синфларда ўрганилмаган ёки айрим мавзуларнинг берилишида мавзулар ўқувчилар ёшини эътиборга олган ҳолда соддалаштирилиб ва қисқача маълумот бериб кетилган боблар киритилган.

Мазкур ўқув йилида 10-синф ўқувчилари амалдаги Ш.Алимов ва бошқаларнинг қайта ишланган «Алгебра ва анализ асослари — 10», А.Погореловнинг қайта ишланган «Геометрия — 10» дарсликлари билан шуғулланадилар. 11-синф ўқувчилари эса амалдаги дастур асосида Ш.Алимов ва бошқаларнинг «Алгебра ва анализ асослари 10-11» ва А.Погореловнинг «Геометрия 7-11» дарсликлари билан шуғулланадилар.

ДТМнинг 2002 йил таҳлилига кўра, ўзбек тилида таълим олган гуруҳларда «Соннинг модули. Манфий ва мусбат сонларни қўшиш, айириш, кўпайтириш, бўлиш», «Натурал даражалар», «Тенгсизликлар ва уларнинг асосий хоссалари. Бир номаълумли чизиқли тенгсизликлар ва тенгсизликлар системаси», «Кўпёқлар», «Тригонометрик тенгламалар ва тенгсизликлар» кабилар абитуриентлар учун анъанавий тарзда қийин ўзлаштирилувчи бўлимлар бўлиб келмоқда. Ўқувчилар билимидаги ушбу бўшлиқларни тўлдиришда кўпроқ амалиётга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Янги ўқув йилида ўқитувчиларга қуйидаги методик қўлланмалардан фойдаланиш тавсия этилади:

1. Абдураҳмонов А. «Мактабда геометрия тарихи», Тошкент, «Ўқитувчи», 1995.

2. Аъзамов А., Ҳайдаров Б. «Математик сайёра», Тошкент, «Ўқитувчи», 1995.

3. Мирзаахмедов М., Сотиболдиев Д. «Ўқувчиларни математик олимпиадаларга тайёрлаш», Тошкент, «Ўқитувчи», 1993.

4. Петраков И. «Математика тўгараклари», Тошкент, «Ўқитувчи», 1997.

5. Отабоева Р. «Геометрик масалаларни координата-вектор усулида ечиш», Тошкент, «Ўқитувчи», 2001.

6. Р.Отабоева, З.Ҳикматова. «Математика плакатларда», Тошкент, «Маънавият», 2002.

Шўъбанинг асосий вазифаларидан яна бири ўқитувчиларни математикага оид янгиликлар билан таништириш, янги дарсликлар, ўқув қўлланмалар, илмий адабиётлардан хабардор қилишдир.

Шўъба йиғилишларида муҳокама учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Математика фани ўқитувчилари метод бирлашмаси ишини йўлга қўйиш, ёш мутахассислар билан ишлаш.

2. Мактаб математика хонасига қўйиладиган талаблар, улардан фойдаланиш ва хонани жиҳозлаш.

3. Математика дарслари ва дарсдан ташқари машғулотларда янги педагогик технологияларни жорий этиш.

4. Математика дарсларида ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини ривожлантириш.

5. Иқтидорли болалар билан ишлаш шакллари.

6. 2002 йилдаги абитуриентлар тест натижалари, республика олимпиадаси натижалари таҳлили, математика фанини ўқитиш сифат ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари.

Шунингдек, математика ўқитувчиларига август кенгашини илмий-амалий конференция, ижодий лаборатория, мунозара клуби, семинар-амалиётлар ва бошқа усуллар тарзида ўтказиш тавсия этилади.

(Давоми бор)

Alalxusus, Tangrining borligi — abadiy borliq. U alohida shaklda mavjud emas. Balki o'zi yaratgan maxluqotlari ich-ichiga singib ketgan. U tavallud topmagan va shu sababdan ham o'lmaydi.

"Ilm daraxti Arabistonda o'sadi, u esa Movarounnahrda hosil beradi".

МАЪРИФАТНИНГ ҲАҚИҚАТИ ҲАЙРАТДИР

(Тўққизинчи мақола)

Одамзод ўз умри мобайнида дунёни билишга қайсидир шаклда қизиқиб кўради. Табиат тилсимотларидан ҳайрону лол бўлмайдиган одам рўйи заминда топилмаса керак. Дин, турли фанлар, даҳо мутафаккирлар олам асрорини очишга уринган. Аммо, Умар Хайём таъбири билан айтганда, «Биз қайдан келдигу кетурмиз қаён?» саволига аниқ-тиниқ жавоб топилганича йўқ.

Маълумки, билишнинг уч тури мавжуд. Биринчиси, ваҳий орқали билиш, яъни нубувват. Билишнинг бу олий шакли фақатгина пайғамбарларга хос. Иккинчиси, ҳиссий билиш. Даҳо шоирлар дунёни ҳиссий усулда англаб етадилар. Шу боиски, шоир шахсиятини пайғамбарлар мақомига тенг қўйишган. Хусусан, профессор Озод Шарафиддинов бир мақоласида ана шу таърифу тавсифга урғу берган эди: «Биз Алишер Навоийни шунчаки «Алишер Навоий» деб эмас, «Ҳазрат Алишер Навоий » деб атаймиз. Пушкин ҳам, Лермонтов ҳам шоирларни пайғамбарларга қиёс қилишган. (қаранг: «Шеър кўп, аммо шоир-чи?» мақоласи, «Ёшлик» журнали, 1983 йил, 3-сон, 62-бет) Албатта, бу шоир — пайғамбар, деган гап эмас. Дунёни билиш нуқтаи назаридан қаралганда илҳом масаласи ваҳий ҳолатига анчайин яқин туради, деганидир. Алҳол Ҳазрати Навоийнинг ўзи шеъриятни, эъжоз, яъни мўъжиза даражасида, дея лутф этиб, Қуръони Карим шеърий усулда нозил бўлганлигини фахру ифтихор ила эслаган эдилар.

Билишнинг учинчи тури ақлий билишдир. Ақлий билишда асосан мантиқ билан иш кўрилади. Олимлар худди ана шу тоифага кирадилар. Воқеаларни бир-бирига қиёслаш, руҳ, нафс тушунчаси тадқиқи, инсон аъзои бадани тадқиқи ва коинот илми, илми нужум — буларнинг барчаси ақлий билиш усуллари ҳисобланади.

Пайғамбарлар ўзлари билган сир-асрорнинг ҳаммасини ўз қавмига аён этмаганлар. Шунчаки, омма фаҳмига етадиганини ошкор айлашган, холос. Негаки, мураккаб фалсафа турли низо-жанжалларга боис бўлмоғи мумкин эди-да... Худди шу каби ақлий билим усталари ижодиёти ҳам зиддиятли кечади. Улар дунёнинг пайдо бўлиши борасида ягона хулосага кела олмаганлар. Алалхусус, ҳиссий билиш кўпчилик тусмоллаётган ҳақиқатга анча яқин эканлиги ойдинлашади.

Хўш, нега шундай? Чунки, шоирлар ташбеҳлар воситасида иш кўришади. Уларнинг ёзганини турлича тушунмоқ мумкин. Аслида ҳам бу қадар улкан билим сўз қобиғига сиғмаслиги-да ўз-ўзидан маълум. Мухтасар шаклда айтсак, дунё асрорини ҳеч қачон қулоқ билан эшитиб бўлмаса-да, руҳ воситасида ҳис этмоқ у қадар мушкуллик туғдирмайди.

Мумтоз адабиёт намояндалари, шу жумладан, Ҳазрат Алишер Навоий дунёнинг жамики сир-асрори илми ғайбда мужассам, деб тушунганлар. Буни ладуни илм ҳам дейишган. Луғавий маъноси шуки, ўша илмни одам ўзи ўйлаб топмайди, балки, ғойибдан келади. Биз ҳеч ўйламайдиган нуқталарда коинотнинг ахборот оқими доимий ҳаракат қилади. Ана шу оқимга руҳан туташув иқтидорига эга кишилар баъзи сир-асрорларга ошно тутинадилар.

Алишер Навоий ҳазратлари «Насойим ул-муҳаббат» номли рисоласида ўнлаб шундай хислат эгалари хусусида маълумот беради. Жумладан, Мавлоно Жалолиддин Румийнинг болалигида содир бўлган воқеа баёни қизиқарлидир. Навоий ёзадики: «Дебдурларки, Мавлоно ҳазратларига беш ёшидан бери ғайбе сувар ва руҳоний ашкол, яъни малойика суфраси ва хавос инсу жин пардасики, қибоби иззат мастурларидурлар, зоҳир ва мутамассил бўлурлар эрмиш. Бузургвор оталари хати бирла топибдурларки, Жалолуддин Муҳаммад Балҳда олти ёшида одина куни кеча атфол била бизнинг уйларнинг томларида сайр қилур эрмишлар. Алардин бири яна бигишлидир.

Ердан кўтарилмоқ учун, аввало, ернинг тортиш кучини енгмоқ жоизки, бу қонуниятни ҳамма билади. Бироқ, учиш ҳодисаси оддий одамлар орасида ҳам учрамоғи бор гап. Чунончи, ёш пайтларимда велосипед миниб, қишлоқ йўлида кетаётган эдим. Шунда ажабтовур иссиқликни сезгандек бўлдим. Велосипед эгаридан оҳиста кўтарила бошладим. Тахминан бир дарахт бўйича. Юрагим алланечук орзиқар эди. Сўнг эса тақир йўлга қулаб тушдим. Аммо, ҳеч қаеримда оғриқ сезмадим. Отам физика ўқитувчиси эди. Мазкур ҳолат боисини сўрганимда «диффузия ҳодисаси» деб жавоб бергани то ҳануз ёдимда.

Яна бир гал, ўша вақтларда йигирма уч ёшимда эдим. Куппа-кундузи.Қишлоқ йўлидан кетаётибман. Соғлиғим жойида... Дафъатан кўз олдим қоронғилашиб кетди. Гўёки мен бу ёруғ оламдан узилдим. Худди учаётгандайман. Бошимда қаттиқ оғриқ сездим. Худди тиш оғриғи каби: бош чаноғим нақ иккига бўлингандек. Юрагим эса «шув-шув» этади — бадан бир ҳовуч сув миқдорида эса-да, барибир буни тан олмаймиз. Алҳол, ҳаддан ташқари реалистмиз. Нореал ҳодисаларни эса руҳий хасталикларга боғлаб талқин этаверамиз. Аммо, тузукроқ ўйлаб кўрайлик-чи, дейлик, туш ҳодисаси шунчаки «мия тасвирлари чиқити» эканми? Ундай десак, нима учун гоҳо тушда кўрганимиз ўнгимизда содир бўлади? Демак, масаланинг илдизи биз тусмоллагандан чуқурроқдир. Сўфийлик тариқатида бу янглиғ ҳодисалар юқорида таъкидлаганимиздек, илми ғайб доирасига киради.

Навоийшунослар ҳазрат ижодиётини обдон ўрганишган. Лекин Навоий шахсияти у қадар теран тадқиқ этилмаган. Хусусан, ўша «нореал ҳодисотлар» борасида завқу шукуҳга тўлиб хабар берган Навоий ҳазратларининг аслида кимлиги бизга қоронғу.

«Анинг назми васфида тил қосир ва байон ожизтурур» деб шоҳ ва шоир Ҳусайн Бойқаро ўз «Рисола»сида, — «Хотирға ўзининг маснавийларидин неча байт келурким, бу айтилатурған маънода назм қилибтурур ва ул будур, маснавий:

Мен ул менки, то турк бедодидур,
Бу тил бирла то назм бунёдидур,
Фалак кўрмади мен кеби нодире,
Низомий кеби назм аро қодире.
Не назме дер эрсам мени дардноқ,
Ки, ҳар лафзи бўлғай
анинг дурр-и пок,
Худо еткурур онча суръат манга,
Ки, бўлмас барисига
фурсат манга...

Мазкур маснавийсида Ҳазрати Навоий «Фалак кўрмади мен кеби нодире» (Дунё мен каби нодир инсонни ҳеч қачон кўрмаган) дея фахрланаркан, шунинг исботи тариқасида қуйидаги далилларни келтиради:

Не «Шоҳнома»ким,
Ҳамсаға урсам қўл,
Анинг панжаси сари еткурсам эл,
Умидим буким,
айлабон фатҳ-и боб,
Қўлум бергай ул панжаға тағи тоб.
Ўтуз йилки, ани Низомий демиш,

Ҳазрат Навоий дунёнинг моҳиятини руҳда деб билади. Унинг фикрича, руҳлар ижодкори Тангрининг «пайдолиги пинҳон». Яъники, пайдолик мақоми ҳеч кимнинг ақлу шууриға сиғмайди. Ва шу баробарида «пинҳонлиги пайдо». Яъни ўша яширинлик ҳеч қачон ечилмайди, жумбоқ шаклида мавжуддир. Ёзадики:

Азал ҳам сен, абад ҳам сен, не аввал бирла охирким,
Анга йўқ ибтидо пайдо мунга йўқ интиҳо пайдо.

Алалхусус, Тангрининг борлиги — абадий борлиқ. У алоҳида шаклда мавжуд эмас. Балки ўзи яратган махлуқотлари ич-ичига сингиб кетган. У тавваллуд топмаган ва шу сабабдан ҳам ўлмайди. Сабаблар ундан бошланади — унинг эса сабаби йўқ. Жаъмики яралган махлуқотлар охир-оқибатда унга қайтиб бораверади.

Бинобарин, бутун оламларнинг сир-асрори танҳо унга аён. Негаки, ҳамма нарсанинг яратувчиси — у. Борлиқни икки куч яратганида эди, ҳақиқат иккига бўлинган бўлур эди. Мантиқан айтганда, инсон сир-асрордан воқиф бўларкан, демак, Тангри мақомига чиқади. Аммо, бунинг сира-сира имкони йўқ. Алҳол, буюк шахслар ўз нафсини енгиб, маърифат водийси сари йўл олган кишилардир.

Ҳазрат Навоий «Насойим ул-муҳаббат» номли рисоласида ўша қоидани шу йўсинда ифода этади: «...Зуннун дебдурким, (Аллоҳу таоло бандасининг нафсини унга хор қилиб кўрсатиши, уни улуғ қиладиган ҳар қандай нарсадан кўра азизроқ ва муҳимроқдир). Ва ҳам ул дебдурким, (махфийроқ ва қаттиқроқ парда — нафсни кўриш ва унга тадбир қилиш, яъни жиловлашдир). Ва ҳам Зуннун дебдурким, (Аллоҳ зотини тафаккур қилиш нодонлик ва унга ишорат қилиш ширкдир. Маърифатнинг ҳақиқати ҳайратдур).

Демак, инсон ўз ақл-фаросати умуман етмайдиган сир-асрорга интилмаслиги жоиз. Энг яхши амал — ҳайратланиш. Инсон зоти борлиққа қараб чин юракдан ҳайратландими, демак, унинг руҳи таслим бўлмоққа тайёр.

Асрор тушунчасини Ҳазрат Навоий Зуннун Мисрий забонида ифода этади: «АВВАЛ УЗУЛМАК ВА ҚУШИЛМОҚ ВА ОХИР НЕ УЗУЛМАК ВА НЕ ҚУШУЛМОҚ». Бу руҳнинг Ҳақдан узилиши, кейин қайта қўшилмоғи, сўнг эса шу алфозда абадийлик касб этмоғини англатади. Мазкур қоидани ҳайрат илмида, яъни ҳиссий билиш фанида ўзлаштирмоқ мумкин. Бинобарин, назмда ҳикмат кўпдир.

Баҳром РЎЗИМУҲАММАД

Bilasizmi?

АКАДЕМИЯ ТАРИХИДАН

Ҳозир жаҳоннинг кўпгина давлатларида илмий, ўқув, бадиий йўналишда академиялар мавжуд. Академияларнинг тарихи қайси даврга бориб тақалади? Бу муассасаларнинг вазифаси нималардан иборат? Академия сўзи аслида юнонча бўлиб, асосан бу ном юнонларнинг афсонавий қаҳрамони Академ исми билан аталган жой номидан келиб чиққан. Илк академияга Афлотун асос солган. Шарқ давлатларида айнан академия истилоҳи ишлатилмаса-да, академия тарзидаги ўқув муассасалари ва жамиятлари VIII-IX асрларда таркиб топа бошлаган. Ислом дунёсида илк академия Хорун ар-Рашид номи билан боғлиқ. Араб халифалигида Хорун ар-Рашид ҳукмронлиги даври (786-809)да "Байтул ҳикма"га асос солиниб, Халифа Маъмун ҳукмронлиги даврида "Байтул ҳикма"нинг фаолияти ривож топди. Шуни айтиш лозимки, айнан шу ўқув муассасасида Мусо ал-Хоразмий, Муҳаммад ал-Фарғоний каби илм дунёсининг беназир алломалари илмий изланишлар олиб борганлар. "Байтул ҳикма"да астрономия обсерваторияси ва катта кутубхона ҳам бўлган. Машҳур олим ва шоир, Х асрнинг машҳур алломаларидан бири ибн Ҳамадон Мосул шаҳрида кутубхонали "Дорул илм", яъни "Илм юрти"ни очди. Бу академия илмга интилганларнинг кириши учун доимо очиқ бўлган. Бундай академиялар шарқнинг бошқа йирик шаҳарларида, жумладан, Миср, Ироқ ва бошқа давлатларда ҳам фаолият кўрсатган.

Арабларда ажойиб бир нақл бор: "Илм дарахти Арабистонда ўсади, эса Мовароуннаҳрда ҳосил беради". Дарҳақиқат, Марказий Осиё илм-фаннинг энг ривожланган марказлари ҳисобланган. Академиянинг Шарқ дунёсидаги яна бир муассасаларидан бири "Маъмун академияси"дир. 1010 йили Урганчда очилган бу илм кошонасига Хоразм шоҳи Маъмун II асос солди.

Марказий Осиёнинг илк академиясида Беруний, ибн Сино, Абу Саҳл Масиҳий, Абулҳасан Ҳаммор ва бошқалар иш олиб боришган. Бу илм кошонасига Абу Райҳон Беруний раҳбарлик қилган.

XV аср илм-фани, меъморчилигини ривожлантирган алломалар Амир Темур раҳнамолигидаги Самарқанд академиясига тўпланганлар. Мирзо Улуғбек мадрасаси ва обсерваторияси ўз даврининг йирик академиясидир. Бу ерда Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид ал-Коший, Али Қушчи ва бошқа олимлар Самарқандни ҳақиқий илм-фан марказига айлантирди.

Алишер Навоий раҳнамолигида Ҳиротда шоирлар, олимлар, рассомлар ва бошқалардан иборат ўзига хос илмий ва бадиий жамият юзага келди. Ҳирот миниатюра расмлар мактабини, айтиш мумкинки, ўрта аср Шарқида давлат томонидан таъсис этилган биринчи бадиий академия деб ҳисоблаш мумкин. Камолиддин Беҳзод бу академиянинг энг йирик вакилларидан биридир.

XV-XVI асрларда Европада, жумладан, Италияда асосан тил ва адабиёт масалалари билан шуғулланиб, янги, дунёвий маданиятга йўл очган кўпгина жамиятлар академия деб аталган. XVII асрда бир қанча илмий жамиятлар — академиялар тузилиб, улар асосан табиатшунослик масалалари билан шуғулланди.

XVII асрнинг иккинчи ярмида давлат ҳокимияти ёрдами билан бир қанча мамлакатларда академиялар тузилган. Масалан, Италия миллий академияси (1603 й), Лондон Қироллик жамияти (1660), Франция академияси (тил, адабиёт масалалари, 1635) ва бошқалар Европадаги илк бор ташкил топган академиялардир. Ундан ташқари, XIX асргача АҚШ, Бавария, Бельгия, Берлин, Гёттинген, Дания, Испания, Швеция каби шаҳар ва давлатларда ҳам академиялар ташкил топган.

Маълумки, Ўзбекистон 70 йилдан ортиқ вақт давомида собиқ СССР ҳудудида бўлсада, ўзига хос илм маркази бўлган. 1943 йили Ўзбекистон Фанлар Академияси ташкил топган. Унинг биринчи президенти Қори Ниёзий бўлган. Ҳозирда Ўзбекистонда Давлат ва жамият қурилиши, Бадиий, Ички ишлар ва бошқа академиялар ҳам мавжуд.

Баҳром САФАРОВ,
Жиззах вилояти

Kasb-hunar kollejlarida

МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР УЧИРМА ҚИЛИНДИ

Мамлакатимиз солиқ тизимида ўтган йиллар мобайнида ўзига хос янгиланиш ва ўзгаришлар юз берди. Маълумки, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш жараёнлари, мулкчиликнинг янгича шакллари ҳамда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда солиқ тизими ўзига хос ўрин тутади. Бинобарин, солиқлар нафақат бугунги кунда, балки тарихнинг барча босқичларида ҳам ўзига хос кўринишда намоён бўлиб, давлат хазинаси мувозанатини сақлашда бош омил бўлиб хизмат қилган.

Шу ўринда айтиш лозимки, солиқ тизимини янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш ҳукуматимиз раҳбарияти олдида турган муҳим вазифалардан бири саналади. Бу борада, энг аввало, етук ва малакали мутахассисларни етиштириш ва уларни амалиётга жалб этиш талаб этилади. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган, ёшларни ҳам ақлан, ҳам жисмонан етук қилиб тарбиялаб, Ватан ва халқ манфаатлари йўлида садоқат билан хизмат қиладиган мутахассисларни тайёрловчи янги ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларини томонидан бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, солиқ тизимини ана шундай етук кадрлар билан таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг солиқ коллежларини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига асосан 2000 йилда Бухоро, Фарғона ва Тошкент шаҳарларида ушбу турдаги таълим муассасалари ташкил этилган эди.

Уч йиллик давр мобайнида Фарғона солиқ коллежида бўлажак соҳа эгаларига малакали устоз ва мураббийлар солиқ илми ва амалиёти бўйича билим бермоқдалар. Мазкур билим даргоҳи замонавий қиёфа касб этиб, у бугунги кундаги энг замонавий компьютер ва ўқув-электрон воситалари билан жиҳозланган. Бу ерда ўқувчиларнинг малакали билим олиши учун барча шароит, имкониятлар яратилган. Шунингдек, коллеж тингловчилари бепул иссиқ овқат, ётоқхона, мавсумий уст-бош ва стипендия билан таъминланганлар.

Коллежда дарс машғулотлари юқори савияда ташкил этилган. Ўқувчилар бошқа ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида таҳсил олувчилардан фарқли равишда биринчи курсга қабул қилингач, "Солиқчи қасамёди"ни, 2-босқичда эса ҳарбий дала машқларини ўтайдилар ва "Ҳарбий қасамёд" қабул қиладилар. Шу билан бирга, бўлғуси солиқчилар шаҳар ва туман давлат солиқ инспекцияларида амалиёт ўтаб, олган назарий билимларини мустаҳкамлаш имкониятига эга бўладилар.

Яқинда илк бор солиқ коллежининг 100 нафарга яқин битирувчисига мутахассислик дипломи топширилиб, мустақил ҳаётга учирма қилиндилар. Ушбу тантанали маросимга Ўзбекистон Республика Давлат солиқ қўмитасининг мутасадди раҳбарлари, Фарғона шаҳар ҳокими, вилоят давлат солиқ бошқармаси раҳбарлари, туманлар ҳокимлари, шунингдек, вилоятдаги бир қанча ўрта махсус таълим муассасаларидан вакиллар, битирувчи курсантларнинг ота-оналари ташриф буюрдилар. Маросим аввалида коллеж раҳбарияти илк битирувчиларни самимий қутлади. Сўнгра Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг битирувчиларга йўллаган табриги ўқиб эшиттирилди. Битирувчиларнинг мутахассислик дипломлари билан тақдирланиши, мустақил ҳаётга қадам қўйиши муносабати билан Фарғона шаҳар ҳокими Р. Болтабоев ҳам қизғин қутлаб, ёш солиқчи мутахассисларнинг иқтисодиётимиз равнақи ва тараққиёти йўлида беминнат хизмат қилишларига ишонч билдирди.

Ушбу онларда барчанинг кўнгли шод, ота-оналар кўзларида севинч ёши бор эди. Маросим ҳақиқий байрамона тус олди. Ушбу сана навқирон коллеж тарихида ўзига хос из қолдириши муқаррар. Боиси, мамлакатимиз тарихида биринчи марта солиқ илмини берувчи коллежлар ташкил этилиб, фаолият бошлади ва илк мутахассислар ҳаётга учирма қилинмоқда.

Шу билан бирга, Фарғона солиқ коллежининг 2-босқич курсантлари ҳам ҳарбий дала машқлари муддатини муваффақиятли ўтаб, ҳарбийлик илми сирларини ўзлаштириб қайтиши муносабати билан "Ҳарбий қасамёд" қабул қилдилар. Бу тадбир ҳам байрам кўркига янада кўрк қўшди. Тантаналар ота-оналарнинг қутлови билан якун топди.

З. ҚУРБОНОВ,
Фарғона солиқ коллежи директори, иқтисод фанлари номзоди

ЯНГИ МУСИҚИЙ АДАБИЁТ

Taqdimot

Яқинда Ўзбекистон давлат консерваториясининг кичик залида Тошкент давлат маданият институти катта ўқитувчиси Раҳматуллоҳ Носировнинг қаламига мансуб "Хуршид атонгдур, ойано..." китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Ота-она ва фарзандлар орасидаги муносабатлар асосий мавзу сифатида кўтарилган қўшиқлар матни ва шу тоифадаги ғазаллар жамланган ушбу китоб мусиқий адабиётлар сирасига кирувчи, мусиқа таълимида муҳим аҳамиятга эга бўлган китобларидан бири бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Тақдимот маросимида Тошкент ислом университети проректори шайх Абдулазиз Мансур, ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти профессори Баҳодир Саримсоқов, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси раиси Хуршид Дўстмуҳаммад, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази раиси ўринбосари Султонмурод Олимов, Маданият ишлари вазирлиги истиқболни белгилаш, услубият ва ахборот маркази директори Ўрозали Тошматов, Ўзбекистон давлат консерваториясининг ректори, профессор К.Азимов ва шу мусиқа даргоҳининг ижтимоий-сиёсий фанлар кафедраси мудири А.Ҳайдаров китобнинг маънавий ва бадиий савияси ҳақида фикр юритишди ҳамда муаллифга катта миннатдорчилик билдиришди.

Севара ЖУМАБОЕВА

ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИ — КОРЕЯДА

Чжо таржимаси билан ўзбек шоирлари А.Орипов, Шуқрулло, Омон Мухтор, Миразиз Аъзам, Борис Пак асарлари корейс тилида нашр қилинди.

— Кореялик адабиёт ихлосмандлари ўзбек шеъриятини катта қизиқиш билан ўқидилар ва меҳр қўйдилар, — дейди "Дунё адабиёти" журнали вакили Ким Хэн Джо.

Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеясининг биринчи вице-президенти Одил Ёқубов, "Жаҳон адабиёти" журнали бош муҳаррири ўринбосари Мирпўлат Мирзо, Корея Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси консули Ли У Сонг, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, "Шарқ юлдузи" журнали бош муҳаррири Омон Мухторлар сўзга чиқиб ижодий ҳамкорлик самаралари тўғрисида ўз фикрларини билдиришди.

Ҳулкар МАМИТОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ФАРҒОНА СОЛИҚ КОЛЛЕЖИ 2003/2004 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН 9-СИНФ НЕГИЗИДА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Фарғона солиқ коллежи ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув муассасаси бўлиб, солиқ хизмати органлари учун мутахассис-кадрлар тайёрлайди.

Коллежда ўқиш муддати — уч йил. Ўқиш муддати солиқ идораларида махсус иш стажига киритилади. Таълим жараёнида ўқувчилар ётоқхона билан таъминланадилар. Коллежни битирганлар солиқ тизимида иш билан таъминланади.

Коллежда ўқиш кундузги шаклда ташкил этилган. Битирувчиларга давлат андозасидаги диплом берилади. Коллежга Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган 9-синф маълумотига эга йигит-қизлар қабул қилинади. Коллежда ўқишни хоҳлаган шахслар Фарғона солиқ коллежига ариза билан мурожаат қилишлари мумкин. Ҳужжатлар 20 июндан 20 июлга қадар қабул қилинади.

ТАЛАБГОРЛАР ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТОПШИРИШЛАРИ ЛОЗИМ:

1) Коллеж директори номига ариза;

2) Умумий ўрта таълим 9-синфини битирганлиги тўғрисидаги ҳужжат (гувоҳнома)нинг асл нусхаси;

3) Саломатлиги тўғрисидаги тиббий маълумотнома (ф 086);

4) 3х4 ўлчамдаги 6 дона рангли фотосурат (бош кийимсиз);

5) Ҳудудий касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис марказининг хулосаси;

6) Доимий яшаш жойидан маълумотнома;

7) Туғилганлик тўғрисида гувоҳнома кўрсатилади (асл нусхаси).

Имтиҳон синови белгиланган тартибда математика, она тили ва адабиёти (рус тили ва адабиёти) фанлари бўйича умумий тарзда ўтказилади.

Ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ маълумотларни Фарғона солиқ коллежидан олиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: 22-11-49, 22-14-24.

Bugungi kunda O‘zbekiston bozorida taxminan yigirmatacha sug‘urta kompaniyalari mavjud. “Kafolat”, “O‘zagrosug‘urta” mahalliy kompaniyalari faoliyatini ko‘pchilik e’tirof etmoqda.

Ularning oylik uchun emas, kichkintoylarga beriladigan ma’naviy boylik uchun kurashib yashayotganliklariga, nima qilib bo‘lsa ham yangilik yaratish ilinjida ekanliklariga qarab, bog‘cha fidoyilarning vatani degimiz keladi.

Ma’rifatsiz kishilar

БОҒЧА ФАЛОНЧИЮ ТАЛОНЧИЛАРНИНГ ВАТАНИ ЭМАС

ёхуд болалар насибасига «чанг солган» мудиранинг қилмишлари хусусида

(Давоми. Боши 1-бетда)

«ИШНИНГ» БОШЛАНИШИ

Аввало, биз ҳикоя қилмоқчи бўлган боғча «тарихида» «ўчмас ном» қолдирган мудира ҳақида маълумот берсак. Шоҳида Жўраева 1973 йил Сирдарё вилоятининг Боёвут туманида туғилган. Олий маълумотли, бир фарзанднинг онаси. 2000 йил август ойида «қаҳрамонимиз» Боёвут туман ХТБга қарашли 22-«Азиза» номидаги мактабгача таълим муассасасига мудира этиб тайинланганида, бу мутахассисдан яхши ишлар, боғчани кўтарадиган ҳаракатлар қилиши кутилган эди. Йўқ, тескариси бўлиб чиқди. Чунки, лавозим эгаллаганидан сўнг орадан бир ой ҳам ўтмасдан, яъни сентябрь ойиданоқ тўлов ведомостлари бўйича ходимлар номига ёзилган иш ҳақидан «уриб» қола бошлади. Шу ойда бир киши номига ёзилган маошдан ушлаб қолинган бўлса, кейинчалик ишчилар ойлигининг «камайиб қолиши» кўпая борди. Нима бўпти, ҳеч ким сезмаяпти-ку! Ахир ходимлар ўзлари қўл қўйган суммадан кам пул олаётганликларини сўрашса, баҳона тайёр, яъни «тепадан ушлаб қолишди ёки банкдан кам берди», дейди, вассалом. Шунда ҳеч ким бировдан хафа ҳам бўлмайди, арз ҳам қилмайди. Ҳаммаси ана шундан бошланди. Мудира қарадики, меҳнат қилмасдан ҳам мўмай пул топса бўлади. Демак, яна бошқа «йўлларни» ҳам ўйлаб топиш керак. Ходимларнинг имзо қўйишларини яхшилаб кузатиб, «имзо операцияси»ни амалга оширса, қандай бўлар экан? Болаларни тарбиялашда қайси илғор усуллардан фойдалансам экан, деган бузғунчи хаёл Шоҳиданинг қўлларини тезда «ҳаракатга» келтирди. Ва ведомостларга энди қалбаки имзолар қўйила бошланди. Хуллас, икки йиллик лавозим берган ваколатдан фойдаланиб, Шоҳида ходимлар номига ёзилган жами 502.292 сўм иш ҳақи пулларини ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборди. «Опа»нинг «уддабурон»лиги эвазига эса боғчада пешона терини тўкиб ишлаётганлар маошсиз қолди ёки қилаётган меҳнатларининг заррачасига ҳам арзимайдиган пулни ойлик сифатида олди. Шундайлардан бири тарбиячи Мастура Турдиева ҳам 2000 йилнинг октябрь ойидан шу даргоҳга ишга кирди. Аммо, 2001 йилнинг февраль ойига қадар мудирадан атиги уч марта 2600 сўмдан аванс пулларини олди, холос. Меҳнатининг қадри шундай «баҳоланган» тарбиячи ишдан бўшаб кетди. Бу каби ҳолатларни жуда кўплаб келтириш мумкину лекин масаланинг бошқа томонига ўтсак.

«ХАМИР УЧИДАН ПАТИР»

Мудира боғчани бошқаришнинг ташкилий томонларини ўргана боргани сари тажрибаси ҳам шунчалик орта борди. Яъни билдики, боғчада болалар сони қанчалик кўп бўлса, уларга бериладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам шу даражада мўл-кўл бўлади. Шоҳидани «безовта» қилган биринчи фикр омбор мудирларини «қўлга олиш» бўлди. Ва омбор мудири Тошгул Алимовани ишдан бўшатиб, ўрнига унинг соддагина қизи Д.Алимовани омбор мудири этиб «тайинлади»-да:

— Сен бу ишнинг оғирлигидан қўрқмагин. Ўзим ҳаммасига қарашаман. Майли, базага ҳам бориб юрмайсан. Фақатгина ҳужжатларни тайёрлаб берсанг бўлгани. Оғирингни енгил қилишни ўз бўйнимга оламан. Ҳали ўрганиб кетасан ҳаммасига, — дея, унга «далда берди». Энди навбат ошпаз М.Қудратовага келди ва шундай дея унинг ҳам қўйнини пуч ёнғоққа тўлдирди:

— Сиз марказий омборга бериш учун ёзиладиган таомномада болалар сонини кўп қилиб кўрсатиб ёзинг. Мен тарбиячиларга ҳам айтаман. Ҳар бир гуруҳга камида 5-10 тадан бола қўшиб ёзади. Шундагина «базадан» пичоққа илинадиган маҳсулот олиш мумкин. Ахир ҳозир берадиганига қуш ҳам тўймайди-ку! Болаларимиз тўйиб овқат ейишлари учун шундай қилмасак бўлмайди (!). «Куюнчак» мудира ошпазни ҳам, тарбиячиларни ҳам юқоридагидек гаплари билан ўзига ишонтира олди. Болалар сони қўшиб ёзила бошланди. Омбор мудиралари Д.Алимова, Н.Норжигитова ва Б.Маматқулова номларига юк хатлари ёзиб, қалбаки имзолар билан «Сирдарё матлубот таъминот савдо» корхонасидан боғча учун ажратилган жами нархи 348.438 минг сўмлик 1015 кг. шакар, 55.223 сўмлик 49 кг. гўштли қийма, 835.703 сўмлик 338,5 кг. сарёғ, 175.802 сўмлик 3006 дона тухум — ҳаммаси бўлиб 1. млн 415.596 сўмлик 4 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари эса мудиранинг жиғилдонидан ҳўл-қуруқ бўлиб ўтди. Ушбу маҳсулотларни олиш учун омбор мудирлари номига расмийлаштирилган юк хатларининг «олдим» деган жойлари ҳам қалбаки имзо билан тўлдирилди. Н.Норжигитова эса мудира айтганидек қилиб болалар сонини ошириб ёза бошлади. Бироқ, виждон азобига тутилиб, дастлабки пайтларда бир-икки марта болалар сони тўғри кўрсатилган таомномани мудирага тасдиқлатиш учун олиб кирганида мудиранинг қаҳрига учради. Майда-майда қилиб йиртиб ташланган ҳаққоний ҳужжат бир зумда ноқонунийси билан алмаштирилди. Омбор мудири Д. Алимова эса ҳали ҳамон озиқ-овқат маҳсулотлари қаердан олинишини умуман билмас, ошпаз М.Қудратова қиймали гўшт ҳам, шакар, сарёғ, тухум ҳам боғчамизга «берилмаяпти» деганича ўз ишини давом эттираверишди. Лекин ошпаз опа мудиранинг «сахийлиги» тутган пайтлари кўрсатма берганида омборчи Н.Норжигитованинг шахсан ўзи шакарни ҳар гуруҳ чойнакларининг ичига ўлчаб солиб беришлигини, сарёғни эса нонга билинар-билинмас қилиб суриб берганлигини эслайди. Айнан ана шундай боғчага озиқ-овқат маҳсулотлари «кам берилаётган» бир пайтда эса мудира ота-онасининг уйига А.Шароповадан омбордаги тахминан 8-9 кг. сарёғни эритиб олиб бориб беришини сўрайди. Шунда ходиманинг ҳайрон бўлиб қараб турганлигини кўрган мудира:

— Нега бунақа қараяпсиз. Бу менинг шахсий пулимга сотиб олинган ёғ-ку! Мен болаларнинг ҳаққидан ҳазар қиламан. Ўзимнинг ҳам, ота-онамнинг ҳам сиз ўйлаганчалик боғчанинг ёғига кунимиз қолгани йўқ(!) Ана шуларни билиб олинг-да, топшириғимни бажаринг, — дея ўзини оқлаб ҳам қўяди. Лекин бу озгина ёғ юқорида келтирган фактларимиз олдида хамир учидан патир ҳам эмаслигини боғча ходимлари қаердан билишсин!?

«ОЛМОҚНИНГ БЕРМОҒИ» БЎЛМАДИ

Бир ишга иккинчиси уланиб, масала яна чигаллашар, Шоҳиданинг савлатию чиройи борган сари ойдинлашиб борар эди. Чунки энди унинг қўли катта пулга ўрганганлиги сабаб, ота-оналардан йиғилган бадал пулларини ҳам туман ХТБга етказиб беришга малолланарди. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, Шоҳида Жўраева 2000 йилнинг сентябрь ойидан 2001 йил октябрь ойига қадар боғчада тарбияланган болаларнинг ота-оналаридан йиғилган 148.160 сўм бадал пулларини туман ХТБ хазинасига тегишли вақтда топширмади. Устига устак боғчага қатнаётган болалар сонини ТХТБга ҳар ойда топшириладиган давомат табелларида сунъий равишда 55-60 нафарга кўпайтириб ёзиб, улар учун давлат томонидан бериладиган барча нарсалар олинди. «Олмоқнинг бермоғи ҳам бор», деган мақол амали эса қаҳрамонимизни анчагина безовта қилиб қўйди. Боиси аслида ўзлари йўғу, рўйхатлардагина мавжуд бўлган болаларнинг бадал пуллари ХТБ томонидан талаб қилинаётган эди. Ҳақиқатдан ҳам боғчага келиб-кетиб юрган кичкинтойларнинг ота-оналари бериб қўйган пуллари хазинага етиб бормаяпти-ю, фақатгина қоғозлардагина бор бўлган болаларнинг бадал пуллари қаердан тўлансин. Бу масала юзасидан анча-мунча машмашалар бўлиб ўтгани аниқ. Лекин, бундай ғалвали ишни Шоҳиданинг қандай қилиб «бости-бости» қилиб юборганлиги бизларга қоронғу. Фақатгина бизга маълумки, мудира қилиб қўйган шунча ишлари қонунга хилоф, виждонан ҳаром эканлигини била туриб ҳам хатоларини тўғрилашга киришмади. Аксинча, болаларни тарбиялайдиган бу даргоҳдан яна қандай қилиб маблағ топиш йўлларини қидира бошлади. Шоҳиданинг бахтига қиш яқинлашаётган эди...

«КЎМИР ОПЕРАЦИЯСИ»

Хабарингиз бор, «тепадагилар» 22-«Азиза» номидаги МТМда мўлжалдан ортиқ бола тарбияланади, деб ўйлашади. Сабаби, улар ҳужжатларга, қоғозлардаги фактларга ишонишади ва шунга асосан иш кўришади. Демак, қишда ёқиладиган печкалар сонини кўпайтириб ёзиб, бериладиган кўмирни керагидан 3-4 ҳисса кўпроқ қилиб олиш мумкин. Шундай ҳам қилинди. Боғча ҳисобига 10 та печка ёқилади, дея қалбаки далолатнома тузилиб, 50 тонна кўмирни Боёвут чорраҳасида жойлашган таъминот омборидан Эшпўлат исмли тракторчи билан олиб келиб, икки тележкасини боғча қоровули Ж.Мирзаевнинг ҳовлиси олдига туширади ва қолгани пулга чақилиб кетади. Ўша дамларда қиш ғамида юрган Э.Пўлатовга «уловли» кўмир жуда қўл келади ва тайёргина уйга кириб келадиган кўмирга харидор бўлади, қўяди. Омбор мудиралари Д.Алимова ва Н.Норжигитоваларнинг «имзолари» остида олинган кўмирнинг 8010 килограми боғчани иситишга сарфланди, холос. Бироқ, кўмирнинг таги кўриниб борарди. Яна бошқаларда шунча кўмир қаёққа кетди, деган савол туғилиб қолмаслиги учун навбатдаги қалбаки далолатномани ҳам тайёрлаб қўйди. М.Норова, Н.Жиянмуродова, С.Дониёрова, Н.Усмоноваларнинг сохта имзоларини, шунча қилмишлардан сўнг ҳеч ажабланишларсиз қабул қилса бўлади. Лекин буни қарангки, 8010 кг. ўрнига 20 тонна кўмир ёқилди, деган мазмундаги ҳисобдан чиқариш далолатномасида келтирилган Н.Усмонова бу боғчада умуман ишламаган. Омбор мудираси Н.Норжигитова Шоҳида ёзган ушбу далолатноманинг қораламасини оққа кўчириб берар экан, табиийки, унда бу ким, деган савол туғилади. Ва яна боғчада номи ҳам, нишони ҳам йўқ бўлган, иккита катта гуруҳ ва бир кичик гуруҳ рўйхатини кўриб ёқа ушлайди. Шунда Шоҳида уни тинчлантиради: «Ёзавер, мен ўзим жавоб бераман». Ана шу гап билан кўмир операцияси ҳам якун топди. Энг асосийси, болажонлар қишнинг қаҳратонидан кўпчилиги совуғу учтагинаси иссиқ хоналарда кун ўтказиб (тарбияланиб дейишга тил бормайди), бир амаллаб баҳорга ҳам чиқиб олишди.

БОЛАЛАР АЙВОНСИЗ ҚОЛДИ

Таърифимиздаги мактабгача таълим муассасасида бунёдкорлик ўрнига бузғунчилик давом этарди. Ёзда болажонлар ва тарбиячилар зах хоналардан қутулганларидан хурсанд бўлиб, боғча ҳовлисидаги 2 та ёзги ўйин айвонларни таъмирлашмаса-да, супуриб-сидириб, тоза-озодагина жойга айлантиришни ният қилишди. Ва бу ишга киришишни эртанги кунга қолдирдилар. Лекин, улар билишмасдики, айни пайтда мудира бу икки болалар шийпонини ҳам пулга айлантиришни кўзлаётганини ва бунинг учун боғча касаба уюшмасининг умумий йиғилиш баённомасини тузиб, ушбу қалбаки баённомага касаба уюшмаси раиси М.Норова ҳамда тарбиячи С.Дониёроваларнинг сохта имзоларини яхшилаб қоғозга тушириб қўйганини. Шоҳида вақт ўтказмасдан, шу кунийоқ қариндошлариникига йўл олди. Акасининг қизи, яъни жияни Шоҳида уйига меҳмон бўлиб келганидан боши кўкка етган Аваз ака унга пешвоз чиқди. Уйига кирилгач, Шоҳида гап очди.

— Ака, сизга бир маслаҳатли иш билан келувдим. Боғчамдаги иккита ёзги айвонни бузишга ёрдам берсангиз. Биласиз, ҳозир «стройматериал» пул туради.

Шунда ака мақсадни тушуниб етди чоғи:

— А-а-а, бу бузиш бўлса-ку, қилаверамиз. Лекин, сенга ҳеч ким «притензия» билдирмайдими?, — дея савол ташлади. Шоҳида эса:

— Э-э, қўяверсангизчи, «айвонлар яроқсиз ҳолга келиб қолган», деб баённома «ясаб» қўйганман. Биров бир нарса деса, шу ҳужжатларни оғзига ураман, — деганича ишни пишириб кетди.

Эртаси куни тонгданоқ тарбиячиларнинг ниятларини пучга чиқариб, Шоҳиданинг амакилари Аваз ва Фарҳод Жўраевлар ўйин айвонларининг тахтасини тахтага, шиферини шиферга ажратиб олиб кетишди.

Болалар маза қилиб ўйнайдиган айвонлар бир тутам, яъни 135.943 сўм пулга айланди. Тарбиячилар кўз ўнгида эса сувлар сепиб, файзли қилиб қўйилган шийпончалар орзусини буруқсиган чанг ва уюм-уюм тупроқ, ҳувиллаган ҳовли эгаллади.

Аслида мудиранинг куни келиб-келиб шу ёзги айвончалардан келадиган маблағга қолгани йўқ эди. Нега дейсизми? Чунки, боғчада умуман ишламайдиган 14 нафар «ходимлар»нинг маоши унга етиб ортарди. Аммо, нафснинг хуружидан қутулолмаган мудира ҳар қандай ҳужжатни ҳам қалбакилаштиришдан тап тортмади. Йўл-йўлакай танишганингиздек, болалар сонини давомат табеллари ва таомномаларда 50-60 нафаргача қўшиб ёзганлиги муассасанинг «каттагина» эканлигидан далолат берарди.

Шунинг учун қонунан мазкур боғча ходимларига иш ҳақи тайинлашда 15,59 штат бирлиги қўлланилиши лозим бўлган бўлса-да, асоссиз равишда 28,46 штат бирлиги учун ТХТБдан ойлик олинар эди. Бу дегани 12,87 штат бирлигидан ҳеч қандай мақсадсиз фойдаланиб, давлат бюджетидан боғчада ҳеч қачон ишламаган одамлар номига ёзилган маошларни ўзи имзо қўйиб, ўзлаштирган. Энг қизиғи, О.Дўстматова, М.Бобоев, М.Бобоева, Г.Ражабова, Н.Усмонова, Н.Эргашева, Ф.Холиқназарова, Г.Нурматовалар «Сизлар шу боғча ходимларимисиз?» дея савол берганларни талмовсирашда айблаб, жиннига чиқариб қўйдилар. Ўзларининг турли лавозимларда шу боғчада «ишлаётганликларини» ва бунинг ортидан мудира 228.292 сўмли бўлиб олганлигини эшитгач, ғазаб отига минишди. Улар, бир томондан тайёрга айёр бўлган опанинг ноинсофлигидан ҳайрон қолишса, иккинчи томондан, давлат бюджети ва шу орқали жамоат манфаатлари ҳавога совурилаётганлигидан ачинишди.

БОҒЧА ШИП-ШИЙДОН БЎЛДИ

Бу орада, яъни боғчада ёзги ўйингоҳлардан чиққан қурилиш материаллари арзон нархда сотилаётганлигини эшитганлар «боғчада яна нималар сотилаётган экан?» деб харидор сифатида муассаса эшигини тақиллатиб кела бошладилар. Хусусан, Н.Мамасолиев мудирага келиб учрашганида, у ҳақиқатдан ҳам боғчада фундамент блоклар ва иситиш трубалари сотилаётганини айтади. Шундан харидор 30 м труба ва 3 дона фундамент блоклари учун Шоҳидага пулни бериб, блокларнигина олиб кетади. Чунки «сотувчи» трубаларни қиш ойларида газ ўтказилаётган вақтида қирқтириб беришга ваъда беради. Кун ўтиб, кўзланган вақт ҳам етиб келди. Бироқ Шоҳида ўз трубаларини талаб қилиб келаётган харидордан қандай қилиб қутулиш чораларини излай бошлади. Ҳар сафар келганида турли баҳоналарни эшитиб кетаверганидан харидорнинг охири сабр косаси тўлди. Ва мудирани сиқувга олди. Иложсиз қолган мудира: (чунки трубаларнинг пули аллақачон ўз жойини топган эди).

— Яқинда боғчага текширувчи келади. Улар келиб кетганидан сўнг трубаларни бемалол олиб кетаверишингиз мумкин, — дейди.

Ниҳоят розилик олингач, Н.Мамасолиев кесиб тайёрлаб қўйилган трубаларни олиб кетади. Шундай қилиб, боғча иситиш тизимидан ҳам маҳрум бўлади ва 371.425 сўмлик давлат мулки талон-тарожга учрайди. Юлғичлик шунчалик даражага етадими дея, таассуфланишингизга ҳали эрта. Сабаби, айтиб ўтганларимиз кўзга кўринадиганроқ, пичоққа илинадиганлари эди, холос. Афсуски, қаҳрамонимизнинг пичоғига илинмаган нарсанинг ўзи қолмади боғчада. Агар сиз қуйидаги рўйхатни ўқиб чиқсангиз, бунга ўзингиз ҳам амин бўласиз:

Мудира 2000 йилнинг сентябрь ойидан 2002 йил март ойига қадар боғчада сақланаётган ва ўзининг жавобгарлигида бўлган 124 дона одеяло, 96 дона ёстиқ жилди, 122 дона чойшаб, 89 дона сочиқ, 31 дона ёстиқ, 52 дона одеяло, 7 дона матрас, 1 та фляга, 5 дона стол, 3 дона ўйинчоқ жавони, 2 дона алюмин тоғора, 2 дона пластмасса табуретка, 5 дона сирли челак, 5 м. шолча, 10 дона темир кроват, 11 дона тувак, 4 дона сирли тоғора, карниз, 1 та ўйинчоқ доскаси, дераза пардалар, 26 дона алюмин товоқ, 3 дона пластмасса стул, 4 та шкаф, 38 дона стул, 4 та скамейка, 1 та палас, 12 дона сирли товоқ, 10 метр палас, 12 дона обручлар, «Ботир» спорт жиҳозлари, 4 дона очилиб ёпиладиган доска, 1 та 10 литрли қозон, 2 та ванна, 1 та редуктор, 1 та соябон, 2 дона челак, 1 та чойнак... Жами 229.617 сўмлик моддий бойликларни талон-тарож қилган. Хуллас, боғча шип-шийдон бир гўшага айланди-қолди. Давлат ҳисобига жами, 4.976.784 сўмлик моддий зарар етказилди.

МУНОСАБАТ

Бу рақамлар фақатгина моддийликни белгилайди. Лекин ана шу вақт мобайнида МТМ ходимлари ва улар орқали тарбияланувчиларга етказилган маънавий зарар-чи?! Унинг ўрнини тўлдириш мумкинмикан?! Бу ўринда қандай муносабат билдиришимиз ҳаммага аён. Зеро, бошқа бир ташкилотда бу каби талон-тарожликлар бўлганини эшитсак, унчалик кўнглимизга олмаймиз. Лекин маърифат маскани бўлган ва яна беғубор, катталарнинг қаровига, тарбиясига муҳтож бўлган болажонларнинг кошонаси вайронага айланганини кўрсангиз, ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Албатта, бу қилмишларга нисбатан қонун ўз ҳукмини айтди. Бироқ ғишт қолипдан кўчиб бўлгунча боғча жамоасининг миқ этмай ўзларига нисбатан бўлаётган адолатсизликларни кўтаравергани, ТХТБ ва «Сирдарё матлубот таъминот савдо» ходимлари муассасанинг борган сари қарзга ботиб қолаётгани ва нега кундан-кунга «кенгайиб кетаётгани»нинг сабабларини ўз вақтида ўрганмаганлиги ачинарли. Бу ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни яхши билмасликдан, атрофимиздагиларга лоқайд эканлигимиздан дарак бермайдими!?

Биз ҳар гал МТМларига борганимизда у ердаги жонфидо тарбиячию мудираларни кўриб, фақатгина уларга сабр-қаноат тилаймиз. Уларнинг ойлик учун эмас, кичкинтойларга бериладиган маънавий бойлик учун курашиб яшаётганликларига, нима қилиб бўлса ҳам, янгилик яратиш илинжида эканликларига қараб, боғча бугун ёзганимиз каби фалончию талончиларнинг эмас, фидойиларнинг ватани дегимиз келади. Ва айни дамда таъкидламоқчимизки, тилга олганимиз каби онда-сонда учраб турадиган боғча ходимларининг қилмишларини ёритиб, уларнинг минг заҳмат чекиб, меҳнат қилаётган ҳамкасбларининг ишларини чиппакка чиқармоқчи эмасмиз. Аксинча, орамизда шундайларнинг борлигидан огоҳ бўлиб, маърифат масканида маърифатсиз ходимларнинг фаолият юритишига йўл қўймасликка ундашдир. Зотан, болаларни тарбиялаш умумхалқ иши. Бу борада бефарқликка йўл қўйилса, бир-икки киши эмас, ҳамма бирдек айбдор бўлиши мумкин.

Мухтор БОБОЁРОВ,
Сирдарё вилоят прокуратурасининг умумий назорат бўлими прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси
Муҳаммад БЕКМУРЗАЕВ,
Сирдарё вилоят прокуратурасининг умумий назорат бўлими прокурори,
Насиба ЭРХОНОВА
«Ma’rifat» мухбири

Qonun va fuqaro

СУҒУРТА ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН

(41-мақола)

Суғурта деганда беихтиёр кишиларимиз, замондошларимиз хотираларида яқин ўтмишдаги “страхование”, аниқроғи “Госстрах” ёдга тушиши табиийдир. Аммо бугун вазият ўзгарди. Мустақил Ўзбекистон ташкил топди ва унинг ўз қонунлари шаклланмоқда, ҳуқуқий муносабатлар қарор топмоқда.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, суғурта муносабатлари ҳам бугун худди нон-сувдек кишилар ҳаётида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳаттоки, шунчаликка бориб етмоқдаки, суғурта суммасининг пули шахснинг асосий хизмат кўрсатадиган фаолиятига тўланадиган хизмат ҳақидан ҳам ошиб тушади. Яқиндагина машҳур футболчи Давор Шукернинг Украинанинг “Шахтёр” клубига амалга ошмаган трансфер қилинишида асосий тўсиқ айнан ана шу суғурта соҳасида муайян бир келишувга эришилмаганлиги туфайли юз берганлигидан газетхонларимиз хабардор бўлишса керак. Ҳа, суғурта муносабатлари ҳам кези келганда, нозик аҳамият касб этиши мумкин.

Суғурта муносабатлари мамлакатимизда бир талай қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Жумладан, мустақил диёримиздаги илк қонун — бу 1993 йилнинг 6 майида қабул қилинган “Суғурта тўғрисида”ги қонун эди. У 2002 йилнинг 5 апрелида “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши ва амалга киритилиши муносабати билан ўз кучини йўқотди. Энди қисқача ана шу қонун ҳақида.

Қонуннинг мақсади суғурта фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Қонунга кўра, суғурта деганда, юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берганда ушбу шахсларга шартномада белгиланган товон тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунилади. Дарвоқе, бу хил муносабатлар тарафлар имзолайдиган битта ҳужжат — суғурта шартномалари туфайли вужудга келади. Унда тарафлар муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилайдилар, ўзгартирадилар ёхуд бекор қиладилар.

Суғуртанинг бир неча хиллари мавжуд.

***Ҳаётни суғурта қилиш** — (жисмоний шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, меҳнат қобилияти ва пул таъминоти) билан боғлиқ манфаатларини суғурта қилиш. Бундай шартнома бўйича суғуртанинг энг кам муддати бир йилни ташкил этади. **Умумий суғурта** — шахсий, мулкий суғурта, жавобгарликни суғурта қилиш ҳамда ҳаётни суғурта қилиш соҳасига тааллуқли бўлмаган бошқа турлар. Суғурталовчилар, суғурта воситачилари (суғурта брокери, қайта суғурта брокери ва суғурта агенти) ҳамда бошқа юридик ҳамда жисмоний шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ, суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари ҳисобланадилар.*

Суғурталовчи ташкилотлар юридик шахс ҳисобланади. Улар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтадилар. Суғурта фаолияти лицензия талаб қиладиган фаолият турига киради.

Шуниси муҳимки, суғурталовчилар айрим таваккалчиликлар бўйича йўл қўйиладиган энг кўп миқдордан ва жами мажбуриятларнинг йўл қўйиладиган энг кўп миқдоридан ортиғини ўз зиммаларига олишлари мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлмиш суғурталовчилар мамлакатимиз ҳудудидан ташқарида ўз мажбуриятларини белгиланган тартибда қайта суғурта қилишга ҳақлидирлар.

Суғурта муносабатларида ҳам сирлар сақланади. Ҳисоб варақларидаги пул қолдиқлари ва умумий сумма ҳақидаги маълумотлар ошкор қилиниши мумкин эмас.

Қонун чет эл суғурта ташкилотларининг Ўзбекистондаги фаолиятига ҳам йўл қўяди. Яъни, чет эл суғурта компаниялари ҳам Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суғурта ташкилотларининг муассислари бўлиши мумкин. Масалан, “ЎзАИГинтернейшнл” суғурта компанияси Америка билан ҳамкорликда ташкил қилинганлигини айтиш мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистон бозорида тахминан йигирматача суғурта компаниялари мавжуд. “Кафолат”, “Ўзагросуғурта” маҳаллий компаниялари фаолиятини кўпчилик эътироф этмоқда. Аммо, суғурта компанияларининг фаолияти бўйича кенг аҳоли орасида ижобий тушунча унчалик шаклланмаган.

Миродил БАРАТОВ,
Шоира ЮЛДАШЕВА

ШОГИРДЛАР ҚАЛБИДА МАНГУ ЯШАЙСИЗ!

Xotira



Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 4-мактаб она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Нажим Расулов (1-мактаб), Абдулла Шарипов (28-мактаб), Ғофур Азимов (24-мактаб), Маликахон Иноғомоваларни (249-мактаб) ҳар гал ёдга олганимда, уларнинг ўз касбининг моҳир усталари бўлиш билан бирга, ўткир ақл-заковати, чуқур билими, шогирд учун эса ўта мурувватли эканликларини ҳис этаман.

Уларнинг ҳар бир дарслари ҳамма вақт жонли, кўргазмали, ҳаёт билан ҳамнафас, янгиликлар билан янада мукаммаллашган, ўқувчиларнинг фаол иштирокида ўтар эди. Ўқувчилар эса сира зерикмай, машғулотлардан баҳраманд бўлиб, кейинги дарсларни орзиқиб кутардилар. Улар дарс берган синфларда ўқувчиларнинг билим даражаси юқори бўлиши билан бирга барча учун очиқ деб белгиланган эди.

Ўзларининг ишчанликлари ва ташкилотчиликлари билан республика, шаҳар, туман тил ва адабиёт ўқитувчилари ўртасида, педагогик жамоа орасида, маҳаллада катта обрў эътибор қозонган эдилар.

Ёдимда, навбатдаги анъанавий “Навоийхонлик” кечасини Ғофур ака Азимов ишлаётган Маннон Уйғур номидаги 22-мактабда ўтказишни режалаштириш тўғрисида маслаҳатлашгани устоз олдига келдим. Дарснинг тамом бўлишини кутиб қўнғироққа бир неча дақиқа қолганда синф хонасининг эшиги олдида кутиб турдим. Танаффусга қўнғироқ чалинди, аммо синф сув қуйгандек жим, дарс ҳали давом этарди. Ўқитувчи дарсни шундай юксак маҳорат билан ўтар эдики, ҳатто дарс тамом бўлганини ўқувчилар ҳам сезмай қолар эдилар. Ана шундай ҳолатда синф хонасининг ташқарисида устозни кутган вақтларим бир неча бор такрорланган. Устоз барчага ширинсуханлик билан муомала қилар, ҳатто ўқувчиларни ҳам сизлаб гапирар, ҳаммага “азизим” деб мурожаат қиларди.

Юқоридаги каби таърифларни устозларим — Абдулла Шарипов, Нажим Расулов ҳамда Маликахон Иноғомовалар ҳаёт йўлларига ҳам берсак, асло хато бўлмайди. Зеро, улар ўз ўгитлари билан қанча-қанча шогирдлар қалбида чуқур из қолдирган.

Мукамбар АЗИМОВА,
Ўзбекистон халқ таълими аълочиси,
РТМ Маънавий-маърифий ишлар бўлими бош методисти

ЎЗ КАСБИНИНГ ФИДОЙИСИ

Орамизда бутун умрини ёшлар таълим-тарбиясига бахшида этган, уларни комилликка етаклаган меҳри уммон, қалби пок устоз-мураббийлар талайгина. Улар “Ҳаётнинг мазмуни — кишиларга яхшилик, эзгулик уруғларини тарқатишдан иборат”, деган ақидага амал қилиб келадилар. Шундай инсонлар сирасига мен фахр билан устозимиз Матлуба опа Миртурсуновани ҳам қўшган бўлардим.

Матлуба опа бошланғич маълумотни Глиер номидаги мусиқа мактабида олиб, 1967 йилда ўқишни пойтахтимиздаги 81-мактабда давом эттирди. Мактабда таҳсил олган кезларида Матлуба опа физика фанига алоҳида меҳр қўйди ва ушбу фан бўйича ўтказилган турли танлов, фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этди. Ўрта мактабни аъло баҳолар билан тамомлагач, таҳсилни Ўзбекистон Миллий университети (аввалги Тошкент давлат университети) нинг физика-математика факультетида давом эттирди ва олий ўқув юртини ҳам имтиёзли якунлади.

Матлуба опа Миртурсунова иш-фаолиятини Тошкент шаҳридаги 144-мактабда физика фани ўқитувчилигидан бошлади. Умумтаълим мактабидаги 19 йиллик фаолияти давомида устоз юзлаб шогирдлар етиштирди. Тажрибали ва изланувчан мураббий жамоадошлари орасида алоҳида эътиборга ва шогирдларининг эҳтиромига сазовор бўлди. 1998 йилда мамлакатимизда янги турдаги таълим муассасалари — академик лицейлар ташкил этила бошланди ва мураббий ўз фаолиятини ЎзДЖТУ қошидаги академик лицейда давом эттирди.

Матлуба опа ҳар бир машғулотни ўтишга ўқувчилар олдига кириш учун алоҳида тараддуд кўради. Уларни дарс мавзусига қизиқтириш йўлларини излайди ва янгидан-янги ноанъанавий усулларни қўллайди. Шу билан бирга, дарс пайтида ўқувчиларидан фаолликни талаб этади. Ўз ўрнида, ўқитувчимиз ҳамкасблари билан тинимсиз мулоқотда бўлиб, ўз билим ва малакасини ошириб боради. У 2001 йилда Жанубий Кореяда малака ошириш билан бирга, ўқувчиларига турли хорижий ўқув ускуналари ҳамда методик қўлланмалар ҳам келтирди.

Илк йилларда академик лицейда таҳсил олган Матлуба опанинг кўпгина ўқувчилари айни пайтда мамлакатимиз ва хориждаги нуфузли олий ўқув юртларида билим олаётганлиги мураббийнинг қувончига-қувонч қўшади.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
академик лицей ўқувчиси

ИЛМ КАМОЛОТГА БОШЛАЙДИ

Марказий Осиё халқ академиясининг академиги, биология фанлари доктори, профессор Аловиддин Ҳамроев ёшлигиданоқ қишлоқ хўжалигига қизиқиб, шу соҳани чуқур ўрганиш мақсадида Тошкент қишлоқ хўжалик институтига (ҳозирги Тошкент давлат аграр университети) ўқишга кирди. Бўлажак олимни энтомология фани ниҳоятда қизиқтиргани боис, кейинчалик бутун умрини шу фаннинг ривожланишига сарфлашга аҳд қилди.

Институтни битиргач, Аловиддин Ҳамроев “Энтомология ва зоология” кафедрасида дастлаб кичик илмий ходим, кейинчалик ассистент лавозимларида ишлаб, малака оширди, ўқишни аспирантурада давом эттирди. Бу даврда олим турли заркунанда ҳашаротлар устида иш олиб борди. Доимий кузатишлар, тадқиқотлар самарасиз кетмади — олим 1967 йилда “Нўхат зараркунандалари ва Ўзбекистон ғарбий-жанубида уларга қарши кураш чоралари” мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлади.

Олим фақат илмий изланишлар билан чекланиб қолмади. У номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилгач, ўз соҳасининг билимдони сифатида Тошкент қишлоқ хўжалик институтида талабаларга дарс бера бошлади.

Аловиддин Ҳамроев 1992 йилда “Ғўза агробиоценози энтомокомплексларининг (фитофаглар, энтомофаглар) шаклланиши, функцияланиши ва уларни биологик асосларини бошқаришни такомиллаштириш” мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилиб, биология фанлари доктори илмий даражасига эришди. Олим олийгоҳнинг илмий-ташкилий жараёнида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Жумладан, унинг раҳбарлигида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ва олий ўқув юртларида кенг жорий қилинган 14 та тавсиянома, 10 дан ортиқ ўқув ва услубий қўлланмалар ишлаб чиқилди. Умуман олганда, олим томонидан бугунга қадар 315 та мақола чоп этилди. АҚШ, Исроил ва яна кўплаб ривожланган давлатлар матбуот нашрларида босилган мақолалари ҳам мавжудки, улар чет эл мутахассислари томонидан ҳам юқори баҳоланган.

А.Ҳамроев айни пайтда “Бакалавируслардан фойдаланган ҳолда Ўзбекистонда пестицид технологиясини ишлаб чиқиш”, “Марказий Осиё маданий меросига таҳлика солувчи Туркистон термитига қарши кураш стратегиясини ишлаб чиқиш”, “Умуртқасиз зараркунандаларга қарши экологик хавфсиз восита ва технологияларни ишлаб чиқиш” муаммолари устида ишламоқда. Шу билан бир қаторда забардаст олим, биология фанининг билимдони, жонкуяр педагог А.Ҳамроев талабаларга дарс бериб, келажак авлод тарбиясига аҳамият бериб келаяпти.

Беҳзод БОЗОРОВ

ЁШЛАР ТАҚДИРИ УЧУН БУГУН ҚАНЧАЛИК КЎП ҚАЙҒУРСАК,

эртага у шунчалик катта самара келтиради

Республика Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мазкур комиссия аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Хоразм вилоятлари ҳокимлари ўринбосарлари — комиссия раислари, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Хоразм вилоятлари прокурорлари иштирок этган ушбу мажлисда мазкур ҳудудларда иқтидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш аҳволини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Бугун республикамизда фаолият кўрсатаётган 361 та иқтидорли ўқувчиларни ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб, лицей ва гимназияда 146 минг нафар, 2444 та умумтаълим мактабида эса 756 минг нафар ўқувчи махсус ўқув дастурлари асосида таълим олишмоқда.

Кейинги 5 йилда 60 дан ортиқ ўқувчи АҚШ, Россия, Германия ва бошқа давлатларда халқаро фан олимпиадаларида иштирок этиб, 10 та олтин, 13 та кумуш, 35 та бронза медалини қўлга киритдилар.

Адабиёт, санъат, фан, таълим, маданият ва бошқа йўналишларда юқори натижаларга эришган 33 нафар мактаб ўқувчиси Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиби бўлиб, олий ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилиндилар.

Йиғилишдан келиб чиққан ҳолда, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси ҳақида тўхталадиган бўлсак, республикада ташкил этилган "Прогресс" тиллар ўрганиш марказида эътиборга лойиқ ютуқлар қўлга киритилмоқда. Айниқса, Бизнес мактаби, Бошланғич синф гимназияси, тил ўрганиш маркази ва "Шиғис" ёшлар клуби муваффақиятли фаолият кўрсатиб келмоқда.

Қишлоқдаги вояга етмаганлар орасида спортни ривожлантириш ва мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Бунинг самараси ўлароқ, биргина Мўйноқ тумани мактаб ўқувчилари Республика спорт мусобақаларида муваффақиятли иштирок этмоқдалар.

Шунингдек, Нукус шаҳар комиссияси томонидан миллий қадриятларни ўқувчилар онгига сингдиришда музейлар имкониятидан самарали фойдаланилаётган бўлса, Қўнғирот тумани комиссияси ва прокуратураси ота-онасиз қолган болаларни тарбиялаш учун оилага қайтариш бўйича ибратли ишларни амалга оширмоқдалар.

Йиғилишда эътибор қаратилган Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳам ҳар ойда "Мактаблар куни" ўтказиб, ўқув муассасалари аҳволи олдиндан жойларда ўрганилиб, мавжуд камчиликлар бартараф этилмоқда.

Ғиждувон тумани "Гаждумак" қишлоғидаги француз тилини чуқур ўргатишга мўлжалланган 62-мактаб-интернати Франция элчихонаси билан ҳамкорликда 8 нафар ўқувчисини хорижда ўқитмоқда. Ўтган йили мактаб битирувчиларининг деярли 100 фоизи олий ўқув юртларига ўқишга киришган.

Қорақўл тумани "Мирзақалъа" қишлоғида яшовчи Юсуповлар хонадонида эса "Қишлоқ ёшларини соғломлаштириш спорт мажмуаси" ташкил этилиб, унда 500 нафардан ортиқ ёшлар турли спорт машғулотларига жалб этилган.

Вилоят комиссияси, прокуратураси ва мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти билан ҳамкорликда яратилган тарбияси оғир вояга етмаган ёшлар билан ишлаш ва болалар спортини ривожлантиришга оид ўқув машғулотларини акс эттирувчи компакт-дисклардан ҳам жойларда унумли фойдаланилмоқда.

Ва ниҳоят Хоразм вилоятида "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари юқори савияда ўтказилиб, ёшларга замонавий иншоотларда спорт билан шуғулланиш учун қулай шароитлар яратилди.

Урганч шаҳрида халқ таълими бошқармаси билан вилоят илмий универсал кутубхонаси ҳамкорликда ўқувчилар учун интернет тизимидан бепул фойдаланиш имконияти яратилди.

Шу билан биргаликда, йиғилишда иқтидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни ғайри ижтимоий фаолиятга жалб этувчиларга нисбатан қонуний чоралар қўлланилиши борасида қатор камчиликлар ва нуқсонлар ўрин олганлиги ҳам таъкидлаб ўтилди. Ва фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш, иш фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги комиссиялар раислари учун курслар ташкил қилиш ҳақида ҳам келишиб олинди.

МУХБИРИМИЗ

Доно халқимизнинг бир ҳикматли сўзи бор: "Юрган дарё, ўтирган бўйра". Орамизда дунё кезган, ўзга халқлар яшаш тарзини ўрганиб қайтаётган ҳамюртларимиз кўп. Шулардан бири Тошкент давлат аграр университетининг доценти Баҳодир Отабоевдир. Шунчаки саёҳатчи сифатида бориш эмас, балки ўша мамлакатларнинг таълимдаги тажрибасини ўрганиш муҳим, дейди у киши.

Баҳодир Отабоев яқинда Голландия сафаридан қайтди. Кўз олдидан бу мамлакат манзаралари узоқлашиб кетгани йўқ. Минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал. Кўрган кишининг таассуротларига қулоқ тутиш, ҳар қалай кишига маълум тасаввурларни беради:

— Бизга "Ta'sis-tempus" дастури бўйича Голландиянинг Вагенинген университетига бориш насиб этди. Бу даргоҳнинг тарихи 1876 йилдан бошланаркан. Дастлаб қишлоқ хўжалик мактаби сифатида иш бошлаган таълим маскани кейинчалик, яъни 1918 йилда университетга айлантирилган. Ҳозирги вақтга келиб, университет ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини, агротехнологияларни, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнини, шунингдек, ижтимоий-сиёсий фанларни ўрганиш бўйича етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Жами 7 минг киши меҳнат қилаётган ушбу университетда 2 минг киши алоҳида ҳурмат-эътиборга сазовордир: улар илмий тадқиқот ишларини олиб бораётган ўқитувчи кадрлар. Азал-азалдан бу шаҳарчани олимлар макони дейишар экан. Аҳолисининг деярли 65-70 фоизи ўз интеллектуал салоҳиятини намоён этиб яшаётган зиёлилар экан. Университетдан ташқари бу ерда 5 та илмий-тадқиқот институти, 1000 гектар ерда тажриба экин майдони, 650 та ўқув ва илмий бино, илмий тажриба ўтказиш учун 200 та иссиқхона мавжуд. Шуниси диққатга сазоворки, университет ва илмий текшириш институтлари яхлит муассаса шаклида фаолият кўрсатади. Биргаликдаги ва ҳамкорликдаги дастурлар олимлар учун соғлом рақобат муҳитини вужудга келтиради.

Иш ҳажми ва миқдори қандай белгиланганига қизиққанимизда, 40 фоизи дарс беришга, 40 фоизи илмий тадқиқот билан шуғулланишга, 20 фоизи бошқарув ва менежментга кетишини билдик. Барча ўқитувчилар "порт тайм", бизнинг тилда эса ярим ставкада ишлайдилар. Қолган ярми эса олимлик лавозими билан боғлиқ. 6000 талаба илм эгаллаётган Вагенинген университети уларни бакалавриатнинг 16 та йўналиши, магистратуранинг 27 та мутахассислиги бўйича етук кадр қилиб тарбиялайди. Голландия Англия-Америка (икки босқичли — бакалавриат, магистратура) ўқув тизимини қўллайдиган мамлакат. Шу билан бирга уни янги услуб ва усуллар билан бойитиб ҳам келмоқда. Масалан, бакалавриат 3 йилга мўлжалланган бўлиб, Голландия тилида ўтилади. Аммо баъзи ўқув фанлари 2-курсдан бошлаб инглиз тилида бўлади. Магистратурада ўқитиш тўлиқ инглиз тилида. Шуни айтиб ўтиш лозимки, университетда жуда кўп хорижий талаба ва аспирантлар таҳсил олишади. Бу ерда битта факультет мавжуд. У ўз навбатида 5 бўлимдан иборат бўлиб, турли йўналишларга ажратилади.

Ўрта мактабни тугатиб, абитуриентлар олий ўқув юртига кириш учун ҳужжатлар топширади. Кириш имтиҳонлари ўтказилмайди, чунки Голландияда Олий ўқув юртларига талабаларни қабул қилиш режаси йўқ. Абитуриент ўрта мактабни тугатганлиги ҳақидаги ҳужжатини топшириб, ўқиш учун бир йилга 1400 евро тўлайди, холос. Ўз навбатида Голландия ҳукумати ҳар бир талабанинг биринчи йили ўқиши учун олий ўқув юртига 400 евро, охирги йили ўқиши учун 20 минг евро тўлайди. Бу пуллар асосан янги ўқув жиҳозларини олишга сарфланади. Бундан ташқари, моддий ёрдам сифатида ҳар бир талаба ҳукуматдан бевосита 250 евро олади. 80 фоиз бакалаврлар магистратурада ўқишини давом эттиради ва халқаро илмий ташкилотлар томонидан бериладиган молиявий ёрдамдан фойдаланишга ҳаракат қилишади. Масалан, магистр ўқиши учун бир йилга 5000 евро тўлайди, давлатдан эса ҳар ойига 400 евро олади. Кам таъминланган оилалар учун имтиёзли кредит тизими мавжуд. Ўз вақтида ўқишни тугата олмаган бакалавр ва магистрлар кредитдан фойдаланишлари мумкин. Имтиҳон топшира олмаган талаба уни янги семестрда ёки ўқув йилининг охирида топширишга ҳақли.

Талабалар ҳар қандай ҳолатда ҳам ўқишдан ҳайдалмайди. Чунки бу ҳол юз берганда, талаба давлатдан ҳар ойда олган 250 евроні қайтариб бериши лозим. Талаба маълум миқдордаги кредит соатларини йиға олмаса, у янги ўқув босқичига ўтмайди. Университет бошқарувчилари уч кишидан иборат: президент, вице-президент ва ректор. Президент бошқарувнинг умумий масалалари, вице-президент эса ўқув жараёни билан шуғулланади. Беш бўлимда фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларнинг бири декан лавозимида ишлайди. Лекин деканлар маъмурий масалалар билан эмас, балки ўқув ишлари билан шуғулланишади. Ҳар бир босқичнинг ўз куратори тайинланади. У ҳар бир талаба билан йил давомида 3-4 марта суҳбат ўтказади. Суҳбатда куратор мажбурий ва танлаб ўқитиладиган фанлар рўйхатини аниқлайди, уларни ўзлаштириш масаласида маслаҳат беради.

Олий ўқув юртига киргандан кейин талаба ногиш, яъни шифр олади. Талабаларни рўйхатдан ўтказиш бўлими ўқишни ташкил этиш ва хорижий талабалар билан боғлиқ масалаларга қизиқади.

Голландияда талабанинг имтиҳон дафтарчаси йўқ. Ўқиш мониторингининг автоматик компьютер тизими мавжуд. Ўқитувчи ёки маъмурий ходим ногиш (шифр) асосида талабага тегишли барча маълумотларни, яъни расмини, турар манзилини, фанлардан олган баҳоларини топиб олади. Бир йилда талаба 10 тагача фанни ўқийди. Ҳар бир фан бўйича имтиҳон топширади. Голландияда ўқиш 5 даврга бўлинади. Биринчи тўртта давр 8 ҳафтадан, охирги бешинчи давр 10 ҳафтадан иборат. Шундай қилиб талаба бир йилда 42 ҳафта ўқийди. Бу эса 294 кунни ташкил қилади, у қолган 65 кун мобайнида дам олади. Шуни айтиб ўтиш лозимки, ўқиш ҳафтасига 5 кунлик.

Ўрта ўқув юклама бир йилда 1600 соатни ташкил қилади. Шулардан ярми аудиторияда ўтилаётган ўқув соати, ярми эса имтиҳонга тайёрланиш, рефератларни текширишга қаратилган. 160 соати эса лекция, лаборатория машғулотлари ва дала амалиёти учун ажратилган. Агар талабалар ҳар бир ўқитувчи билан машғулотларни дала шароитида олиб борса, уларга бир суткада бу иш учун 12 соат ажратилади. Ҳар бир ўқитувчига 5 йилда бир марта илмий таътил берилади. Унинг давомийлиги ярим йилдан 1 йилгача чўзилиб, дунёнинг энг яхши университетларида ўтказилади. Илмий таътил харажатлари университет ҳисобидан қопланади. Хорижий талабалар ўқиш учун тўловларни халқаро грантлар ҳисобига олишга ҳаракат қилишади. Масалан, иқтисодиёт факультетида ўқиш учун 8 та чет эл грантларига турли мамлакатлардан 200 аппликацион ҳужжатлар тушади. Бошқача қилиб айтганда, бир ўринга 25 киши даъвогар бўлиши мумкин. Даъвогар бўлиш учун инглиз тилидан "ТОЭФЛ" халқаро сертификати бўлиши шарт.

Бундан ташқари, мутахассислик бўйича бир ёки икки йил иш стажи бўлиши лозим. Ўқитувчиларнинг таъкидлашича, Хитой ва Вьетнамдан келган ўқувчилар энг яхши кўрсаткичларга эга. Шу туфайли Вагенинген олимлари илмий лойиҳалар бўйича ўша мамлакатлар билан кўпроқ иш олиб бормоқда. Голландияда ўқитиш бўйича яхлит таълим стандарти йўқ. Ҳар бир олий ўқув юрти ўз стандартларини ташкил қилган. Шу билан бирга баъзи фанлар, хусусан, биология бўйича университетлараро методологик кенгаш мавжуд бўлиб, у таълим билан боғлиқ муаммоларни ўрганади. Ҳар беш йилда университет олий таълим вазирлигининг аттестациясидан ўтади. Вазирликдан ташқари олий ўқув юртлари ректорлари ассоциацияси мавжуд. Улар таълим билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишади.

Моддий манфаатдорлик олимлар ишида ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Иш вақтлари жуда ҳисобли бўлган олимларнинг қабулига кириш ва суҳбатлашиш учун электрон почта орқали махсус рухсатнома, яъни, аппойтент олиш керак. Вагенинген университети талабаси иккинчи курсдан бошлаб ўзининг илмий мавзусини билади ва магистратурага кирганда, ўзининг номзодлик диссертацияси йўналишини белгилаб олади. Бу ерда изчил таълим тизими мавжуд. Бакалавр талаба катта реферат билан ўқишни тугатса, магистрлик диссертация ёзади. Номзодлик бўйича диссертация ёзиш тизими эътиборга лойиқдир. Аспирант 4 йил ичида диссертацияни ёзиб, ҳимояга тақдим этиши керак.

Диссертация ёзиш қўмитаси уч нафар профессордан иборат. Улар аспирант билан суҳбат ўтказиб, иш билан танишади ва ижобий, салбий хулосасини билдиради. Шундан сўнг унга фанлар номзоди дипломини университетнинг ўзидаёқ ёзиб беришади. Уларда олий аттестация комиссияси йўқ. Ҳар йили аспирантурага 220 нафар киши қабул қилинади. Шулардан ярми чет эл фуқароларидир. Диссертация ёзилиб бўлгач, 100 донаси типографияда чиқарилиб, 50 донаси кутубхонага топширилади. Аспирант ҳимоя олдидан худди биздаги сингари 5-6 та мақола эълон қилган бўлиши лозим. Чет эл журналларида чиқарилган мақолалар кўпроқ аҳамиятга эга.

Умуман, Голландия олий таълим тизимини ўрганиш биз учун фойдадан холи бўлгани йўқ, деб ўйлайман.

Суҳбатни Ҳ.ТЎЙМАНОВА ёзиб олди.

Xorijda ta'lim

ГОЛЛАНДИЯ ОЛИЙ ТАЪЛИМИ

унда бизникига ўхшаш ва фарқли жиҳатлар бор

СПОРТ БОРАСИДА ЭНГ ЯХШИ ОЛИЙГОҲ

Андижон давлат чет тиллар педагогика институтининг 2003-2004 йилларга мўлжалланган тадбирларига талабаёшларни спортга кенг миқёсда жалб қилиш, кўшни маҳалла болалари ўртасида футбол мусобақаларини ўтказиш бўйича ҳомийлик қилиш кўзда тутилган. Биргина шу йилнинг январ-март ойларида институтда вилоят халқ таълими бошқармаси билан 5-7 ва 8-11-синф ўқувчилари ўртасида "Умид ниҳоллари" ўйинларининг волейбол мусобақалари ўтказилиб, унда 300 га яқин ўқувчи фаол иштирок этди.

Белгиланган режаларни тўла-тўкис амалга татбиқ эта бориб, институтнинг 2 та стадиони, 2 спорт зали, теннис корти, тренажёрлар зали, кийим алмаштириш, душ, сауна ва бошқа ёрдамчи хоналари таъмирдан чиқарилди, керакли спорт анжомлари сотиб олинди. Талабалар, профессор-ўқитувчи ва ишчи ходимлар ўртасида спартакиадалар ўтказиш анъанага айланди. "Универсиада — 2000" дастуридаги спортнинг 12 туридан ўтказилган институт спартакиадасида 600 га яқин талабалар, профессор-ўқитувчи ва ходимлар қатнашган бўлса, "Универсиада — 2002" ўйинларининг биринчи босқичидаёқ 900 нафардан зиёд иштирокчи бўлганлиги спортнинг оммавийлиги кескин ошаётганлигидан далолат беради.

Наманганда бўлиб ўтган "Универсиада — 2000" республика финал мусобақаларида институт вакиллари спортнинг 4 тури бўйича 19 нафар иштирокчи билан қатнашиб, теннис бўйича 2 та кумуш, 3 та бронза медал соҳиби бўлган эдилар. Ўтган йили Бухорода ўтказилган худди шундай республика мусобақаларида спортнинг 8 турида 26 нафар талаба иштирок этиб, стол теннисидан 1 та кумуш, теннис, сузиш бўйича 5 та бронза медали олишга эришилди. Универсиада мусобақаларида муваффақиятли қатнашаётганликлари ҳамда жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланишига катта ҳисса қўшаётганликлари эътиборга олиниб, 2001-2002 йиллар якуни бўйича институт вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси томонидан энг яхши олий ўқув юрти деб топилди.

Шу кунларда эса "Универсиада — 2004" ўйинларининг биринчи босқичида ўқув гуруҳлари, курслар ўртасида спортнинг 12 туридан ўтказилаётган мусобақалар юқори савияда ўтмоқда. Институтнинг спорт тўгараклари 400 нафарга яқин талаба жалб этилган. "Талаба" спорт соғломлаштириш клуби самарали фаолият кўрсатмоқда. "Алпомиш" ва "Барчиной" нишондорларини тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Зеро, "Соғлом авлод" дастурини тўла амалга ошириш, талаба-ёшларда спортни кундалик эҳтиёжга айлантириш бўйича қилинажак ишлар институт раҳбария-тининг доимий диққат-эътиборида бўлиб қолаверади.

О.СИДДИҚОВ

СПОРТ ХАБАРЛАРИ

Самарқанд вилояти спорт қўмитаси қошидаги Олий маҳорат спорт мактаби кураш залида "Обод маҳалла" йилига бағишлаб, 1988-90 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида эркин кураш бўйича I Республика Олимпия заҳиралари коллежлари очиқ биринчилиги учун мусобақа бўлиб ўтди.

Ушбу мусобақада Булунғур тумани, Каттақўрғон шаҳри, Самарқанд шаҳридаги 2-болалар-ўсмирлар спорт мактаби ва Олимпия заҳиралари коллежидан келган 100 нафарга яқин эркин курашчилар ғолиблик учун гиламга чиқдилар.

Ғолиб ва совриндорларга Самарқанд вилояти юнон-рум ва эркин кураш федерацияси раиси Эркин Иброҳимов уюшма томонидан таъсис этилган қимматбаҳо эсдалик совғалар, фахрий ёрлиқларни топширди.

ШАШКАЧИЛАР ХАЛҚАРО МИҚЁСДА

Қримда 20 ёшгача бўлган шашкачилар ўртасида Жаҳон биринчилиги бўлиб ўтди. Мусобақада Болтиқбўйи, Европа, Украина, Россиядан 22 нафар шашкачилар баҳс юритдилар. Ушбу мусобақада Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги шахмат-шашка спорт мактаби тарбияланувчиси, Самарқанд Давлат чет тиллар олийгоҳи талабаси Зокир Субҳонқулов ҳам иштирок этиб, 5-ўринни эгаллади ва хал-қаро спорт устаси талабини бажарди.

Айнан шу шахмат-шашка мактабининг тарбияланувчиси Иброҳим Ҳамроқулов 1998 йили Испанияда ёшлар ўртасида шахмат бўйича ўтказилган жаҳон биринчилигида ғолибликни қўлга киритганди. Халқаро миқёсдаги бундай мусобақаларда муносиб иштирок этиш мазкур мактаб тарбияланувчиларига одат тусига кирмоқда.

Зокир Субҳонқулов мусобақаларга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий М.Фозилов ва шахмат-шашка спорт мактабининг бош мураббийи, отаси Аҳмад Субҳонқуловлар ёрдамида шуғулланиб келмоқда.

М.АҲМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ

ОЛИЙ ҲАРБИЙ БОЖХОНА ИНСТИТУТИ

ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда илмий-педагогик иш стажига, илмий унвон ва илмий даражага эга иқтисодиёт, ҳуқуқшунослик, хорижий тиллар, информацион технологиялар бўйича юқори малакали мутахассис бўлган, ҳарбий ўқув юртида ишлай олиш салоҳияти ва истаги бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қатнашишлари мумкин.

Барча маълумотлар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 3-уй, Давлат божхона қўмитасининг кадрлар бошқармаси. Телефонлар: 120-76-31, 144-34-74.

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

Осиё тараққиёт банкининг кредити бўйича "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш" лойиҳаси доирасида қуйидаги махсус фанлар йўналишларида дарсликлар яратиш мақсадида муаллифлар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. Автомобил кузовини бўяш;
2. Тикувчилик ишлаб чиқариши;
3. Кимёвий тозалаш;
4. Электрон техникаси маҳсулотларини йиғиш;
5. Механик йиғиш ишлари;
6. Темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
7. Қора ва рангли металларни эритиш, қуйиш;
8. Трикотаж ишлаб чиқариш соҳаси;
9. Йигирув ишлаб чиқариш;
10. Саноат корхоналари жиҳозлари ва ускуналари;
11. Электр жиҳозлари ва тармоқларини ишлатиш;
12. Қишлоқ хўжалик машиналари ва жиҳозларидан фойдаланиш ва таъмирлаш;
13. Ўрмончилик;
14. Агрономия.

✓**Танлов натижасида мазмуни, халқаро даражадаги дизайн, иллюстрациялар ва ишлаб чиқариш стандартлари бўйича энг яхши деб танланган қўлёзмалар муаллифлари белгиланган тартибда рағбатлантирилади.**

❑ Қўлёзмаларни топшириш тартиблари, муддатлари, уларни баҳолаш мезонлари ва ўқув дастури стандартлари билан таништириш бўйича 2003 йил 11 июл куни соат 15.00 да Мустақиллик майдони 5-уй, 2-қаватдаги мажлислар залида брифинг бўлиб ўтади. Барча қўлёзмалар 2003 йил 15 октябр соат 17.00 гача Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази "Ўқув адабиётлари, ахборот ва таҳлил" бошқармасига тақдим этилиши шарт.

❑ Энг яхши деб тан олинган қўлёзмалар бўйича ғолиблар рўйхати 2003 йил ноябр ойида эълон қилинади.

❑ Баҳолаш мезонлари ва танлов талабларига жавоб берувчи қўлёзмалар нашриётлар орасида танлов ўтказиш асосида нашр этилади.

Юқорида кўрсатилган йўналишлар бўйича танловда қатнашиш истагини билдирган муаллифлардан Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази "Ўқув адабиётлари, ахборот ва таҳлил" бошқармасига (Мустақиллик майдони, 5-уй, телефонлар: 139-13-42, 139-13-77, 139-42-67, 139-41-67) мурожаат қилиши сўралади.

1990 йилда Бўстонлиқ туманидаги 40-ҳунар билим юрти томонидан Тастанбеков Абдубақат Алтанбекович номига берилган № 106410 рақамли ўрта махсус маълумот тўғрисидаги диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси вазирликнинг Маънавий ва маърифий ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Т.Султоновага отаси

Турсунхўжа отанинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

1-Тошкент педагогика билим юрти жамоаси билим юртининг психология ўқитувчиси

Муқаддас ПИРМЕТОВАнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Kimki biron sahroni obod qilsa yoki koriz qursa, yo yana biron bog‘ ko‘tartirsa, yoxud biron xarob bo‘lib yotgan yerni obod qilsa, birinchi yili undan hech narsa olmasinlar, ikkinchi yili raiyat roziligi bilan berganini olsinlar, uchinchi yili esa qonun-qoidaga muvofiq xiroj yig‘ilsin”.

O‘zbekning o‘y-fikrlari, ruhiyati, orzu-armonlarini sof o‘zbekona yo‘sinda ifodalab bergan, qadim tilimizning ko‘rku jozibasini “mana” deb ko‘rsatib bera oladigan asarlarimiz bo‘lsa, nur ustiga a’lo nur bo‘lar edi.

Ma'rifat

Ko‘ngil bitiklari

КИТОБ

Дунё илмин уммони китоб,
Билим, ҳикмат хирмони китоб.

Яхши китоб ақлни пешлар,
Тафаккур аҳлин нони китоб.

Кўп саволга жавоб топарсан,
Панду насиҳат кони китоб.

Ҳар сатридан зиё таралар,
Зукко қалблар иймони китоб.

Китоб қадрин билмаса киши,
Бир кун бўлар армони китоб.

Китобсиз туролмас Фидоий,
Содиқ дўсти, дармони китоб!

Шермуҳаммад ФИДОИЙ

ЮРАКЛАР СЎЗЛАСИН...

Кўзлар тўқнашса-да, улар алдамчи,
Сўзлар сўзлашса-да, улар алдамчи.
Ёлғондан йироқ сўз айтса бир томчи,
Юраклар сўзласин, фақат юраклар.

Кўздан нур кетганда кўрган дунёни,
Энг аввал, таърифлаб берган дунёни,
Зулматдан кўтариб чиққан зиёни,
Юраклар сўзласин, фақат юраклар.

Ҳақман деб, кўксига урганлар ҳақмас,
Қалблардан қалбгача унча йироқмас.
Пуфласа учгувчи бу бир чироқмас,
Юраклар сўзласин, фақат юраклар.

Ҳижроннинг юкини кўтарган улар,
Ишқ азобин тотиб, кўкарган улар,
Муҳаббати учун гуллар ундирар,
Юраклар сўзласин, фақат юраклар.

Қафасларда қолиб, оғриса жони,
Юз йил яшасаю, қолса армони,
Манзилга етказган улкан карвонни
Юраклар сўзласин, фақат юраклар.

Умаржон МАМАЖОНОВ,
Марҳамат туманидаги 19-мактаб ўқитувчиси



СИЗГА

Ялпизларнинг бўйларидек ифорлисиз,
Атиргулнинг ғунчасидек хуморлисиз.
Ишқингизда адо бўлдим беморлисиз,
Қош чимириб, қиё боқмай қўйдингиз-ку,
Дилим доғлаб, ағёрларим суйдингиз-ку!
Йўлларингиз пойлагувчи бир мен эдим,
Қалби қайноқ қорлар турмас қир мен эдим,
Қирқта қизга ечилмаган сир мен эдим,
Қош чимириб, қиё боқмай қўйдингиз-ку,
Дилим доғлаб, ағёрларим суйдингиз-ку!
Ойдинда ой сиз-ла ҳусн талашармиш,
Юзингизга юлдуздан хол ярашармиш,
Парилар ҳам бир суқланиб қарашармиш,
Қош чимириб, қиё боқмай қўйдингизку,
Дилим доғлаб, ағёрларим суйдингиз-ку!
Армонларим айтган билан адо бўлмас,
Сулувларнинг ситами кўп садо бўлмас,
Муҳаббатда Аҳмаддайин гадо бўлмас,
Қош чимириб, қиё боқмай қўйдингиз-ку,
Дилим доғлаб, ағёрларим суйдингиз-ку...

Аҳмад ТОШТОЕВ

ТЎРТЛИКЛАР

Бургутнинг оши чумоли учун текин,
Ҳечам калхат ризқини чумчуқ ололмас.
Кураш давом этади азалдан, лекин,
Доно булбул лочинга қул бўлиб қолмас.

* * *

Эрк берган бахтимни сўйлаб яшайман,
Элу юрт тақдирин ўйлаб яшайман.
Ҳатто лозим бўлса жон нисор этиб,
Мангу ҳақиқатни куйлаб яшайман.

Расул МУРОД,
Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти талабаси

ГЎЗАЛЛИК ФАСЛИ

Кунлар аста-секин узайиб борар,
Менда ҳам очилар иккинчи нафас.
Қишнинг қаҳратони йўқолар, йитар,
Бу янги баҳорга қилурман ҳавас...

Атрофга ташлайман умидли нигоҳ,
Толе нурларини таратар қуёш.
Исён туйғулардан бўласанг гар огоҳ,
Руҳингга эрурсан ҳақиқий фаррош.

Булбул ҳам ўзгача қиладур нола,
Нигоҳим эркалар гулнинг ёноғин.
Баланд тоғдан оқиб тушган шалола,
Эшита олмайди шоирнинг оҳин.

Юракнинг тубида авж олиб ёлқин
Бутун вужудимни олади қамраб.
О, баҳор, бўлмасанг бунчалик ёркин,
Бунча гўзалликни олибсан қайдан!

Тоҳир РЎЗИБОЕВ,
Тўрткўл туманидаги 64-мактаб ўқитувчиси

СОҲИБҚИРОНИНГ КЕЧИРИМЛИЛИК СИФАТЛАРИ ВА БУНЁДКОРЛИК ФАОЛИЯТИ

Амир Темурнинг ибратга лойиқ шахсий фазилатлари ниҳоятда бисёр. Улар орасида энг олийжаноби унинг кечиримлилигидир.

Мисол тариқасида қуйидаги маълумотни келтириш мумкин. 1362 йили Марв яқинида Амир Темур Алибек исмли бир туркман қўлида 62 кун асирликда ётади. Кейинчалик, тахт тепасига чиққанида бу бек унинг қўлига тушади. Аммо ҳузурига бош эгиб, тавба қилган кишиларни афв қилишга одатланган Соҳибқирон нафақат унинг гуноҳидан кечади, балки бошдан оёқ сарпо бериб, юқори лавозимга тайинлайди. Лекин шунга қарамай, Алибек Амир Темур ишончини оқламайди ва унга хиёнат қилади. Қўлга тушгач эса, у яна тавба қилиб кечирим сўрайди. Унинг гуноҳидан ўтилади. Ҳаттоки, учинчи хиёнатидан сўнг ҳам Амир Темур Алибекни фақатгина саройдан қувиб чиқаради ва у ўзининг шахсий душманлари билан бўлган жанжалда ҳалок бўлади.

Амир Темур яна ўзининг ниҳоятда адолатпешалиги билан ҳам ажралиб турган. "Куч адолатда" деган ибора унинг ҳаётий шиори бўлганлиги ҳам бежиз эмас. Шунга биноан у мамлакатини фақатгина қонун асосида бошқарди. "Давлат ишларини, — дейди у, — салтанат қонун-қоидаларига асосланган ҳолда бошқардим. Тўра ва тузукка таяниб, салтанатда ўз мартаба ва мақомимни мустаҳкам сақлаб турдим". Бундан ташқари, йиғин жараёнида ҳам адолат тизимига қатъиян таяниб келинган. "Яна амр этдимки, — дейди у, — кимки бирон саҳрони обод қилса ёки кориз қурса, ё яна бирон боғ кўтартирса ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили эса қонун-қоидага мувофиқ хирож йиғилсин". Амир Темур солиқ тизимини ай-ни шундай адолатли тартибга солиш йўли билан юртининг иқтисодиётини юқори босқичга кўтара олди.

Амир Темурда яратувчанлик ва бунёдкорлик хусусиятлари ниҳоятда юксак эди. Тарихчи Шарафуддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур "Ободончиликка ярайдиган бирор қарич ернинг зое бўлишини раво кўрмасди". У айниқса, пойтахт Самарқанд шаҳрининг шон-шуҳратини оширишга зўр эътибор берди. Бу ерда Кўксарой, Бибихоним масжиди, Шоҳизинда мақбараси ва Гўри Амир сингари ҳашаматли меъморчилик бинолари қурилди. Унинг атрофида Боғи Чинор, Боғи Шамол, Боғи Дилкушо, Боғи Беҳишт, Боғи Нав сингари ажойиб боғлар ҳамда майда қишлоқлар барпо этилган.

Шу тариқа Самарқанд Амир Темур империясининг йирик сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази сифатида донғи оламга таралди. Шу боисдан Самарқанд "Сайқали рўйи замин аст — бутун ер юзининг ҳусни", деб таърифланади.

Хулоса шуки, бу қўҳна дунё жуда кўп жаҳонгирларни кўрган. Амир Темурнинг улардан фарқи шундаки, у умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлган. Унинг "Қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим", деган сўзлари бунёдкорлик, яратувчанлик фаолиятининг тасдиғидир.

Дилноза АКБАРОВА,
Тошкент давлат шарқшунослик институтининг 3-курс талабаси

ЖАНРЛАР ВА БОЛАЛАР АДАБИЁТИ

Тарбия жараёнида адабиёт маънавиятнинг пойдевори, таянчи ҳисобланади.

Болалар адабиётининг бир қатор ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Уларнинг бошида ҳеч шубҳасиз, маърифий жиҳат туради. Ҳар қандай адабиёт сингари, болалар адабиёти ҳам дастлабки ахборотни беради. Бу хусусият болалар адабиётига алоқадор бўлган барча жанрларга бир хилда дахлдор. Эртак ва афсоналар, шеър ва ҳикоялар, қисса ва достонларнинг барча-барчасига шу хислат тегишли. Биргина мисол сифатида болалар орасида кўп қўлланадиган топишмоқ жанрини олайлик. "Ахборот бериш" функцияси бу жанрга ҳам хос:

Узун-узун қиз келди,
Бўйи узун қиз келди.

Табиийки, бола бу топишмоқнинг жавобини айтиш учун унинг таркибидаги "маълумотларни" англаб етиши шарт. Мазкур маълумотлар нималарда иборат?

1. Ҳажм ёки шаклга оид белги (узун-узун);
2. Предметнинг ҳаракати ёки ҳолатига оид белги (келди);
3. Сўзловчининг объектив муносабати: ижобий ёки салбий томонлари (бўйи узун қиз).

Ана шу белгилар бола тасаввурида реалликка айланади ҳамда у топишмоқнинг жавобини билиб олади.

Жанрнинг яна бир асосий хусусияти унинг тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги билан белгиланади. Аммо бу болалар адабиёти фақат жанр ва ўгитлардангина иборат бўлиши керак, дегани эмас. Биздаги болалар адабиёти туркумининг салмоқли қисмини хорижий адибларнинг асарлари ташкил этади. Албатта, болаларимизнинг жаҳон адабиётидан, жаҳон адабиётининг энг сара дурдоналаридан баҳраманд бўлишлари фақат ва фақат фойдали машғулотдир. Аммо бугун миллий мустақиллигимиз, мустақиллигимиз мафкураси, баркамол авлодларга миллий қадриятлар ҳақида гапирганимизда, ўзбекнинг ўй-фикрлари, руҳияти, орзу-армонларини соф ўзбекона йўсинда ифодалаб берган, қадим тилимизнинг кўрку жозибасини "мана" деб кўрсатиб бера оладиган асарларимиз бўлса, нур устига аъло нур бўлар эди.

Мунира ТЎРАЕВА,
Низомий номидаги ТДПУ 1-курс магистранти

«ПАНТАМИМО» КРОССВОРДИ



ЭНИГА. 1. Туркистоннинг ўрта асрларда аталиши. 6. Ҳ.Бойқаро бошқарган давлат. 11. М.Улуғбек онасининг исми. 19. Қорақалпоғистон чўллари. 22. Хавфли касаллик. 23. Бирор иш-ҳаракатнинг имконият йўли. 26. Рақсга бой байрам тадбири. 28. Миллий мусиқа асбоби. 29. Хазина. 31. Тайёргарлик кўриш. 32. Фитратнинг тарихий драмаси. 33. А.Навоийга берилган лавозим. 34. Самарқанд шаҳридаги хусусий банк. 35. ... Аттор ("Мантиқ ут-тайр"). 36. Мушкетёрларнинг бири. 38. Туз (тожикча). 39. Бокс бўйича жаҳон чемпиони бўлган юртдошимиз. 40. Арманистон футбол жамоаси. 41. Қўлнинг "кири". 42. Ҳиндистон кўрки бўлмиш обида. 45. Сиёсий-ҳуқуқий газета. 47."Samkochavto"-нинг автобус русуми. 50. Аксимизнинг кўзгуси. 52. Қўшиқчи Авазбек... 53. Юрган дарё, ўтирган ... 54. Зайнаб отасининг мансаби. 62. Айтилмайдиган тушунча. 55. Вақт, лаҳза. 56. Қаратқичли кишилик олмоши. 59. Ёзма ижодий иш. 61. Ўқимишли аёл. 63. "... иэтироби" (кинофильм). 65. Йўқлик водийси. 66. Тана, гавда. 68. Атоқли адиб Абайнинг миллати. 70. Кенг хавф солаётган хавфли иллат. 71. Баскетбол уюшмасининг қисқартма шакли. 72. Атлантикага чўккан улкан кема. 74. "Тўйда ..." (ҳикоя). 75. Буғдой маҳсулоти. 77. Минерал ўғит. 79. Дориворбутасимон ўсимлик. 82. Катта ариқ. 83. Давлатимизнинг рамзий қуши. 85. Ҳарбий видеофильм. 87. Вафоли жонивор. 89. БМТ (русча). 91. Юз, чеҳра. 93. Хушбўй тутатқи. 95. Кўк ранг. 96. Сув йўналиши. 98. "Ёшлар"даги кўрсатув. 99. Араб ҳарфи. 100. Нота. 101. Муқаддас шаҳар. 103. "Рамаяна" қаҳрамони. 105. Мисра охирида бир хил такрорланувчи қофиядош сўзлар. 107. Денгиз, баҳр. 108. Билл ... (собиқ АҚШ президенти). 110. Юсуфбек ҳожи, образини яратган санъаткор. 111. Самолёт русуми. 112. ... Қаср (Ирок). 113. Эстрада гуруҳи. 114. Нон ёпувчи. 118. Бобурнинг учинчи ўғли. 122. Тўқнинг акси. 123. Ноёб афсонавий қуш. 125. Қуръони каримдаги энг катта сура. 126. Метронинг "Юнусобод" йўлидаги бекатлардан бири. 127. Ўқувчининг қулқига қўйиладиган баҳо. 128. Илк вагонлар пайдо бўлган давлат. 131. Эски ҳужжатлар макони. 132. Муқаддас китоб (Исо). 134. Филнинг "қошиғи". 135. Тропик меваларнинг умумий талиши. 136. ... Мустафоев (шарҳловчи). 137. Баракалла, яшавор. 139. Оқ рангнинг орттирма шакли. 140. Келишик қўшимчаси. 141. Видеофильмлардаги қонхўр образ. 143. Ўшқириш. 144. Энг узун дарё. 145. Қора денгиз бўйидаги курорт ўлка. 146. Тутқун аёл. 147. Баҳорнинг охирги ойи. 148. Атоқли ҳинд адиби. 149. Қуриб бораётган денгиз. 152. Буғдой нави. 155. ... де Жанейро (шаҳар). 156. Доривор ўсимлик. 158. Дарахт тури. 161. Доктор, табиб. 163. Жиззах вилоятидаги туман. 164. Қадимги аждодларимиз яшаган республикамиздаги манзил. 166. Пушкин издоши, атоқли рус адиби. 167. Рус эстрада қўшиқчиси... Сафина. 168. "Пахтакор" ўйинчиси... 169. Сўзсиз ҳаракат. 170. М.Шайхзода туғилган республика. 171. Чексиз коинот.

БЎЙИГА. 1. Зиёлилар газетаси. 2. Математик атама. 3. Қариндош. 4. Рус автомобил русуми. 5. Европадаги кўп сонли миллат. 7. Йилқилар тўдаси. 8. Ёмғир чақириш маросим қўшиғи. 9. Ҳам дарё, ҳам таом. 10. Ҳиротдаги қалъа. 12. Спорт буюмлари ишлаб чиқарадиган номдор фирма. 13. Гули кўринмайдиган мевали дарахт. 14. Шоколад тури. 15. Корхонанинг инқирози. 16. Жусса, тана. 17. Лутфийга берилган нисбат. 18. Ҳашоратларни ўрганувчи мутахассис. 20. Регистон мажмуидаги мадраса. 21. "Алпомиш"даги қалмоқ шоҳи 24. Араб ҳарфи. 25. ... Тўхташ (ёш шоир). 27. Чингиз ... (рассом). 29. Биологик тур. 30. Яхшиларнинг абадий макони. 37. Қадимий ёзув тури. 41. Бош шаҳар. 43. "Найман она қиссаси"даги золим, жангари халқ. 44. Пайғамбаримизнинг мерос сўзлари. 46. Баланд тоғ чўққиси. (Европа) 47. Хўкизнинг ер ҳайдашдаги "ҳамроҳи". 48. ... атиқа. 49. 365 кун. 51. Америкадаги сersув дарё. 54. А.Темур давлатининг валиаҳди. 55. Яхна ичимлик (минерал). 57. Қадимда пул майдаловчи. 58. Балиқнинг "сунъий маскани". 60 ... -на гуруҳи. 64. Жек ... (ёзувчи). 67. Наврўз таоми. 69. Алпомишнинг синглиси. 70. Шоҳнинг курсиси. 73. Ҳасса. 76. Қаршининг қадимий номи. 78. Нон тури. 80. Мактаб ... участкаси. 81. Узум баргидан тайёрланадиган таом. 82. Шимнинг йўлдоши. 84. Феълнинг бўлишсизи шакли. 86. Нозик таъб. 88. Миқдор сон шакли. 89. Қасида (рус). 90. Эстрада гуруҳи ("Хоҳ инон ..."). 92. Гавжум, гала, уюм. 94. Т.Қаипбергенов қаҳрамонлари миллати. 97. Болаларнинг севимли конфети. 102. "Қиёмат" романидаги мураккаб образ. 104. Умархон рафиқаси, ўзбек шоираси. 105. ... Ким (футболчи). 106. Аҳил, тотув. 107. Инсонга Аллоҳ томонидан берилган бебаҳо неъмат. 109. Зиё, ёруғлик. 110. Кўп миллатли. 112. Тинчликка раҳна солувчи офат. 114. .... Тошкенбоева (санъаткор). 115. Шоҳнинг ҳам, гадонинг ҳам иши тушадиган ҳунар (касб) эгаси. 116. Араб истилосига қарши қўзғолон кўтарган ... Торобий. 117. Ўзбек адабиётининг нодир асари. 119. Ичимликни ширин қиладиган шарбат. 120. "Сезам" хазинасининг эгаси. 121. Мол-мулк, хомашё сақланадиган хона. 123. Пичоқнинг "уйи". 124. "... ларим" (А. Қаҳҳор драмаси). 128. Қоидалар тўплами. 129. 70-йилларнинг машҳур жамоаси "Битлз" гуруҳи фаолият юритган шаҳар. 130. Момоларимизга берилган нисбат (сўзлашувда). 133. Вулқондан кейинги оловли суюқлик. 135. Буюк Рим саркардаси. 138. Халқаро фазовий ташкилот. 139. Дунё. 142. Чақириш хитоби. 144. Олд қўшимча. 145. Хариднинг қолдиғи. 147. Отангдай улуғ киши. 150. Европадаги миллат. 151. Сигарет тури, нави.153. Адолат сўзининг қисқаси. 154. Даврий нашрларга ёзилиш. 157. Ўзбегим машинаси. 159. Сифат ясовчи олд қўшимча. 160. Қор (русча). 162. Шахмат донаси. 165. Қоронғу (тожикча). 167. Далолатнома ҳужжати.

Тузувчи: Элмурод ЭГАМҚУЛОВ,
Жомбой тумани

Xullas...

103 ЁШГАЧА ЛИФТДАН ФОЙДАЛАНМАГАН МОМО

Кўп қаватли уйларга лифт хизматининг жорий қилиниши бежиз эмас. Биринчидан, вақт тежалади, иккинчидан қулайлиги бор. Айниқса, оғир юкларни лифтсиз юқори қаватга олиб чиқишнинг ўзи бўлмайди.

Маҳачқалъадаги шаҳарчалардан бирида яшовчи 103 ёшдаги онахон умри бино бўлиб лифт хизматига умуман мурожаат қилмаганига ишонмаслигингиз мумкин. Аммо ҳақиқатдан ҳам шундай. Онахон Аминат Муртазалиева лифтсиз пастга тушади, зинадан яна юқорига кўтарилади.

Бу кампирнинг деярли бутун умри Дағистоннинг тоғли туманларидан бирида ўтган. Фермаларда, далачилик бригадаларида ишлаган. Пенсияга чиққач, шаҳарда турадиган қизиникида яшашга келди. Илгари бу онахон қишлоқда лифт нималигини ҳам билмаган. Энди кўряпти бу хил аломат нарсаларни.

Аминат Муртазалиевани лифтдан фойдаланмаётгани қўни-қўшниларда кулгу уйғотмоқда. Кампир эса "шкаф"га ўтирмайман, у "шайтон-арава" дея кулибгина қўя қолади...

АЛКОГОЛСИЗ ҲАФТАЛИКЛАР

Яқин вақтларга қадар Германияда аёлларнинг бир кунда 20-24 грамм спиртли, тахминан 250 грамм вино ёки пиво ичишлари уларнинг соғликларига ҳеч қандай зарар етказмайди, деб ҳисобланарди. Эркакларга эса бу кўрсаткич сал юқорироқ: 30-40 грамм.

Мангейм университетининг профессори Карл Манн спиртли ичимликлар бўйича етук мутахассис бўлиб, юқоридаги фикрни рад этади. У олиб борган тадқиқотларда спиртли ичимликлар билан "дўстлашмаслик" ёки аксинча, ошно бўлиш ҳам илгари сурилади. Ҳафтасига икки кун умуман ароқ ичмаслик, бир йил мобайнида эса беш-олти ҳафта "яримта" билан ошно бўлмаслик кифоя, деб ҳисоблайди Карлл Манн.

Профессорнинг хулосасини тўғри деб ҳисоблаш ҳам, нотўғри деб ўйлаш ҳам ҳар кимнинг ўзига ҳавола.

СУНЪИЙ ОНАЛИК ИНСТИТУТИ

Қозондаги ҳайвонот ва ботаника боғида худди шундай институт ташкил қилинди. Янги туғилган ҳайвон болалари ана шу институтнинг йирикроқ эгаларига берилади.

Бу ерга яқинда кўзлари ярим юмуқ норка келтирилди. Уни сўрғич ёрдамида боқиб катта қилишди. Унга яқиндагина иккита бола туққан мушук оналик қилди. Бу мушукнинг исми Муся бўлиб, ҳайвонлар ўртасидаги аҳиллик ва бирдамликни таъминлаб келаяпти. Ҳайвонот боғи маъмурияти Мусянинг ўн бешта кучук болага оналик қилганини ҳам эслашади.

Бизнинг кичкина укаларимизда топиладиган меҳр айрим одамларда умуман кузатилмаслигини инкор эта оламизми?

ana shunaqa gaplar

БИЛИМНИ ОРТТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Узоқ пайтлардан буён таълим жараёнида билимларни орттириш муаммоси олимлар, файласуфлар, амалиётчи педагоглар учун тадқиқот мавзуи бўлиб келган.

Бошқа фанларда бўлгани каби билимларни орттириш назариясида ҳам асрлар давомида материализм ва идеализм ўртасида кескин кураш борган. Шунга мувофиқ инсоният тафаккури тарихида бир-бири билан алмашиниб турган икки типик билим олиш назарияси: материалистик ва идеалистик назария вужудга келди.

Материалистик назария олий асаб тизими воситасида инсон онгида воқелик акс этишини руҳий жиҳатдан асослашга таянади.

Билимларни орттиришнинг идеалистик назарияси таълим ва тарбия жараёнини кишилар иродасидан мустақил деб талқин этадиган турли йўналишларнинг юзага келиши билан ажралиб туради.

Педагогика назарияси билим олишни жонлантириш малакасига қатор омиллар: ижтимоий шарт-шароитлар, субъектда мавжуд фаолиятга ҳис қилишдан бошланиб, тасаввурлар ҳосил қилиш билан тугайди.

Репродуктив билим олиш фаолияти бу билимларни амалиётда, ижодиётда қўллаш билан боғликдир. Билим олиш фаолиятининг бу тури билимларни ўзлаштириб, уларни ижодий ишда қўллаш, ўқув фаолиятининг ҳар хил воситаларини эгаллашни тақозо қилади.

Бундан ташқари, репродуктив фаолият қисқа муддатларда ва тежамкорлик билан билим олиш — ўқув фаолиятининг энг мақбул усул ва воситалари ҳамда уларни такрорлаш малакалари билан қуроллантиришга ёрдам беради.

Продуктив билим олиш фаолияти турли хил ижодий масалаларни ҳал этишга қаратилган фаолият туридир. Умуман, иш, фаолият, ижодиёт жараёнида намоён бўладиган бундай фаолият у ёки бу даражада барча инсонларга хосдир.

Шундай қилиб, ўқув фаолиятини жонлантиришдан мақсад, шунчаки ўзлаштиришни, яхши баҳолар олишни оширишдангина иборат эмас, балки шахсни камол топтиришдир.

Ҳозирги кунда билим олиш фаолиятини жонлантириш фанларнинг турли соҳалари: фалсафа, социология, психология, хусусий методика вакиллари учун энг долзарб тадқиқот мавзуларидан бирига айланмоқда. Билим олиш фаолияти давомида эҳтиёжлар, қизиқиш, майл, ҳис-туйғу, рағбат, шунингдек, умумий ва махсус лаёқатлар вужудга келади ва ривожланади.

Билим олишдаги фаолликни рағбатлантиришнинг асосий шартлари:

1. Таълим жараёнида талабаларга касб юзасидан ўзларини ўзлари тарбиялашлари, шу мақсадда ўзига ўзи баҳо беришлари, ўзлигини билиш йўллари ва воситалари тўғрисида ахборот бериш;

2. Ўз шахсини камол топтиришда билим олишдаги фаоллик аҳамиятини талабалар идрок қилишлари;

3. Таълим жараёнида талабалар ўзига-ўзи баҳо бериш усулларини эгаллашлари;

4. Талабалар билим олиш фаолиятини шахснинг ҳам ички, ҳам ташқи оламига мўлжаллаб ташкил этиш.

Ўқув машғулотлари пайти билим олишдаги фаолликни рағбатлантиришнинг йўлларидан бири ўзини билишга, ўз ички дунёсини бойитишга, ўзини-ўзи тарбиялашга қизиқиш уйғотишдан иборатдир. Муҳими шундаки, бу ҳолда ўқув жараёнини талаба ўзини-ўзи тарбиялашнинг воситаси сифатида идрок этиши жоиз.

Ўқув фанлари мундарижасига киритиладиган материал талабаларда шахс, унинг интеллекти, табиати, иродаси ва ҳиссий олами тўғрисида, шахснинг камол топишида ўзини-ўзи тарбиялашнинг аҳамияти, йўллари ва воситалари ҳақида дунёқараш даражасидаги тасаввурлар шакланишига хизмат қилиши керак.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, олий билим даргоҳларидаги талабаларда билим олишдаги фаолликни шакллантириш бўлғуси мутахассисларни сифатли тайёрлаш шартларидан биридир.

Фотима ЖУМАЕВА,
магистрант

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-566.
Тиражи 19619. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир: Нурлан УСМОНОВ,
Навбатчи: Шерали НИШОНОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
Ⓜ белгиси остида реклама материаллари берилади

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-57-89, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими — 136-54-69 (факс).

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—21.00. Топширилди — 21.00